**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АЛ – ХОРАЗМИЙ НОМЛИ УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИ**

***“ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ” КАФЕДРАСИ***

**БОТИРОВА ФЕРУЗАНИНГ**

# Шахснинг иродавий сифатлари ва уларни таркиб топтиришни ташхислаш

МАВЗУСИДАГИ МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ

**РАҲБАР:** ўқитувчи Ж.Искандаров

**МАСЛАҲАТЧИ:** пс.ф.н. Салаева Н.

**ТАҚРИЗЧИ:** ВПКХТМОИ профессор Сотликов Т

Урганч – 2009

## МУНДАРИЖА


| | | |
|---|---|---|
| **КИРИШ** | ........................................................................................... | 4 |
| **I БОБ** | **ШАХСНИНГ ИРОДАВИЙ СИФАТЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАРКИБ ТОПТИРИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК ВА НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ**…………………………………………... | 13 |
| **1.1.** | Узоқ хориж психологлари ишларида шахснинг иродавий сифатларининг ўрганилиши………………………………………………… | 13 |
| **1.2**. | Собиқ Иттифоқ психологлари тадқиқотларида шахснинг иродавий сифатларининг масаласи………………………………………………… | 24 |
| **1.3.** | Ўтмишдаги ва ҳозирги замон олимлари томонидан шахснинг иродавий сифатларининг категорияси……………………………………... | 38 |
| **1.3.1.** | Ўтмишдаги аждодларимиз таълимотида шахснинг иродавий сифатларининг муаммоси……………………………………………… | 38 |
| **1.3.2.** | Ҳозирги замон психологлари таълимотида шахснинг иродавий сифатларининг тадқиқ қилиниши………………………………………… | 46 |
| **1.3.3.** | Ҳозирги замон рус психологлари таълимотида шахснинг иродавий сифатлари......................................................................... .. | 49 |
| | **I боб бўйича қисқача хулосалар**…………………….. | 52 |
| **II БОБ.** | **ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ, БОСҚИЧЛАРИ ВА** | |

| | | |
|---|---|---|
| | **ФЕНОМЕНОЛОГИЯСИ, МЕТОДОЛОГИЯСИ....** | 55 |
| **2.1.** | Тадқиқот объекти ва методларининг психологик тавсифи ……………………………………………................... | 55 |
| **2.2.** | Илмий тадқиқот босқичлари……………………….......... | 58 |
| **2.3.** | Илмий тадқиқот феноменологияси………………………. | 64 |
| | **II боб бўйича қисқача хулосалар**……………………… | 70 |
| **III БОБ.** | **Шахснинг иродавий сифатлари ва хусусиятларини ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ЎРГАНИШ**…………………….. | 72 |
| **3.1.** | Дастлабки тадқиқот натижаларининг сифат ва миқдор жиҳатидан таҳлили ......................................................... | 72 |
| **3.2.** | Шакллантирувчи эксперимент натижаларининг таҳлили | 89 |
| | **III боб бўйича қисқача хулосалар**……………………… | 106 |

**ХУЛОСАЛАР**............................................................................... 108
**ТАВСИЯЛАР**………………………………………………………... 111
**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**......................... 113
**ИЛОВАЛАР**………………………………………………………. 129

# КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Ҳозирги даврда ижтимоий турмушнинг турли соҳалари бўйича юз бераётган ўзгаришлар, туб ислоҳотлар жамиятда янгиланишларни яратишга, фуқаролар фаровонлигини оширишга, ижтимоий тараққиётни жадаллаштиришга йўналтирилган. Мазкур ижтимоий воқеликлар, ҳодисалар рўёбга чиқишининг негизида, жумладан, педагогика коллежининг ўқувчиларида характернинг иродавий хусусиятларини шакллантириш муаммоси ҳам ётади. Педагогика коллежининг ўқувчиларида характернинг иродавий хусусиятларини шакллантириш муаммосининг долзарблиги «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг амалга оширилиши билан бевосита боғлиқдир. Ушбу муаммо мамлакатимизнинг Президенти И.А.Каримов асарларида, Олий Мажлис сессияларида ва психологиянинг соҳасига оид адабиётларда кўп марта ёритилган. Президент ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» ва «Ўзбекистон янгиланиш ва тараққиёт йўлида» номли асарларида кўрсатиб ўтганидек, Ўзбекистон Республикаси кишиларининг руҳиятини шакллантиришга жиддий таъсир қиладиган улкан ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширмоқда. Кўпгина вазифаларни ҳал қилиш учун кишиларда, шу жумладан, бўлғуси педагогларда, яъни педагогика коллежи ўқувчиларида, келгусида бошланғич синфларда таълим-тарбия берадиган субъектларда характернинг иродавий хусусиятларини шакллантириш талаб этилади.

Шахсда касб-ҳунарга меҳр-муҳаббат, мойиллик, қизиқувчанлик ҳис-туйғуларини шакллантиришнинг генезиси илк болалик ёшидан бошланади. Илк ўспиринлик ёшида характернинг иродавий хусусиятларини шакллантириш эса уни шахс сифатида камол топтиради ва интеллектини юксак босқичга кўтаради.

Мазкур масала, энг аввало, кадрларнинг салоҳиятига жиддий эътибор қаратишни, бўлғуси мутахассиснинг касбий тайёргарлиги ва касбни мукаммал

эгаллашга нисбатан муносабатини ижтимоий-иқтисодий талаблари асосида жамият тараққиётининг тўғри ташкил этишни тақозо этади. Қолаверса, Республикада изчиллик билан амалга оширилаётган «Таълим тўғрисидаги қонун» ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ушбу масаланинг ўзига хос ечимларини излашда муҳим ўрин тутади. Бинобарин, Республика Президенти томонидан ўринли эътироф этилганидек, «таълимнинг янги модели жамиятимизнинг потенциал кучларини рўёбга чиқаришда жуда катта аҳамият касб этади. Ҳар қайси инсонда муайян даражада интеллектуал салоҳият мавжуд. Агар шу ички қувватнинг тўлиқ юзага чиқиши учун зарур барча шарт-шароитлар яратилса, тафаккур ҳар хил қотиб қолган эски тушунча ва ақидалардан халос бўлади. Ва ҳар қайси инсон ноёб қобилияти ва истеъдодини, аввало, ўзи учун, оиласининг, миллати ва халқининг, давлатининг фаровонлиги, бахт-саодати, манфаати учун тўлиқ бахшида этса, бундай жамият шу қадар кучли тараққиётга эришадики, унинг суръати ва самарасини ҳатто тасаввур қилиш ҳам осон эмас. Олдимизда турган буюк мақсадларга эришишда жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси қўшадиган ҳисса шу ҳисобдан беқиёс бўлиши муқаррар».

Мазкур нуқтаи назардан ҳар бир ўқувчида шахс фазилатларини шакллантириш жараёнига, айниқса, унинг иродавий сифатларни таркиб топтиришга жиддий эътибор қаратиш орқалигина ижтимоий тараққиётнинг барқарорлигини таъминлаш мумкин.

Бизнингча, мавзу ўзининг қуйидаги жабҳалари билан ҳам ижтимоий-психологик, педагогик-психологик аҳамият касб этади:

1. Педагогика коллежи ўқувчиларида характернинг интеллектуал ва иродавий хусусиятларини шакллантириш уларни бозор иқтисодиёти муносабатларида фаоллаштириш хусусиятига эга.

2. Ўқувчиларда характернинг интеллектуал ва иродавий хусусиятларини шакллантириш шахснинг камолатини белгилайдиган муҳим омил ҳисобланади.

3. Шахсда характернинг замонавий хусусиятларини шакллантириш ўтмиш билан ҳозирги давр ўртасидаги уйғунликни таъминлайди, реаллик (реалият) талабидан келиб чиққан ҳолда ижтимоий эҳтиёж ва буюртмани юзага келтиради.

Ҳозирги даврда инсоннинг психологик имкониятларидан оқилона фойдаланиш ва уларни тўлароқ рўёбга чиқариш, шу асосда муайян ижтимоий истиқбол режаларини белгилаш ҳар бир давлат, жамият ва халқнинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Зеро, ҳар бир шахснинг ўзи жамият ва халқнинг таркибий қисми сифатида ўзини ўзи англаши, ўзини ўзи ривожлантириши ва камол топтира бориши муқаррардир. Табиийки, узлуксиз равишда Республиканинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этувчи шахсни шакллантириш муаммоси ва мазкур жараённи педагогик-психологик жиҳатдан тўғри йўналтириш, шунингдек, шу соҳага дахлдор барча йўналишларга алоҳида масъулият юклайди. Шарқ уйғониш даврнинг буюк мутафаккирлари Ибн Сино, Ал-Беруний, Форобийлар ҳам инсон характерида ижобий сифатларни шакллантириш муаммосига алоҳида эътибор қаратганликларини таъкидлаб ўтиш жоиз. Чунки уларнинг маънавий мулки жаҳон цивилизациясига салмоқли ҳисса бўлиб ҳисобланади.

Характер муаммоси психология соҳаларига тааллуқли илмий адабиётларда теран ўрганилган (Г.Оллпорт, Р.Заззо, А.Валлон, Гильом, Пьерон, Мунье). Ушбу муаммо бўйича 1957 йилда махсус симпозиум ўтказилганлиги бунга ёрқин далилдир. Шунингдек, характер психология категорияси сифатида Ўзбекистон психологлари томонидан ҳам муайян даражада тадқиқ этилган (М.Г.Давлетшин, В.А.Токарева, М.М.Маматов, Э.Ғ.Ғозиев).

Характер хусусиятларини шахсда шакллантириш муаммоси Россиялик психологлар И.В.Страхов, Н.Д.Левитов, В.С.Филатов, А.Г.Ковалев ва бошқалар томонидан ўрганилган. Шунга қарамасдан, характернинг интеллектуал ва иродавий хусусиятларини узвий ва яхлит ҳолда

шакллантириш масаласи психология фанида долзарблигича сақланиб қолмоқда, худди шу сабабли, уни ёритиш учун янгича ёндашувлар ва тадқиқот услублари талаб қилинмоқда. Чунки кейинги XX асрнинг иккинчи ярмидан то XXI асрнинг биринчи декадасигача жиддий тадқиқот амалга оширилмаган.

Характер хусусиятларини намоён бўлиши жараёнидаги айрим қийинчиликлар, мураккабликлар, айниқса, бу психологик ҳодиса талабалик йилларида кескин кўзга ташланади ва бундай ижтимоий воқелик шахснинг бундан кейинги камолотига ўз таъсирини кўрсатади.

Буларнинг ҳаммаси педагогика коллежи ўқувчилари шахсини теран, ҳар томонлама ва жиддий тадқиқ этилиш зарурлигини, шу билан бирга, ижтимоий муносабатларнинг янги тизимини барпо қилинаётган шарт-шароитларда таълим субъектларида характернинг интеллектуал ва иродавий хусусиятларини шакллантириш юзасидан барча мавжуд имкониятлардан фойдаланиш кераклигини тасдиқлайди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси**. Бугунги кунда Педагогика касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларида характернинг интеллектуал ва иродавий хусусиятларини ўрганиш шакллантириш ва ривожлантиришга бўлган эҳтиёж ошиб бормоқда.

Шарқ алломалари Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад ал-Хоразмий, Имом ал-Бухорий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Хожа Баҳовуддин Нақшбанд, Аҳмад Югнакий, Юсуф Хос Ҳожиб ва бошқаларнинг асарларида ҳам инсон характерини шакллантириш, уни тарбиялашга оид фикрлар кенг ёритилган.

Инсон характери шаклланишининг ўзига хос хусусиятларининг турли қирралари, илмий-назарий, амалий асосларини ёритиши билан узоқ хориж ва ҳамдўстлик мамлакатлари психологлари кенг шуғулланишган. Психологлар А.Робек, Р.Ментон, К.Хорни, Э.Фромм, А.Кардинер, Адлер, Кречмер, Шелдон, Кэттелл, Гильфорд, Г.Оллпорт, Валлон, Гильом, Пьерон, Лесен,

Мунье, О.Рози, Кам Жемелли, Дреджер, Г.Бирже, Г.Дестют де Трасси, Дессуар, Феофраст, И.Кант, Мид, Л.Тейлер, Дон, Байрн кабилар характер хусусиятларини ҳар томонлама ёритганлар. Ҳамдўстлик мамлакатлари психологларидан Б.Г.Ананьев, А.А.Бодалев, В.В.Давидов, А.Г.Ковалев, В.Н.Мясищев, В.А.Крутецкий, Лесгафт, И.С.Страхов, Н.Д.Левитов ва бошқалар.

Мамлакатимиз психологларидан Э.Ғ.Ғозиев, М.Г.Давлетшин, В.А.Токарева, М.М.Маматов ва бошқалар бу борада тадқиқотлар олиб борганлар.

**Диссертация ишининг илмий тадқиқот ишлар режаси билан боғлиқлиги.** Танланган мавзу мамлакатимизда амалга оширилаётган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг сифат ва такомиллаштириш босқичи билан уйғунлашган бўлиб, шунингдек, ЎзМУ психология кафедрасининг “Шахснинг фундаментал тадқиқ этилиши” (Умумий, ижтимоий, педагогик ва умр даврлари соҳалари бўйича) номли 5 йилга (2003-2008 йилларга) мўлжалланган илмий изланиш йўналишига узвий боғлиқдир.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Педагогика коллежи ўқувчиларида характернинг интеллектуал ва иродавий хусусиятларини шакллантириш механизмларини ўрганишдир.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

1. Таълим жараёнида педагогика коллежи ўқувчилари характерида интеллектуал ва иродавий хусусиятларининг ўзига хослигини ўрганиш.

2. Ўқувчиларда характернинг интеллектуал ва иродавий хусусиятларини шакллантиришнинг шарт-шароитларини аниқлаш.

3. Ўқувчилар характерида интеллектуал ва иродавий хусусиятларини шакллантиришга таъсир қилувчи айрим психологик омилларни тадқиқ этиш.

4. Ўқувчилар характерида интеллектуал ва иродавий хусусиятларини шакллантириш тизимининг ўртача-умумий ва қиёсий-типик кўрсаткичлари кўламини тажрибада текшириш ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

5. Тадқиқот методикаларини танлаш, модификациялаш, эмпирик материалларни статистик методлар ёрдами билан ҳисоблаш.

**Тадқиқот объекти:** Хива педагогика коллежи бошланғич таълим йўналиши ўқувчиларидир. Экспериментда I-III босқич ўқувчиларидан 60 нафари жалб этилди.

**Тадқиқот предмети.** Педагогика коллежи ўқувчиларида характернинг интеллектуал ва иродавий хусусиятларини ўрганиш жараёни.

**Тадқиқот методлари:**

Таълим жараёнида ўқувчилар характер хусусиятларини кузатиш; Н.Н.Обозовнинг "Ирода кучини баҳолаш" тести; Е.П.Ильин, Е.К.Фешенконинг "Сабр-бардошлиликни ўзи баҳолаш" сўровномаси; Е.П.Ильин, Е.К.Фешенконинг "Қатъиятлилик"ни баҳолаш сўровномаси; Е.П.Ильин, Е.К.Фешенконинг "Тиришқоқлик"ни баҳолаш сўровномаси; А.Алексеев ва Л.Громоваларнинг "Индивидуал тафаккур стили" тести.

**Тадқиқотнинг илмий фарази.**

Педагогика коллежи ўқувчиларининг ёшга оид омиллари ҳисобга олинса, шахснинг таълим жараёнида характерологик хусусиятлари шаклланиши бошқариб борилса, уларда характернинг интеллектуал ва иродавий хусусиятларини таркиб топтириш юксак самаралар бериши мумкин;

Педагогика коллежи ўқувчиларида характернинг интеллектуал ва иродавий хусусиятларини шаклланиш жараёни шахснинг умумий йўналганлиги, касбий установкалари, тасаввурлари, имкониятлари мутаносиблиги омиллари асосига қурилиши ва намоён бўлиши эҳтимол;

Характер хусусиятларининг шаклланиши ўзига хос иерархик боғлиқликни ташкил этувчи ёш, индивидуал психологик хусусиятлар асосида фаол-ижобий, ижобий ва индифферент муносабатлар тизимининг у ёки бу шаклида мужассамлашуви кутилади.

**Ҳимояга олиб чиқиладиган ҳолатлар:**

1. Педагогика коллежи ўқувчилари характерида интеллектуал ва иродавий хусусиятларини шакллантиришнинг мазмуни ва ўзига хос жабҳалари мавжуд бўлиб, улар муайян босқичларда у ёки бу механизмлар таъсирида рўёбга чиқади. Ушбу жараённинг муваффақияти кўп жиҳатдан ҳам объектив, ҳам субъектив омилларга боғлиқ.

2. Ҳозирги замон педагогика коллежи ўқувчилари олдига қўйиладиган талабларга асосланган ҳолда характернинг интеллектуал ва иродавий хусусиятларини уларда шакллантиришнинг модель тузилмаси мазмуни икки хил фазилатга эга бўлган жабҳани мужассамлаштиради ва бир бутунликни ўзида акс эттиради, натижада ўзига хос барқарор тизимни вужудга келтиради.

3. Педагогика коллежи ўқувчиларида характернинг интеллектуал ва иродавий хусусиятларини шакллантиришда улар ўртасида ёшга оид тафовутларини, индивидуал-психологик томонларини намоён этади.

4. Педагогика коллежи ўқувчиларида характернинг интеллектуал ва иродавий хусусиятлари шаклланишини баҳолашда тест-рейтинг тизимидан фойдаланиш методикалар валидлигини, эмпирик натижалар ишончлилигини намойиш қилади.

**Тадқиқотнинг методологик асослари:** Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарларидаги ғоялар, давлатнинг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, жаҳон психология фанида шахснинг ижтимоий тараққиёти бўйича яратилган умумий Қонуниятлар, механизмлар, концепциялар, шунингдек, шахсга индивидуал, дифференциал ёндашув принциплари (Б.М.Теплов, В.С.Мерлин, Н.С.Лейтес, Э.А.Голубева, Б.Р.Қодиров, Э.Ғ.Ғозиев ва бошқалар), шахс ва ижтимоий установка принциплари (Д.Н.Узнадзе, Ш.А.Нодирашвили, А.Г.Асмолов, Г.Оллпорт, Г.Розенберг ва бошқалар), шахс ва муносабат мутаносиблиги, фаолиятли-шахслилик ёндашув принциплари (В.Н.Мясишчев, Т.Лири, С.Л.Рубинштейн, А.Н.Леонтьев, В.С.Мерлин, Л.И.Божович ва бошқалар),

буюк Шарқ алломаларининг характер шаклланишига оид психологик таълимотлари изланишга илмий-методологик асос сифатида хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.**

1. Педагогика коллежининг I – III босқич ўқувчилари характерининг интеллектуал ва иродавий хусусиятлари генезиси, шаклланиши ва динамикаси кўрсаткичлари илк бор тадқиқ қилинганлиги.

2. Коллеж ўқувчилари фаолиятида характернинг интеллектуал ва иродавий хусусиятлари шаклланишининг ўртача-умумий ва қиёсий-типик кўрсаткичлари аниқланганлиги ва психологик тавсифи ишлаб чиқилганлиги.

3. Педагогика коллежи ўқувчиларида характернинг интеллектуал ва иродавий хусусиятлари шаклланишининг ёшга оид ва индивидуал-психологик ўзига хослиги омиллари далилланганлиги.

**Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти.** Жаҳон психологияси таълимотларига асосланган ҳолда педагогика коллежи ўқувчиларида характернинг интеллектуал ва иродавий хусусиятларини шакллантиришнинг ўзига хослиги илмий-амалий нуқтаи назардан тавсифланади ва тадқиқот натижаларидан қуйидаги йўналишларда фойдаланиш мумкин:

–Педагогика коллежи ўқувчиларининг характерида интеллектуал ва иродавий хусусиятларини шакллантиришнинг кўрсаткичларини баҳолашга оид тавсиялар яратишда;

–Педагогика коллежи ўқувчиларининг характерида интеллектуал ва иродавий хусусиятларини шакллантириш технологиясини қўллашда;

–Педагогика коллежи ўқувчиларида характер хусусиятларининг шаклланишини психологик тамойиллар асосида тадқиқ қилишга амалий йўлланмаларни тавсия этишда;

–Педагогика коллежи ўқувчиларида характернинг ижобий хусусиятларини шакллантиришнинг дастурини ишлаб чиқишда ва ҳоказо.

–**Натижаларнинг жорий қилиниши:** Тадқиқот натижалари Хива педагогика касб-ҳунар коллежи I-III босқич Педагогика ва Бошланғич таълим бўлимида ўқув жараёнига татбиқ қилинди (24.10.2008 йилдан далолатнома ҳайъат раиси Д.Бекчанов).

**Ишнинг синовдан ўтиши.** Тўпланган маълумотлар бўйича Мирзо Улуғбек номидаги ЎзбекистонМиллий Университети “Психология” кафедрасининг 2008 йил 26 ноябр қўшма йиғилишидаги назарий методологик семинарида, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети К.067.18.04 сонли Бирлашган Ихтисослашган Кенгаш қошидаги илмий методологик семинарнинг 2009 йил 17- март йиғилишида муҳокама қилинди. Шунингдек, ундаги янгиликлар Республика ҳамда Халқаро илмий-амалий анжуманлар материалларида ва илмий журналларда (2000-2009й.й.) эълон қилиб борилди.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги:** Илмий тадқиқот юзасидан 4 та мақола ва 5 та илмий тезис нашр қилинган бўлиб, 2 та мақола ОАК илмий журналларида чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, 3 боб, 11 қисм, хулосалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Илмий тадқиқотнинг мазмуни 112 бет ҳажмда (умумий ҳажми: 157 бет) ёзма матнда баён қилинган бўлиб, унда 13 та жадвал, расм, 222 номдаги адабиётлар рўйхати мужассамлашган.

# I БОБ. ХАРАКТЕРНИНГ МЕТОДОЛОГИК ВА НАЗАРИЙ МУАММОЛАРИ

## 1.1. Узоқ хориж психологлари ишларида характернинг ўрганилиши

Узоқ хориж психологиясида шахс психологиясига катта эътибор берилади. Ушбу давлатларда шахс психологиясини ўрганишда ҳар хил

хусусиятли фалсафий ва социологик назариялар учрайди. Аммо барча психологлар ҳам назарий масалаларга етарлича эътибор қаратишмайди. Бу соҳадаги кўплаб тадқиқотлар узундан-узоқ эмпирик материаллар билан тўлиб кетади ҳамда унинг негизини асослашда эса ўзларининг психологик назарияларидан келиб чиқишади, холос. Бунга мисол тариқасида фрейдизм назарияларини келтириш мумкин. Лекин ҳамма нарсага ҳозирги даврда салбий муносабатдан келиб чиққан ҳолда шахс муаммосига ёндашиш хориж психологиясидаги ижобий ишларга тўхталмаслик хато бўлар эди. Чунки бундай ишларда тадқиқотнинг методлари ва муаммоларининг қўйилиши эътиборга сазовор воқеликдир.

Бу борада Американлик психолог А.Робек замонавий шахс психологиясини асосий йўналишларга ажратди [24]. Биринчи йўналишга муаллиф кондиционист деб аталган психологларни киритди. Уларнинг шахс ҳақидаги таълимоти психикани рефлектор фаолият сифатида тушунишдан келиб чиқади. Улар психик фаолиятни ўзининг табиатига кўра, рефлектор фаолият деб аташган, шу боисдан, шахсни ўрганишга бундай ёндашиш оқилона психологик қурол эди. Аммо Робек конкрет тарзда кондиционистларга бихевиористларни ва операционистларни, психикага механистик нуқтаи назардан қаровчи гуруҳ вакилларини ҳам киритди. Бу йўналишнинг вакиллари шахсни инкор қилишади. У иккинчи йўналишга шахсни маданиятнинг маҳсули ва унинг инъикоси деб ҳисобловчи психологларни киритди. Бу ҳолат билан ҳам келишса бўлади, чунки шахсни антропологик ирқий ва миллий хусусиятларига асосланиб шакллантиришни қабул қилиб бўлмайди. Ҳолбуки, бу йўналишнинг вакилларида, жумладан, Р.Ментоннинг ўз ишларида кўрсатишича, миллийлик жамият шароитларининг ўзгариши билан ўзгарар эмиш. Бизнинг фикримизча, шахс ва унинг характери ирқлар ҳамда миллатларнинг ўзгармайдиган хусусиятларининг маҳсулидир.

Учинчи йўналишни Робек интерперсоналистик деб номлайди. Лекин муаллиф ажратган тадқиқот субъектларидан Г.Селивеннинг «Психологиянинг

интерперсонал назарияси» китоби [109] ўзига хос хусусиятга эга. Бу китобда шахс жамиятда кечадиган муносабатлардан ажратилади, қолаверса, ота-она билан болалар чегараланган муҳитда қолади.

Шахснинг характери ҳақида мушоҳадаларни олиб борган кейинги йўналиш – бу психоаналитик йўналишдир. Бу ҳанузгача жаҳонда кенг тарқалган фрейдизмдир. Фрейд шахс характери шаклланишининг негизи сифатида ижтимоий амалиёт ва ижтимоий онгни инкор этиб, инсон ривожланишининг асоси тариқасида жинсий эҳтиёж ёки жинсий майлни тан олади [206].

Характер, шахс ҳақидаги масалаларни ўрганишни неофрейдистлардан К.Хорни, Э.Фромм, А.Кардинер ва бошқалар [182] давом эттиришади. Улар шахс тузилишида жинсий майлнинг фундаментал аҳамиятини инкор қилишса ҳам ўзларининг индивидуалистик муносабатларида қатъий қолишади ва шахснинг шаклланишида инстинкт ва ҳирсларнинг ўрнини юқори баҳолашади.

Психоаналистлар билан бир қаторда Адлернинг индивидуал психологиясини ўрганиб чиқиш ҳам алоҳида аҳамият касб этади [65].

Адлернинг фикрича, шахсни, унинг характерини шакллантирувчи асосий ҳаётий куч – камчиликни ҳис қилиш ва мансабга интилишда иродавий зўр бериш ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, характернинг шаклланишида бундай нуқтаи назар одобсизликка олиб келиши мумкин.

Шахс ва унинг характерини ўрганишга йўналтирилган бешинчи йўналиш – бу биогенетиклар ва конституалистлардир. Улар шахс шаклланишининг асосига инсоннинг биологик хусусиятларини жойлаштиришади. Чунки улар шахснинг жамият маҳсули эканлигини етарлича баҳолашмайди. Бу йўналишнинг вакиллари Кречмер (Германия) ва Шелдон (АҚШ) ҳисобланади [65]. Уларнинг фикрича, инсон характерида тугма ирсий хусусиятлар асосий ҳисобланади. Бизнингча, инсон характери шаклланишида ирсий хусусиятлар

билан бирга ижтимоий омилларнинг таъсири (ўқитиш, тарбия, шахс фаоллиги) ҳам катта аҳамиятга эга.

Шахс характерини талқин қилишдаги олтинчи йўналишни факториалистлар ташкил қилади. Уларнинг вакиллари Кэттелл ва Гильфорд бўлиб ҳисобланади [109]. Улар шахс тузилишининг омилли таҳлилини математик ҳисоб-китоблар ёрдамида очиб беришади. Бу ўринда Кэттелл шахсни ўрганишнинг 16 омилли тестини ишлаб чиқади. Аммо бу методика ёрдами билан олинган натижалар шахс, унинг характери ҳақида тўлиқ маълумотлар бера олмайди. Бизнинг фикримизча, инсон характерини ўрганишда Кэттелл методикасини янада такомиллаштирган ҳолда тадқиқот ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Бу йўналишнинг таниқли вакили АҚШлик Гордон Оллпорт ҳисобланади. У бир қатор мукаммал илмий-тадқиқот ишларининг муаллифи бўлиб, унинг «Шахс. Психологик интерпретация» китоби муҳим ўрин эгаллайди [109].

Г.Оллпортнинг фикрича, ахлоқий баҳоланадиган шахсдир, шахс эса гўёки шундай баҳосиз характердир.

Г.Оллпорт шахс ва характер тушунчаларини шу йўсинда талқин қилади. Муаллиф В.Штерннинг фалсафий-персоналистик қарашларини танқид қилади.

Г.Оллпорт шахс, характер тушунчаларини ўрганишда катта илмий билимларни яратган олимдир. У шахс ва характер ҳақидаги бихевиоризм ва фрейдизм назарияларини ўринли танқидий таҳлил қилади, лекин у фрейдизмнинг айрим эмпирик умумлашмаларини инкор қилмайди. Бизнингча, Оллпортнинг шахс билан характер ўзаро муносабатлари ҳақидаги фикрлари диққатга сазовордир. Чунки Оллпорт психологияда биринчилардан бўлиб, характер атамасини шахсга боғлаб тушунтиради. Бошқа кўплаб олимлар характер деган тушунчани тан ҳам олишмайди.

Психологиянинг биосоциал йўналиши ҳам шахс, характер ҳақида мушоҳада юритади ва унга Г.Мэрфини киритиш мумкин. У шахс

психологияси бўйича бир қатор ишларнинг муаллифи бўлиб, уларнинг ичида: «Шахс, унинг келиб чиқиши ва тузилишига биосоциал ёндашиш» номли асари [24] алоҳида аҳамият касб этади. Мэрфи бу китобида ҳар қандай психик актни шахснинг акти сифатида қараб чиқишни таклиф қилади. У характерни ҳам шундай талқин қилади. Бизнинг фикримизча, Мэрфи характер муаммосини диалектик-материалистик нуқтаи назарига асосланиб ёритади.

АҚШда 1957 йилда «Шахс назариясининг истиқболлари» номли китоб нашрдан чиқади.

Ушбу асарнинг «Кириш» қисмида Г.Оллпорт америкалик ва овропалик олимларнинг шахс ҳақидаги назарияларини қарама-қарши қўйишга интилди. Бу уриниш қонуний ҳолат эмас, албатта, чунки ҳар бир мамлакатда турлича йўналишлар мавжуддир. Лекин бу китобда собиқ совет психологиясига ўрин ҳам берилмаган.

Аммо Ғарбий Овропа психологларининг таълимотларида характер муаммоси катта ўринни эгаллаган. Шунда ҳам ҳар доим шахс ва характер тушунчаларини фарқлаш бир хил ифодага эга эмас. Шахс тузилишини ўрганишда уни оддийгина психик жараёнлар ва ҳолатлар йиғиндиси сифатида тушунса бўлмайдими? Америкалик психолог Р.Линтон шундай таъриф беради: «Шахс – бу психик жараёнлар ва ҳолатлар индивидуумига кирувчи агрегатдир». Бизнинг фикримизча, шахсга берилган бу таъриф бихевиористларча хусусият касб этади. Бу фикр характер учун ҳам тааллуқли бўлиб, у хулқ-атворнинг бир бўлаги сифатида талқин қилинади. Бизнинг нуқтаи назаримизча, характер шахслараро муносабатларда намоён бўлади.

Г.Оллпорт ўзининг «Шахс конфигурацияси ва ривожланиши» номли асарида шуни кўрсатадики, Овропада «характерология» атамаси умумий қабул қилингандир, Америкада эса бу атама кам ишлатилади. Америкалик психологлар «шахс» номли кўплаб асарлар ёзишган, тадқиқотлар бажаришган.

Оллпортнинг америкалик ва овропалик психологларни қарама-қарши қўйиши айрим илмий асосларга эга, лекин у умумлаштириш доирасидан бирмунча четга чиқиб кетган.

Симпозиумда таъкидлаб ўтилишича, характер концепцияси Ғарбий Овропанинг Франция, ГФР, Италия мамлакатларида катта ўрин тутади. Симпозиумда француз психологи Р.Заззо ўзининг «Характернинг замонавий француз концепциялари ва характер ҳақида фан» мавзуида маъруза қилди [74]. У характерга оид Валлон, Гильом, Пьерон, Лесен, Мунье томонидан бажарилган ишларни таҳлил қилиб берди. Немис психологи Г.Томеннинг «Характер ўзгариши муаммоси», А.Веллекнинг «Психологияга ва характерологияга феноменал ҳамда экспериментал ёндашиш», Ф.Виатнинг «Характерология орбиталари» каби илмий ишлари характер муаммосини ўрганиш учун тақдим этилди [74]. Шунингдек, характер муаммосига Фон Браненнинг «Германияда шахс назарияси» маърузасида катта эътибор қаратилди. Бизнинг фикримизча, немис психологлари характер муаммосига катта эътибор қаратган.

О.Рози Италия психологиясида шахс назарияси ҳақида гапириб, олимларнинг диққат-эътиборини Кам Жемелли ва Коста каби таниқли итальян психологларининг характер концепциясига қаратди [206].

Характер муаммосига АҚШда жуда кам эътибор қаратилган. Лекин АҚШ психологлари ҳам характер атамасини камроқ бўлса-да, ишлатишади.

Агарда кейинги йилларда АҚШда шахс психологияси бўйича нашр этилган монографияларга эътибор берсак, унда, масалан, Кэттеллл, Мэрфи, Мюрей, Дреджер, Лазарус каби олимларнинг асарларида характер муаммоси жиддий тарзда муҳокама ҳам қилинмаган. Мэрфи «характер» атамасини «темперамент» атамаси билан айни бир нарса деб қайд қилади.

АҚШ психологияда кейинги йилларда характерни ўрганиш бўйича мақолалар умуман ўрин олмаган ва «Характер ва шахс» журналидан «характер» сўзи олиб ташланган, кейинчалик у фақат «Шахс» номи билан

нашр қилинади. Аммо АҚШда бу муаммони қаттиқ ҳимоя қилувчи психолог А.Робек ҳисобланади. У ўзининг «Ҳозирги замон психологияси» асарида характер психологиясига алоҳида боб ажратган.

Боннер ҳам «Шахс психологияси» номли монографиясида бир бобни характер муаммосига бағишлаган [96]. Улар ҳам характерологияга умуман барча америкалик психологларга хос ёндашадилар.

Юқорида айтиб ўтилган тортишувлардан келиб чиққан ҳолда шундай савол туғилади: нима учун асосан америкалик олимлар характер муаммоси бўйича ишларга тўсқинлик қилишган ва «характер» атамасини умуман психология фанидан чиқариб ташлаш керак, деган фикрни илгари суришган?

Бу саволга Н.Д.Левитов жавоб беришга ҳаракат қилади [109]. Унинг фикрича, психологларнинг характер муаммосига бундай муносабатининг учта сабаби бор: а) характерни шахс билан айни бир нарса деб қараш; б) характерни мантиққа киритиш ва унинг психология соҳасига киритилишини ноқонуний деб ҳисоблаш; в) характерни унга қизиқарли ҳодиса сифатида қараб ўрганишга шубҳа билан қараш, Кўпинча психологлар шахс ва характер муаммосини синоним тушунчалар деб ҳисоблашади ва шунинг учун характерга эътибор қаратиш керак эмас, деб билишади. Шунингдек, Дреджернинг ёзишича, «характер» ва «шахс» атамаларини аниқ фарқлаш керак эмас, чунки немисча «character» атамаси «шахс» деган маънони беради. Унинг бундай маъно беришини кўплаб англиялик ва АҚШлик психологлар қабул қилишган.

Масалан, Кендлернинг фикрича, шахс – бу «хулқ-атвор конфигурацияси ташкил қилинишидир» [182]. У шахсни ҳар хил ҳолатлардаги индивидуум сифатида тавсифлайди. Бундай таърифни тўлиқ асослаган ҳолда характерга бериш мумкин. Дон Байроннинг таърифича, «шахс соҳаси» индивидуум фарқларини ўлчаш билан боғлиқ психология фанининг тармоғи сифатида белгиланади [182]. Бундай ўлчашлар эса шахс вариантлари сифатида тушунилади. Характерни кенг ва расмий маънода шахсдан ажратмасдан, уни

шахснинг алоҳида жиҳати деб қараш мумкин. Бизнингча, характер ўзида инсоннинг индивидуал ёрқин кўринган ва сифатий ўзига хос психологик хусусиятларини акс эттиради. Улар эса шахснинг хулқ-атворига ва фаолиятига катта таъсир кўрсатади.

Француз психологи Г.Бирженинг ёзишича, «характер – бу фундаментал тузилма бўлиб, унинг воситасида таъсирлар акс эттирилади ва воқеалар қайд қилинади». У «характер – бизнинг хусусий табиатимиз бўлиб, у ерда бизнинг асосий ҳаракатларимиз аниқланади», деб ёзади. Бизнингча, бу таъриф маълум маънода ҳақиқатга яқинроқдир. Чунки характер доимо муомала ва муносабатларимизда белгиловчи роль ўйнайди.

Бундай таърифларнинг барчаси шахс характерини ўз-ўзидан, ўзини ривожлантиришдан, унинг ички ҳаётидан, англашдан алоҳида ва мустақил моҳиятидан чиқариб юборади.

Характерни ва унинг хусусияти ҳамда хислати шаклланиши тарихини тушунтириш ўрнига бу олимлар характер деганда жамият хулқ-атвори, одамларнинг ўзаро муносабатлари, ахлоқ, дунёқараш, тафаккур мантиғи, шунингдек, сиёсий ҳаракатларни тавсифлашади. Характернинг айрим назарияларида шундай тасаввурлар ҳам борки, инсон ўзининг ҳаётини характерига мос равишда кўради, одамнинг меҳнат қилмаганлиги унинг характерига мос келмаганлиги билан тушунтирилади.

Шунингдек, оилавий турмушдаги келишмовчиликлар характернинг мос келмаслиги билан тушунтирилади. Масалан, Дессуар одамларни бир-биридан фарқлайдиган характернинг учта типини кўрсатиб беради [109].

Г.Дестют де Трасси ҳам хусусийлик, индивидуаллик ва шахсга бўлади, «мен»да эса «меники» вужудга келади, деб тасдиқлашга ҳаракат қилади, хусусий мулкнинг табиий асосини топади [182]. Унинг фикрича, табиат инсонни барқарор ва ажралмас хусусийлик унинг индивидуаллигига ажратади.

Шахс ҳақидаги таълимотида америкалик олим Жеймс шуни тасдиқлайдики, шахс тушунчасини тор ва кенг маънода фарқлаш зарур [182]. Унинг фикрича, биринчисига ўзининг психофизик хусусиятлари билан алоҳида организм сифатида индивид киради. Иккинчисига эса, унинг ранг-баранглиги ва оригиналлиги билан индивидуаллик киради. Жеймснинг фикри бўйича шахснинг кенг маъносига у нимага эга бўлса, шунинг ҳаммаси, хотини ва болаларидан тортиб, қўрғони, яхтаси ва бойлиги киради. Шахснинг нарсалари ва бойлиги қанчалик кўп бўлса, унинг ўзи ҳам шунчалик кенг бўлади. Моҳияти бўйича Жеймс характер идеалига америкалик монополистларни киритди. Жеймснинг фикрича, инсон капиталсиз, бойликсиз, хусусий мулксиз характердан ҳам куруқ қолади.

Агар характерларни қадимда таърифлашларга тўхталсак, унда бу – Феофрастга тегишлидир. Бу ерда фикрлар асосан салбий хусусиятлар ҳақида бораётганини тушуниш осон. «Дангасалик», «кеккайиш», «хасадгўйлик» мавзуларида Феофраст ёмон одамлар портретини чизади [117].

И.Кант характер тушунчасини ўзининг хулқ-атворини қатъий принциплар билан бошқарадиган одамларга нисбатан ишлатади. Аммо принциплар қўйилиши шахсда ўзининг юқори бошқарув тизими функцияси ҳисобланади. Характерни шахс деб номлаш орқали ўрганиш ҳозирги кўплаб психологларга ҳам тегишлидир. Дреджер ўзининг «шахснинг функционал назариялари» асарида Фрейдчасига «у», «мен» ва «олий мен» деб фарқларга бўлиб чиқади ва характерни ахлоқий концепция сифатида қарайди [206].

Қадрият муаммоси шахс психологиясида катта ўрин тутади. Оллпорт унга ўзининг махсус экспериментал тадқиқотини бағишлайди. Унинг характерни ўрганиш муаммосини психология соҳасидан олиб ташлаш шунга асосланадики, чунки у этикага яқиндир. Лекин бу ўхшатиш тафаккурни психологиядан этика предмети деб олиб ташлашга баробардир. Психология ахлоқий меъёрларни ва қоидаларни тузмайди, лекин у ахлоқий хусусият ва кўринишлар қандай ролда эканлиги ҳақидаги масалани ечади.

Оллпорт характерни бир ахлоқий хусусиятга киритиш хатолигини сезиб, шахснинг ёрқин кўринган хусусияти деб номлашни таклиф қилади.

Д.Мид характер деганда шахснинг аниқ маданиятга тегишлилиги жиҳатида тушунади [194]. У маданиятли характер концепциясини кўтариб чиқди. Унга индивидуал шахснинг бошқарувчиларини киритди. Бу бошқарувчилар шу индивидуум ўсиб улғайган маданийлик ёки маданиятдир. Жамият маданияти кўплаб индивидуал характерлар билан шаклланишига ҳалақит бермайди.

Р.Гильфорд шахснинг характерологик омилларига ўзини ўзи аниқлашга, эркинликка, мустақилликка, онглиликка, тартиблиликка, аниқликка эҳтиёж омилини киритади [206].

Бу омиллар кўпроқ ахлоқий соҳага киради, аммо нафақат ахлоқий, балки иродавий мазмунга эгадир.

Г.Кэттелл шахснинг асосий омиллари орасида кучни ва ожизликни кўрсатади, «олий мен» - инсон иродасининг бўшлигини, ўзининг ҳаракатлари турғунмаслигини, принципсизликни кўрсатади.

Ўз-ўзидан иродавий хусусиятлар характерда кўпроқ кўринади. У шахс таркиби бўлиб йўналганлик хусусиятларига боғлиқ равишда кўринади ва шунинг учун яхлит характерда ўрганилиши керак.

Англиялик психолог Вебб 1915 йилдаёқ иродавий омилни, Берт 1939 йилда болаларни ўрганишда у «умумий эмоционаллик» деб атаган омилни ажратиб кўрсатди [206].

Л.Тейлер ўзининг «Индивидуал фарқлар психологияси» монографиясида шуни кўрсатадики, «хусусият» атамаси «шахснинг мезоний жиҳатини» билдирадиган «ўлчаш» атамасига ўз ўрнини беради [206].

«Шахсга кириш» монографиясининг муаллифи Дон Байри ёзадики, «шахс тузилиши шахсларнинг ташкилий ўзаро таъсирини статистик тасаввур сифатида тушунилиши мумкин». Бу даврлар «фундаментал даврлар», «функционал бирликлар», «ўлчамлар» омиллари сифатида белгиланади.

АҚШнинг барча психологлари шахсни математик фетишизм жиҳатидан қарашмайди [109].

Характер ва интеллект ўртасидаги муносабатларнинг мураккаб муаммоси қадим даврлардан бери донишмандларнинг диққат-эътиборини тортиб келган. Сократнинг интеллектуал ахлоқига асосан мулойим одамлар одамни мулойим қилади. Аристотель барча мулойим, кўнгилчан одамларни 2 та гуруҳга ажратди: этик ва дианоэтик, булар ахлоқ ва ақл одамлари [34]. АҚШда Ж.Гилфорд учта ўлчам кўрсатилган «инсон интеллектининг мураккаб тузилиши назарий модели»ни таклиф қилди [109]. Биринчи ўлчам – операциялар, унга баҳо, тафаккур, хотира ва таниш киради. Иккинчи ўлчам интеллект маҳсули: бирликлар, синфлар, муносабат, тизимлар, айтишлар киради. Учинчи ўлчам интеллектуал фаолият мазмуни: фигурали, символик, семантик ва бихевиористик.

Бу модел ишончли илмий қизиқишни вужудга келтиради, чунки интеллект ҳар томонлама қараб чиқилади. Интеллектда операциялар, маҳсулотлар ва мазкур фарқланиши тўла қонунийдир.

Э.Торндайкнинг фикрича, умумий интеллект мавжудлигига шубҳа бор бўлиб, унга алоҳида функциялар ва кўриниш хосдир [65]. Буни ўрганиш учун бир нечта фактлар гуруҳини келтириш мумкин.

Интеллектнинг табиати ва психологик моҳияти ҳақидаги масала бўйича ҳар хил фикрлар мавжуд. Умумий интеллектни қараб чиққан Спирмен асосий омил сифатида муносабатни тушунишни ҳисоблайди. В.Штернниг фикрича, ақлий қобилиятлилик бу «янги талабларга нисбатан ўзининг тафаккурини онгли бошқарадиган индивидуумнинг умумий қобилиятидир; бу янги масалаларга ва ҳаёт шароитларига психик мослашишнинг умумий қобилиятидир». Э.Торндайк ҳисоблайдики, интеллект бу кўплаб функцияларнинг бирлашишидир.

Клапаред Спирмен, В.Штерн ва Э.Торндайк нуқтаи назарларини бирлаштиради ва ақлий иқтидорлиликни бошқарувчи ва янги муаммоларни ечишга қобилият сифатида интегралга ажратади.

Фалсафий адабиётларда ҳам интеллект ва ироданинг нисбий аҳамияти ҳақидаги муаммо устида мушоҳадалар юритилган. Иродани тасдиқловчи волюнтаристлар билан интеллектуалистлар ўртасида қизиқарли баҳслар олиб борилган. Декарт, Спиноза. Лейбниц каби донишмандлар интеллектуалист нуқтаи назарига эга эдилар, Шопенгауэр, Гартманлар эса волюнтаристик қарашларга эгадирлар. Илмий психологияда ҳам уларнинг фикрини қўллаб-қувватловчилар кўринади. Мейман ўзининг «Интеллигентлилик ва ирода» китобида бироз эмпирик материалга эга бўлиб, интеллектуалистик, кейинчалик эса метафизик хулосага келди [95].

XVI-XVII асрлардаги моралист-характерологлардан Ларошфуко «аристократик» ақлнинг ҳар томонини кўриб, инсонни бажарадиган ишларининг асосий ҳаракатлантирувчиси юракдадир деб, ақл эса фақат тобелик ҳолатини эгаллайди, холос.

Француз файласуфи Лабрюйер ақл ва юрак ўртасидаги муносабатни тушунтиришга интилиб, ақл ишлаши учун эмоция ва ирода ҳам кераклигини айтиб ўтади [96].

Ларошфукодек Лабрюйер ҳам ақл ва юрак ёки ақл ва ирода ўртасидаги антагонизм ҳақида гапириб, ақлнинг руҳий эканлигини кўрсатиб беришган.

Ижтимоий-тарихий даврларда муаллифлар томонидан ақл, ҳиссиёт ва ирода кучлари бирлашишига қарши фикрлар таъкидлаб ўтилган.

Кейинги даврларда интеллект ва характер ўртасидаги муносабатларни тушуниш анъанаси Теодюль Рибо ишларида ёрқин кўринади [96]. Интеллектни характер таркибларидан ўчириб ташлашни ҳимоя қилиб, Рибо шунга интиладики, интеллект гўёки сезги, идрок ва тасаввурларга кириш эволюциясида тўғриланишга эгадир.

Рибо шундай дейди: “Интеллект характернинг асосий унсури ҳисобланмайди, лекин у ёруғлик, аммо ҳаёт эмас, ўз-ўзидан ҳаракат ҳам эмасдир”. Бизнингча, Рибо бу фикрларни айтиш билан Шопенгауэр изидан борганлигини тасдиқлади, холос.

## 1.2. Собиқ Иттифоқ психологлари ишларида характернинг тадқиқоти

Характер муаммоси – Собиқ Иттифоқ психологияси фанининг энг муҳим муаммоларидан бири эди. Бу муаммони ечишда мазкур психология инсон шахсининг моҳиятини жамият муносабатлари йиғиндиси сифатида материалистик тушунишдан келиб чиқади. Айнан бу шахснинг конкрет тарихий-синфий моҳияти характернинг ҳаётий мазмунини ташкил қилади. Унинг ҳаётий ва тарихий-синфий моҳияти бирлиги индивидуал ўзига хос шакли ва кўриниши фаннинг марказий муаммоси ҳисобланади.

Унда характернинг илмий назарияси психология фанининг предметини материалистик тушунишдан келиб чиқади.

Илмий психологияда характерни таҳлил қилиш ўзида унинг психологик тузилишини ва психологик қонуниятларини, типологияси ва ривожланишини билиш мақсадида систематик ўрганишни мужассамлаштиради. Характерни ўрганиш психология фанининг соҳаларидан бири бўлмиш характерологиянинг предмети ҳисобланади.

Характер ҳақидаги тушунча, шунингдек, унинг салбий мазмунида шундай ҳолатларда, салбий характер хусусиятлари кўриниши кузатилганда ишлатилади. Масалан, иродасизлик, қайсарлик, қўполлик тарбиявий таъсир йўли билан йўқотилади. В.Е.Милерян «Характернинг динамик хусусиятлари ва билиш қобилиятлари ривожланишида ўзаро алоқаларни тадқиқ қилиш» номли мақоласида характер хусусиятлари ва шахснинг қобилиятлари шаклланишини аниқловчи ўзаро алоқалар ва муносабатлар муаммосининг долзарблиги ҳамда амалий аҳамиятини кўриб чиққан [74].

Инсонга комплекс ёндашиш асосида ҳар томонлама ва гармоник ривожланиши муаммоси, унинг XX асрда муҳимлиги Б.Г.Ананьев, А.А.Бодалев, В.В.Давидов, А.Г.Ковалев, В.Н.Мясишчев, В.А.Крутецкий, Н.А.Менчинская ва бошқаларнинг ишларида таъкидлаб ўтилади [24, 43, 96, 133, 106]. Характер ва қобилият ҳақидаги таълимот яхлитлигича шахснинг индивидуал-психологик хусусиятлари шаклланишининг қонуниятларини комплекс ўрганишда амалга оширилади.

Шахснинг характери ва қобилиятларининг ўзаро алоқаси муаммосини ечишга назарий ёндашишлар ишлаб чиқилиши ва қўйилиши биринчи марта Б.Г.Ананьев томонидан «Характер ва қобилият ривожланишидаги ўзаро алоқалар ҳақида» номли ишида амалга оширилди. Б.Г.Ананьевнинг назарий фикрлари ўз вақтида В.Н.Мясишчев ишларида кейинги ривожланишини топди. Бу тадқиқотнинг мақсади юқори синф ўқувчиларининг ўзлаштириш қобилияти билан чаққонлик, ҳаракатчанлик, иродавий ўзини бошқариш ва эмоционал турғунлик каби характерологик хусусиятларининг ўзаро алоқасини назарий ва экспериментал тадқиқ этиш ҳисобланади.

Характернинг аниқ хусусиятлари ривожланишининг генезиси инсоннинг қобилиятларини шаклланадиган фаолият тарихида берилган. В.Е.Милеряннинг фикрича, ақлнинг шаклланиши – бу бутунлигича шахснинг шаклланишидир[74]. Шунингдек, у Б.Г.Ананьев изидан бориб, характерни шахснинг индивидуал ўзига хос психик бойлиги сифатида, объектив борликка муносабатлар тизими ва уларни амалга ошириш усуллари сифатида қараб чиққан ҳолда, унинг тузилишида характернинг динамик томонини кўрсатувчи ва шахс муносабатлари кўриниши шаклини акс эттирувчи эмоционал-динамик ва иродавий хусусиятлар гуруҳига ажратди. В.Е.Милерян буларнинг қаторига вазминлик, жўшқинлик, ҳаракатчанлик, эмоционал турғунлик, ўзини ўзи бошқариш каби характер хусусиятларини киритди.

Унинг фикрича, характер хусусиятлари ўзида олий нерв фаолиятининг ўзига хос индивидуал-типологик хусусиятлари ва хулқ-атвор динамикасининг

индивидуал ўзига хослигини аниқловчи психик фаолиятда орттирилган функционал хусусиятларининг бирикмасини акс эттиради. Шундай қилиб, ўрганилаётган характерологик хусусиятлар: вазминлик, жўшқинлик, ҳаракатчанлик, эмоционал турғунлик, иродавий ўзини ўзи бошқариши каби олий нерв фаолиятининг гипотетик хусусиятларига асосланиб, маълум даражада тарбия, таълим, индивидуал ривожланиш, ижтимоий муҳит шароитининг фенотипик натижаси ҳисобланади.

Характернинг жўшқинлиги реакция кучида, мақсадга йўналган фаолликда қўйилган мақсадга эришиш учун инсоннинг ўзини жонлантириш қобилиятида, юксак ишчанлик қобилиятида, кўринади. Характернинг вазминлиги деганда шахс фаоллиги билан унинг хулқ-атвори динамикаси турғунлигини характерловчи ўзини тута билиш ўртасидаги аниқ мос келиш тушунилади.

К.Д.Ушинскийнинг кўрсатишича, характер тушунчасига эга бўлиш кузатиш услуби орқали амалга ошади [189]. Кузатиш манбанинг мазмунини эмас, балки инсоннинг ҳаёт ва фаолият шаклларини кузатиш демакдир. Лекин Ушинскийнинг тарбиячининг тарбияланувчига таъсири ҳақидаги қарашлари орқали характердаги сунъийликни характер мазмунидан ажратмаганликдир.

Лесгафт ўзининг характер ҳақидаги таълимотини очиб беришда қуйидаги иродавий хусусиятларга эътибор қилишликни уқтириб ўтади: ўзини идора қила билиш, ўзининг фаолиятини англаш, тўсиқлардан ўта олиш имконияти кабиларни назарда тутади. Булардан ташқари, характер хусусиятларига у инсонлардаги қатъийлик, яъни онгли тарзда мавжуд ҳақиқатга иродавий эришишни киритади. Инсоннинг ўзини ўзи шакллантириш шароитида шундай ахлоқий хусусиятларни ривожлантириш кераклигини маъқул, деб топади, бунда унинг шахсий иродавий фаолияти тасдиқланган «ҳақиқат ҳақидаги» тушунчага қаратилган, бу тушунча инсоннинг ўзига ва бошқаларга ҳам тааллуқлидир [118].

Баъзи бир психологлар томонидан мақсадга йўналганлик, бошқача атамалар (иборалар) билан ҳам характернинг асосий қисми эканлиги ифодаланади. Жумладан, К.Н.Корниловнинг «характер» тушунчаси – бу инсоннинг шахсий психологик хусусияти бўлиб, унинг асосий ҳаётий қурилма (йўл-йўриқ)ларидан: дунёқараши, қизиқиши, ахлоқий ишончи, тақлид намунаси кабилардан иборатдир, айнан шу жиҳатлари инсон фаолиятининг ўзига хослигини таъминлайди.

Б.М.Тепловнинг тасдиқлашича, характернинг ифодаланиши «мақсад ифодаланиши» кабидир [183]. Бу жараёнда инсон ўз олдига мақсад қўйиш билан уни амалга ошириш восита ва услубларини, йўл-йўриқларини ҳам аниқлайди. Кейин уларни айрим-айрим ҳолда тушунтириб: «инсон характери биринчи навбатда уни дунёга, бошқа кишиларга, ўз ишига ва айнан ўзига нисбатан муносабати орқали аниқланади. Бундай муносабатлар инсоннинг дунёқарашлари, эътиқоди, онгли ифодасини топа олиши ҳамда унинг туйғулари орқали бошдан кечирилади». Демак, бу ерда келтириб ўтилган барча инсоннинг ташқи оламга, ўзига нисбатан онгли равишда ифодаланган муносабатлари йўналтирилган тушунчага эга бўлиш кабилар уни фаолиятга ундовчи туркумига киради.

Б.Г.Ананьев эса характер тушунчасига инсоннинг шахсий хусусиятларини киритмасдан, фақат асосий йўналишларини, айнан шу йўналиш шахс ҳаётий фаолиятида ўзига хослигини кўрсатади [24].

П.А.Шеварёв характер деганда инсоннинг шундай психологик хусусиятларини тушунадики, «уларда инсоннинг дунёқараши ва хатти-ҳаракатларида боғлиқлик бўлсин», - деб кўрсатади [117].

Т.Г.Егоров бошқа муаллифлардан фарқли ўлароқ характер йўналганлигига биринчи ўринда инсоннинг бошқаларга, ўзига муносабати қаторига унинг меҳнатга муносабатини ҳам киритади. П.А.Рудик томонидан характер тушунчасига ўзининг муносабатини кўрсатиб, инсоннинг ҳаётий жараёнга турлича қарашлари қаторида унинг ижтимоий тақозоланган

характер хусусиятларини худди «йўналиш» тушунчаси каби очиб беради. Лекин «йўналиш» атамасини (иборасини) қўлламайди.

А.Г.Ковалев характерни тўғридан-тўғри инсоннинг психологик хусусиятлари йиғиндиси деб тушунади, у шу шахснинг ўзи учун махсус хусусиятга эга бўлган йўналишда ифодаланади, яъни «ўзини тута билиш жиҳати ҳам қандайдир маънода ҳаётий аниқликка киритилади», деб кўрсатади.

В.С.Филатов худди шундай характер ҳақида гапириб, уни инсон фаолиятида ва хатти-ҳаракатларида ифодаланиши ва шу билан бирга ҳаётий йўналиш билан аниқланади ҳамда шахс хатти-ҳаракатининг барча йўналиши ҳисобланади, дейди.

К.Д.Ушинский характернинг ташкиллашув масаласини ирода жараёнига киритган. «Турли кишиларда айнан характерда ирода фаолияти асосланади», - деган эди у [59].

Лесгафтнинг фикрича, характер деб онгли равишда тасдиқланган ҳақиқатда асосланган инсон иродасини айтиш мумкин экан.

Жумладан, Б.М.Теплов шундай ёзади: «Характерда юқори аҳамиятга эга бўлган ҳол – бу ироданинг хусусиятидир», бу жараён психиканинг томонлари сифатида инсон хатти-ҳаракатларида ва фаолиятларида намоён бўлади.

Б.Г.Ананьев характернинг ирода билан бирлиги ҳақида гапириб, шундай дейди: «Характер бирдамлигини ташкил қилишда асосий ўринни ирода эгаллайди. Иродавий сифатлар инсоннинг умумий ривожланишида тикланиб боради ва шахс характерининг иродавий сифатларини тарбиялаш зарурлигини кўрсатади», - дейди.

И.С.Страхов эса характерни иродавий сифатлар орқали аниқлаш назариясига ўз муносабатини шундай тасвирлайди: «Бундай изоҳлашнинг илмий зарурлигини баҳолаш орқали шуни таъкидлаш зарурки, яъни ироданинг турган ўрни характернинг зарурий қисмидир», - деб кўрсатади. И.С.Страховнинг кейинги кўрсатмалари ҳам жуда зарурдир. «Бу йўналишда

характернинг айрим томонларини аниқлашларидан, шуларнинг асосий хусусиятларини кўрсатиш керак, яъни қисқа аниқлашга қарама-қарши ҳолда унда ироданинг баъзи бир сифатларини фақат ҳар томонлама аниқлаш қабул қилинганлигини ўрнатиш зарур». Характернинг маълум бир қисми сифатида ироданинг ўзига хос аҳамиятга эга эканлиги ҳақида Т.Г.Егоров, П.А.Рудик, А.Г.Ковалев кабилар ҳам ўз муносабатларини кўрсатганлар [96].

Инсоннинг шахсий йўналиши сифатида характер ва ироданинг умумий тизими маълум аҳамиятга эга. Масалан, уларнинг умумийлиги ёки қисмларга ажратилганлиги ёки қарама-қаршилиги. Муайян даражадаги барқарорлиги ёки изчил равишда ўсиб бориши характернинг юзаки расмий томони мазмуни эмас, балки хаёлий сиймоси, инсон хатти-ҳаракатлари уни худди шундай ўрганишга ҳам қаратилиши айнан характернинг кенг маънода тадқиқ қилиниши, бу ҳолларнинг характер мазмуни билан боғлиқ эканлигини мужассамлаштиради.

Биз учун энг асосий масала: шу инсоннинг фаолияти нимага қаратилган, унинг иродаси кимга ва нима учун хизмат қилади? деган саволларга аниқлик киритишдир.

Бошқа талабаларнинг мазкур талабага нисбатан муносабати, уни қайси талаба ёқтириши (жинсига қараб), ким билан кўпроқ мулоқотга киришишга интилиши қиёслашади, натижада ҳар бир талаба (14 киши) ўз босқичдошлари билан ўз муносабатларининг қандай таркиб топганлигидан қаноатланиши ёки қаноатланмаслиги аниқланди. Талаба педагогик амалиёт фаолиятига нисбатан ўзида таркиб топган муносабатидан қаноатланганми ёки қаноатланмаганми, унинг бўлғуси педагогик фаолиятидаги интилишлари қандай даражада эканлиги, у ўз зиммасидаги педагогик фаолиятдан ташқари жамоат вазифаларини бажаришга интиладими ёки йўқми, бу жараёнда унинг имкониятлари даражаси ушбу йўсинда аниқланди.

Талабанинг бошқа талабалар билан шахсий ўзаро муносабатларини аниқлашда Я.Л.Коломинскийнинг Л.И.Божович раҳбарлигида ёзилган

«Синфда ўқувчиларнинг ўзаро муносабатларини психологик ўрганиш тажрибасидан» номзодлик илмий даражасини олиш учун диссертацияси, А.Г.Ковалевнинг «Шахс ўзини тарбиялайди» (1983), «Шахс психологияси» (1970), «Ўқувчиларнинг ўз-ўзларини тарбиялаши» (1967), Б.И.Абраменконинг «Ўсмир ўқувчилар характери психологияси» (1974), Ф.Н.Гоноболиннинг «Ирода, характер, фаолият» (1966) каби муаллифларнинг назариялари танқидий таҳлил қилинди.

А.Г.Ковалевнинг фикрича, ирода – онгнинг амалий томони ҳисобланади ва онгли равишда татбиқ қилишда намоён бўлади. Иродали киши фаолиятда фаоллик орқали шахсий сифатларини очиб беради. Натижада юқоридан юксак ижобий характер сифатларини намоён қилади. Бу жараёнда нафақат характер сифатлари, балки маънавий хусусиятлари ҳам ўз ифодасини топади. Онгли равишда фаоллик кўрсатиш – иродавий ҳаракат демакдир. Иродавий ҳаракатлар ғоявий мотивларга (турткиларга) қурилмоғи керак, чунки улар ташқи таъсир орқали намоён бўлади.

Ҳаракатчанлик шахснинг характерологик хусусияти сифатида ҳаракатлар ўзгаришида ва амалга ошиш динамикасида, малака ва кўникмалар шаклланиши ва қайта тикланишида, янги ишга киришиш тезлигида ва бир ишдан бошқа ишга кўчишда, диққатни кўчириш ва тақсимлаш хусусиятида, эмоционал реактивликда кўринади.

Б.Г.Ананьевнинг фикрича, характер хусусиятларига «ҳаётий мазмун» томонидан ёндашиш зарур (1980). Унинг фикрича, характер хусусиятлари муносабатлардан ташкил топади, аммо ҳар қандай муносабатлардан эмас, балки мавжуд, шахсда илдизи бўлганларидан ташкил топади. Муҳим ва асосий характерни шакллантирувчи муносабатлар Б.Г.Ананьев назарида жамиятга, мафкурага, меҳнатга, бошқа одамларга ва ўзига нисбатан муносабатлардир.

С.Л.Рубинштейн ҳам турғунлик ва мустаҳкамликни характер хусусияти сифатида таъкидлайди [166, 167]. Аммо Б.Г.Ананьевдан фарқли ўлароқ

характер манбасини муносабатларда кўрмасдан, балки мотивлар ва қўзғатувчиларда кўради. Натижалар олдин вазиятли шартланган тарзда пайдо бўлади ва ташқи шарт-шароитлар боришида вужудга келади. Вақт ўтиши билан бошқарувчи бўлиб қолади ва характер хусусияти сифатида мустаҳкамланади. «Туртки, мотив – бу характер хусусиятидир», - деб таъкидлайди С.Л.Рубинштейн.

Н.Д.Левитов бир-бирига ўхшаш фикрларига асосланиб қуйидагича хулоса қилган: «Шахснинг компоненти сифатида характер барча собиқ Иттифоқ психологлари ишларида йўналиш ёки муносабатлар тизими ва иродавий хусусиятлар тизими сифатида таҳлил қилинади». Характерга бундай қараш шахсни эмпирик тушуниш сифатида бу сўзни умумий ҳаётий тушунишга эгадир. Интуиция ва илмий таҳлил характерда инсоннинг психологик бойлигида алоҳида ўрин тутадиган қуйидаги муҳим белгиларни қараб чиқади. Бундай хусусиятлар уни бошқалардан фарқлайди (иродавий сифатлар). Барча айтилган белгилар шахс тушунчасига ҳам тааллуқлидир. Шахснинг хусусиятлари индивидуал ўзига хос, турғун фаолиятда гавдаланади. «Иродали шахс» ҳам «иродавий характер» сўзидек табиий эшитилади. Шундай қилиб, умумий ҳаётий тушуниш илмий адабиётларда “характер” атамаси инсон хулқ-атвори йўналишини унинг муносабатлари тизимини белгилаш учун қўлланилади, деб тушунтиради. Н.Д.Левитовнинг фикрича, “Характер психологияси ҳуқуқини тиклаш” учун чақириқни (Н.Д.Левитов, 1970, 21-бет) шундай ҳолатда реаллаштириш мумкинки, қачонки, “характер” ва “шахс” сўзларини синоним қилиб ишлатиш тўхтатилганида.

А.Н.Леонтьевнинг фикрича, характер инсоннинг индивидуал хусусиятларига киритилади [115].

Бу фикрлар Ю.Б.Гиппенрейтернинг мақоласида ҳам келтирилади [65].

Б.М.Тепловнинг ёзишича, «ҳеч қандай психик хусусият» туғма бўлмайди [184]. Иқтидор туғма бўлиши мумкин.

Психологиянинг характер ва шахс муносабатлари муаммосига эътибор берадиган бўлсак, уни иккиёқлама тавсифлаш мумкин. Биринчидан, характернинг шахс шаклланишидаги иштироки ҳақидаги масалани таҳлил қилиш назарда тутилса, иккинчидан, шахснинг характерга таъсир этиши тўғрисида мулоҳазадир.

Биринчи масалага жавобнинг умумий кўриниши А.Н.Леонтьевнинг формуласида акс этган. Бу шундай ифодаланадики, индивиднинг хусусиятлари шахс шаклланишининг шароити ёки манбаи сифатида тавсифланади. Характернинг типологияси эса ранг-баранг эмпирик материалга бой эканлигини таъкидлаш жоиз.

Шунингдек, психологик адабиётларда характернинг ёрқин кўринган четланишлари билан боғлиқ шахс сифатлари пайдо бўлишининг механизмларини топишга тааллуқли ҳаракатлар мавжуддир (Рубинштейн, 1979; Зейгарник, 1982).

Рубинштейннинг фикрича, барча ижтимоий муносабатларда шаклланадиган ижтимоий хулқ-атворнинг ҳар хил типлари характер хусусиятларининг маҳсули ҳисобланади.

Иккинчидан, характер тақдирига шахснинг таъсир этишининг умумий формуласи А.Н.Леонтьевнинг тезисларида келтирилган. Уларга кўра, шахснинг ҳақиқий туғилиши ўсмирда ўзини ўзи англаш вужудга келиши билан бошланади. Бу таъсир кейинги психик ривожланишни ўзгартирувчи шароит сифатида иштирок этади. Бундай ўзгаришнинг бир жиҳати хулқ-атворни бошқариш билан боғлиқ.

Агар олдинги босқичларда эҳтиёж – ҳаракат алоқаси бевоситалик билан фарқ қилса, энди эса улар онгли мақсад билан бавоситаланади (Божович, 1968).

Психологик адабиётларда бу умумий ҳолатнинг жуда қизиқарли ва етарли даражада баҳоланмаган тажрибаси учраб туради. У А.Ф.Лазурскийнинг шахсни синфларга ажратишида мавжуддир. Унинг

асосини иккита принцип: инсонларнинг «психик мазмуни» хусусиятларига ва психик даражасига кўра ажратиш принциплари ташкил қилади. Муаллиф биринчи принципга кўра, учта гуруҳга ажратади – анъанавий урғу бериш билан ақлга, ҳиссиёт ва иродага, иккинчи принципга кўра, у учта даражани кўрсатади: булар паст, ўрта ва олий даражалардир.

Инсоннинг юқори даражада ривожланишига ўтганида, А.Ф.Лазурский аста-секин унинг индивидуаллиги тавсифидан характер хусусиятларини ўчириб боради, уларни шахс хусусиятларига қўшиб юборади. Унинг фикрича, меъёрий характер – бу «олтин ўрталик»дир. Характер эса ўзидан ўзи фарқ, хусусият, индивидуалликдир.

А.Н.Леонтьевнинг шахс концепцияси характер муаммоларини кенг кўламда таҳлил қилишга ёрдам беради. Улар ичида ҳаммадан олдин “характер” тушунчаси ҳажмини белгилаш ҳамда характер билан темперамент муносабатларини аниқлаш муаммоси иштирок этади. Унинг томонидан берилган “индивид” ва “шахс” тушунчаларининг талқини характерни индивиднинг хусусиятларига киритишга ёрдам беради. Характерни бундай тушуниш инсоннинг хулқ-атвори усулларини кўрсатади. Бу эса шахс хусусиятларига айнан ўхшашдир.

А.Н.Леонтьев инсоннинг индивидлик хусусиятлари ва шахс хусусиятларини фарқлайди. Унинг фикрича, индивидлик хусусиятлари шахс ривожланишининг шароитидир. Шаклланаётган шахсда эса хусусий характер мавжуд бўлади.

Сифатли, алоҳида таркиб топган шахс ҳақидаги тасаввур меъёрий характер деб номланган муаммони тушунтиришга имкон беради.

Характер ҳақидаги таълимотнинг кўрсатишича, бу шахснинг муҳим томонини ўрганишнинг бошлангич давридаёк ранг-барангликни намоён этади. Кундалик ҳаётимизда ҳам «характер» атамаси ҳар хил маънода ишлатилади. Н.Д.Левитовнинг фикрича, характерни ўрганишда «характер» атамасига таъриф бериш лозим, чунки бу ҳақида маълумотга эга бўлмасак,

унинг нималиги, тузилиши, шаклланиши юзасидан бирор нарса деб бўлмайди. Лекин «характер» тушунчасининг бошланғич таърифи чуқуррoқ ва мазмунлироқ бўлиб бораётир, шунинг билан бирга, бизнинг кўз ўнгимизда характер ва унинг шаклланиши ёки типик хусусиятларининг янги ва янги қирралари очилиб бораётир.

Ҳаётий амалиёт характер тушунчасини икки хил маънода аниқлашга олиб келади. Булар умумийроқ ва махсус ёки қатъийроқ маънога эга бўлиб, бу характерни аниқлашда бир-бирини тўлдиради.

Характер тушунчасини умумий ёки кенгроқ тушунишда ёрқин кўринган ва сифатий ўзига хос инсоннинг психологик хусусиятлари ҳақида фикр юритилади. Бу хусусиятлар инсон хулқ-атворига ва бажарадиган ишларига таъсир қилади.

Кўпинча инсон характери ҳақида гап борганида, унинг индивидуал кўриниши ва ўзига хос психологик хусусиятлари тушунилади. Инсонни характерлаш доимо унинг индивидуаллигини бошқа одамлардан фарқлайдиган томонларини кўрсатиш билан тавсифланади.

Аксарият собиқ Иттифоқ психологлари томонидан йўналганлик характернинг асосий жабҳаси (компоненти) деб тан олинади.

К.Н.Корниловнинг таърифича, «характер – бу инсоннинг асосий индивидуал-психологик хусусияти, унда асосий ҳаётий установкалар, дунёқараш, қизиқишлар, ахлоқий ишонч, идеаллар акс этади».

Бу ўринда «ҳаётий установкалар» атамаси «йўналганлик» атамаси каби аҳамият касб этади.

Б.М.Тепловнинг таъкидлашича, характер «инсон олдига қўядиган мақсадларда, шунингдек, у мазкур мақсадни амалга оширадиган восита ва усулларда» кўринади. Шу билан бирга, унинг тушунтиришича, «инсон характери ҳаммадан олдин унинг оламга муносабатида, бошқа одамларга, ўзининг ишига ва охирида ўзига нисбатан муносабатларида аниқланади».

А.Г.Ковалев ва В.Н.Мясищчевнинг таърифига кўра, характер – бу ўзига хосликка эга бўлган шахсдир. В.А.Крутецкий ўзининг характерга берган таърифини шундай бошлайди: “Характер – бу шахсга хос хусусиятларнинг индивидуал – ўзига хос йиғиндисидир” [106].

К.К.Платонов эса характерга шахснинг ёрқинроқ ва нисбатан турғунроқ хусусиятлари мажмуасини киритади [145, 146]. Бу хусусиятлар шу одам учун типик ва унинг ҳаракат ва ишларида тизимли равишда кўринади.

Агар характер таърифидан унинг шундай муҳим белгиси, индивидуал - ўзига хослигини ўчириб ташласак, унда уни тушунишда схематизмга ва формализмга ўтиб қоламиз.

Б.М.Теплов характер хусусиятлари ичида инсоннинг ўзига, бошқа одамларга ва меҳнатга нисбатан муносабати каби хусусиятларни тўғри ажратади. Аммо унинг таҳлили тўлиқликни талаб қилмайди ва қисман йўналганликнинг интеллектуал, иродавий ва эмоционал жабҳаларини аниқлаш вазифасини қўймайди.

И.В.Страхов қизиқишнинг характерологик функциялари ҳақида гапириб, қизиқишларни уларнинг мазмуни кенглиги, чуқурлиги, турғунлиги, ўзаро алоқаси, англанганлигига, инсон шахсий қизиқишларига муносабатига кўра, унинг мотивлари умумий ва индивидуаллик муносабатларига нисбатан фарқланади [182].

В.Е.Сиркина шундай муҳим фикрни айтади: инсон характери, ҳаммадан олдин йўналганлик бўлгани учун қобилият нафақат тўлдирилади, балки ривожланади ҳам [182].

Лесгафтнинг фикрига кўра, “характер деб ақл билан қатъий ташкил қилинган, ҳақиқатларга асосланган инсон иродасининг кўринишини айтса бўлади” [109].

Б.Г.Ананьев характернинг бирлиги ҳақида мулоҳаза юритиб шундай дейди: “Характер бирлиги тузилишида ирода алоҳида рол ўйнайди. Иродавий

жараёнлар шахсни ривожлантириш ва тарбиялаш жараёнида унинг иродавий хусусиятларига айланади”.

И.В.Страхов характерга иродавий сифатлар йиғиндиси сифатида берилган таъриф назариясига ўзининг муносабатини шундай ифодалайди: “Бу таърифнинг илмий аҳамиятини баҳолаб, айтиш керакки, характернинг муҳим жабҳаси ёки таркиби сифатида ироданинг ролини тўғри таъкидлайдилар”.

Муаллифнинг кейинги фикрлари жуда эътиборга сазовордир: “Бу йўналганликка тегишли характернинг алоҳида таърифларидан шуни хусусан айтиб ўтиш керакки, бунда ирода ҳар томонлама тор таърифдаги ирода сифатининг қандайдир алоҳида таъсирига қарама-қаршиликда олинади”. П.А.Рудик қатъий фикр билдиради: “Характернинг муҳим хусусияти инсон иродаси хусусиятлари билан боғланган”.

Юқорида таҳлил қилинган ирода билан характернинг муносабатларидан келиб чиққан ҳолда иродавий хусусиятларга тўхталиб ўтамиз. Иродавий хусусиятлар педагогика коллежи ўқувчиларининг бўлғуси педагогик фаолиятига тайёргарликда катта аҳамиятга эга.

Қарор қабул қилиш – педагог учун жуда муҳим хусусият ҳисобланади. Ўқитувчи қанчалик тез ва ўз вақтида тўғри қарор қабул қилишига ва уни амалга оширишига қараб ишнинг муваффақияти намоён бўлади. Педагогик жараён жуда динамикдир ва тезда ориентирлашни, диққатни енгил кўчиришни ва тез қарор қабул  қилишни талаб қилади.

Иродавий хусусиятлардан яна бири бу ўзини тута билишдир. Ўзини тута билиш характернинг шундай сифатики, бунда айнан шу вақтда керак бўлмаган онгдаги ва фаолиятдаги барча нарсалар четлаштирилиши ёки тўхтатилишида кўринади. Бундай хусусиятга эга бўлган инсон ташқаридан жиддий, ўз нутқини, кайфиятини бошқара олади, эмоционал портлашларга ёки аффектга берилмайди.

Ўзини тута билишга жуда яқин бўлган хусусият – бу ўзини бошқаришдир. Агар ўзини тута билиш кераксиз, зарарли, стихияли

нарсалардан сакланишни билдирса, унда ўзини бошқариш атамасининг кўрсатишича, инсон ўзининг фаолиятини кузатиб боради, жавобгарлик ҳиссига ва талабчанликка эга бўлади, бунда салбий томонга қандайдир четлашишга йўл қўйилмайди. Ўзини бошқара олмайдиган одам ўзини бошқариш механизмини йўқотиб қўяди.

Характернинг интеллектуал хусусиятларига тўхталиб ўтамиз. Характер билан интеллект ўртасидаги мураккаб муносабатлар муаммоси қадим замонлардан бери олимлар томонидан ўрганиб келинган.

Интеллект – шахс хусусияти бўлиб, объектив борлиқдаги предмет ва ҳодисаларни уларнинг ўзига хос алоқалари ва қонуниятлари билан онгимизда аниқ ва чуқур акс эттирадиган қобилиятдир.

Интеллект барча ақлий жараёнларда, биринчи навбатда, тафаккур ва ижодий хаёлда кўринади. У кўпроқ ёрқинроқ янги муаммони мустақил ечишда кузатилади.

Интеллектнинг ҳар хил одамларда турли даражада ривожланганлиги туфайли бир нечта сифатлари мавжуддир.

А.Ақлнинг тушунарлиги – фикрлар оддийлиги ва ишончлилиги, унда қандайдир ўйланган фикр йўқлиги. Бу нафақат интеллектуал, балки қандайдир маънода ахлоқий хусусиятдир. Чунки ақлнинг тушунарлилиги одатда нафақат ҳаракат учун жавобгарлик, балки фикрлар учун ҳам жавобгарликни ҳис қилишдир.

Б. Ақлнинг мантиқийлиги – тафаккурдаги қатъий давомийлик ва системалиликдир.

В. Ақлнинг чуқурлиги ёки ўйловчанлик – предметларда ва ҳодисаларда ўзига хосликни билиш қобилияти.

Г. Ақлнинг кенглиги – масаланинг барча томонларини ҳисобга олган ҳолда фикр юритиш қобилияти.

Д. Ақлнинг юмшоқлиги ва эгилувчанлиги – шаблонлик, стереотипликнинг йўқлиги, фикрлашни ўзгартириш қобилияти.

Е. Мустақиллик ва оригиналлик. Бу оддий ақл юмшоқлиги бўлмасдан, балки янгилик ақлий фаолиятнинг ижодий хусусияти.

Ж. Ақлнинг танқидийлиги – текширилмаган, шунчаки олинган ҳукмлар йўқлиги, чуқур ўрганилган, таҳлил қилинган, инкорларга жиддий муносабатнинг мавжудлигидир. Инсон ақлининг бу барча индивидуал хусусиятлари меҳнат жараёнида пайдо бўлади, у шаклланади ва ривожланади.

«Шахсда интеллект ва ирода» муаммоси қадимий, шунинг билан бирга, ҳозирги давргача ўзининг долзарблиги билан сақланиб қолгандир.

## 1.3. Ўтмишдаги ва ҳозирги замон олимлари томонидан характер категорияси қўйилиши

### 1.3.1. Ўтмишдаги аждодларимиз таълимотида характер муаммоси

Муҳаммад Ризо Огаҳий ўтмишдаги олимларнинг таълим-тарбия тўғрисидаги фикрларидан фойдаланиб, ўзининг шахсий тажрибасига таяниб, ижтимоий-сиёсий ҳамда педагогик масалаларни ҳал этишга ҳаракат қилади. У инсон характери тўғрисида фикр юритар экан, унинг ижтимоий мавжудот эканлигини, қолаверса, у фақатгина жамиятда, жамоада ижтимоий муносабатларнинг натижасида камол топишини уқтиради [13].

Огаҳий ёшларнинг илм олиши характерининг ижобий хусусиятларини шакллантиришнинг омили эканлигини тушунтиради.

Муаллиф инсоннинг умумий тушунчалари моҳиятини тушуниши фақат ақлий ривожланиши билан рўй беради, деб ҳисоблайди ҳамда ақл ривожланиши натижасида инсон ташқи дунёни ва ижтимоий ҳодисаларни билиши мумкинлигини алоҳида таъкидлайди.

Мутафаккирлар таълимотини ўрганиш орқали педагогика коллежи ўқувчилари характерида интеллектуал ва иродавий хусусиятларни шакллантириш мумкин. Уларнинг ичида Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” достонида комил инсон ва эзгулик, адолат, маърифат ва одоб-ахлоқ

ҳақидаги ғоялар Кунтуғди, Ойтўлди, Ўғдулмиш, Ўзғурмиш образлари орқали гавдаланган [13].

Ахмад Югнакий “Ҳибатул ҳақойиқ” достонида илмни қадрлайди, илмни кишига бахт-саодат йўлларини очувчи омил сифатида тасвирлайди, ростгўйлик, тўғри сўзликни олқишлайди, жоҳиллик, чақимчилик, лақмаликни инсон бошига ғам-ғусса келтирувчи иллат сифатида қоралайди. Унинг асарларидаги илм ўрганиш, ўзини тутиб, жоҳиллик қилмаслик ҳақидаги фикрлар шахсда интеллект ва иродани шакллантиришга ундашни англатади. Унингча, ақлий ва иродавий сифатли кишилар илм-фанга интилади ва бошқа одамлар ўртасида ўзини тутиб, ижобий характер хусусиятларини кўрсатади.

Абу Наср Форобий “Фозил одамлар шаҳри” асарида яхшилик ва ёмонлик тўғрисида фикр билдириб, яхшилик бахт-саодат келтиришини, ёмонлик эса кишига бахт-саодат келтирмаслигини айтади [16].

Форобий талқинича, Фозил инсон тушунчаси комил инсон тушунчасига синоним бўлиб, шахс характерида интеллектуал-иродавий сифатларни шакллантириш ва ривожлантиришга эътибор қаратилиши лозим. Чунки фозил одамларда бу хусусиятлар шаклланиши давр тақозосидир[16].

Абу Наср ал-Форобий инсон шахси шаклланиши, характери ривожланиши, инсон камолоти масаласи устида тадқиқотлар олиб боради [192]. «Инсонга, - дейди ал-Форобий, - унинг олдига қўйган мақсадларини амалга оширишига ёрдам берадиган кучлари, қобилиятлари ва ўрганган ҳаракатлари инсон яхшилигидир. Инсонга унинг олдига қўйган мақсадларини амалга оширишига ҳалақит берувчи кучлари, қобилиятлари ва ўрганган ихтиёрий ҳаракатлари инсон ёмонлигидир».

Ал-Форобий назарий билимларни ўрганишга киришган ҳар бир инсоннинг ахлоқ-одоби ҳам юксак даражада пок бўлиши кераклигини таъкидлаб, бунга хулқ-ахлоқни фақат сўздагина эмас, балки ҳақиқатда тозалаш орқали эришиш мумкин. Хато ва адашишдан сақловчи, ҳақиқат

йўлини тутиб олишга бошловчи нафсни, жонини, руҳини тозалаш зарур эканлигини уқтиради.

Абу Райҳон Берунийнинг таълим ҳақидаги фикрларини ўрганиш, энг аввало, уни илм олиш ва билишдаги таълим узвийлиги, ўқиш, ўқитиш, ўқув қуроллари, ёзув белгилари ҳақида айтган фикрлари юксак дид маҳсули эканлиги тўғрисида хулоса чиқариш мумкин [39]. Беруний жаҳон фанида ҳам биринчилардан бўлиб, қиёсий тарбияга оид фикрлар билдирган.

Беруний ўзининг таълим-тарбияга оид қарашларини асосан “Қадимги халқларнинг ёдгорликлари”, “Ҳиндистон”, “Минералогия” каби асарларида баён этган. Шунингдек, Беруний таълим-тарбияга ўқувчиларнинг диққатини жалб қилиш, машғулотлар давомида уларнинг зерикиб қолмаслиги учун билим беришнинг турли йўллари, шакл ва услублари устида шундай ёзади: “Бизнинг мақсадимиз ўқувчини толиқтириб қўймасликдир. Ҳадеб бир нарсани ўқий бериш зерикарли бўлади ва тоқатни тоқ қилади. Агар ўқувчи бир масаладан бошқа бир масалага ўтиб турса, у худди турли-туман боғларда сайр қилгандек бўлади, бир боғдан ўтар-ўтмас бошқа бир боғ бошланади. Киши уларнинг ҳаммасини кўргиси ва томоша қилгиси келади. Ҳар бир янги нарса кишига роҳат бағишлайди”, деб беҳуда айтмаган (34, 36).

У инсонда доимо интеллектуал сифатлар янгиликларни билишга қизиқиш мавжудлигини таъкидлайди. Беруний мазкур жараёнда инсон характерининг интеллектуал-иродавий сифатларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг шарт-шароити ва механизмларини яққол кўрсатиб беради.

Кайковус “Қобуснома”да дунёда инсоннинг билмаган нарсаси йўқлигини таъкидлаб, уни табиат оламида буюк бир дунё деб билади ва ҳар бир нарсани онгидан ўтказувчи қудратли ақлга, интеллектга эга эканлигини таъкидлайди. Инсоннинг зарурий хусусияти ҳақида шундай фикрни уқтиради: «Суқрот ҳаким деган эдики, ҳунардан яхшироқ нарса йўқдир, бадхўйликдан ёмонроқ нарса йўқдир». Кайковус ёшларни мард жувонмард бўлишга ундаб, жувонмардликни уч асосий гуруҳга бўлиб: «бири – айтган сўзингни ўзинг

бажарсанг, иккинчиси – тўғриликка ихлос қилсанг, учинчиси – хайрни кўзда тутсанг», - дейди ва бу хислатнинг инсон характери шаклланишида муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлайди. Кайковуснинг фикрлари инсон характерининг ижобий сифатларини шакллантириш тўғрисида боради. Бунда танқидий фикрлаш, мустақил фикрлаш, маҳсулдорлик, иродавий сифатлар - ўзини тута билиш, ботирлик, матонатли бўлиш ҳақида мулоҳаза билдирилади. Мазкур сифатлар инсон характерида шаклланса, у баркамол инсон бўлиб етишади.

Ахлоқшунос Ар-Розий кишилардаги манманликни қоралаб, ундан халос бўлиш учун ҳам бошқалар билан ўзини таққослаб кўришни маслаҳат беради. Бироқ инсон ўзининг ижобий фазилатларини кўра олмаслиги ва шу боис ўзини ерга уриши ҳам жиддий нуқсон. Ар-Розий ҳасадгўйлик, сержаҳллик иллатлари инсон ҳаётида салбий аҳамият касб этишидан одамларни огоҳлантиради. Айниқса, ёлғончилик шундай иллатки, у одамни шарманда қилиб, бошқаларнинг унга нисбатан нафрат билан муносабатда бўлишига, биродарлари ишончининг йўқолишига олиб келади.

Ар-Розий бефойда, тушкунликка туширувчи ўй-хаёллардан узоқ бўлишга шахсни чақиради. Салбий сабаблар кишига ўз мақсадларини рўёбга чиқаришига халақит беради. Доно одам эса вақти-вақти билан дам олиб, хурсандчилик қилиб, кайфиятини кўтариб туради. Хафақонлик киши руҳини тушириб, уни умидсизлик сари етаклайди. Бундай кайфиятдан қутилиши учун киши содир бўлган ёки кутилаётган қувончли воқеа-ҳодисаларни кўз олдига келтириши, ўзини овутадиган бир фаолият билан шуғулланиши жоиз.

Ал-Хоразмий кишиларнинг хуш ахлоқли, ижобий сифатлар, фазилатлар соҳиби бўлиши тарафдори. Унинг фикрича, ҳар ким уз феълига яраша ҳурмат-эътибор қозонади, юксакликка кўтарилади. Бошқаларга яхшилик қилиш, саҳий, мурувватли бўлиш барчанинг вазифаси эканлигини уқтириб, аллома «Яхшилик шон-шуҳратга ўхшайди. Бошқалар ундан қанча хазар қилсалар-да, мурувватли киши шон-шухрат топади», - дейди.

Абу Бакр Ар-Розий каби ал-Хоразмий ҳам ғазабланиш, хафагарчилик қандай нохуш оқибатларга олиб келишини айтади: «Ғазаб ҳурмат-эҳтиромни унутишга, хайрли ишларни йўққа чиқаришга хизмат қилади». Бунда инсон характерининг салбий иллатлари танқид қилинади ва ижобий сифатлар ривожланиши комил инсон шахси шаклланишининг омили эканлиги далилланади.

Фирдавсий 30 йилдан ортиқроқ вақт давомида ёзган «Шоҳнома» асарида ҳалол меҳнат, ахлоқий поклик, одил подшоҳ ғоялари куйланади. Асарнинг «Рустам ва Суҳроб» қиссасида Фирдавсийнинг ахлоқий-маърифий қарашлари мужассамлашган.

«Авесто» китобида ҳам инсон характери тўғрисида фикрлар мавжуд бўлиб, улар савол-жавоб тарзида берилган [21]. Масалан, қайси характер яхши? деган саволга шундай жавоб берилади: ўзини тута билиш. Бу фикрда инсон характерининг иродавий хусусиятларини шакллантириш тўғрисида мулоҳаза юритилади.

«Авесто»даги эзгу сўзлар реал ва руҳий оламга баб-баравар тегишлидир. У инсоннинг жисми ва руҳини поклашга, жисмоний ва маънавий етукликка хизмат қилади. Унинг қалби эзгу ниятлар ва Тангрига садоқат туйғуларини уйғотади, ёвуз кучлар кирдикорларини фош қилади.

Инсон характерини белгиловчи бешта асосий хусусият «Авесто»да таърифланган. Улардан иккитаси бевосита эзгу сўзга алоқадордир. Булар сўзнинг аниқ ва маъноли бўлиши ҳамда Олий Тангри Ахура Маздага эътиқод фақат эзгу сўз билангина ифодаланишидир.

Китобда «бурч», «саҳийлик», «яхши ниятни ифодаловчи сўз» каби мулоҳазаларни учратиш мумкин. Инсон фаолиятининг воситалари сифатида ақл, билим, одоб эзгу иш билан уйғунлашган эзгу сўз ҳам қайд этилади.

Қадимда кишиларнинг сўзда сеҳр бўлиши ҳақидаги қарашлари «Авесто»да ҳам акс этган.

Имом ал-Бухорий асарларида инсон характерига таъсир этувчи иккинчи воситадир, деб айтиш мумкин [15]. Ибодат деганда фақатгина намоз ўқиш, рўза тутиш, закот бериш ва ҳаж амалларини бажаришгина бўлмасдан, балки сабр-тоқатли бўлиш, нафсни тийиш, тозаликка риоя қилиш ва ёмон иллатлардан сақланиш назарда тутилади. Бу фикрларнинг барчаси инсон характерининг иродавий хусусиятларини шакллантиришдан иборатдир.

Ибодатлар ислом таълимотига кўра, ҳар кимдан имконияти даражасида талаб қилиниши таъкидланади. Амал тушунчаси иймон ва ибодат каби тушунчалардан фарқ қилиб, кўпроқ инсоннинг иродасига, хоҳишига боғлиқдир. Ёш авлоднинг характерини шакллантиришда амал тушунчасининг аҳамияти каттадир. Ал-Бухорий асарларида таъкидланишича, инсон қилган амали туфайли камолотга ёки инқирозга боради [13].

Абу Наср ал-Форобий инсон шахси шаклланиши, характери ривожланиши, инсон камолоти масаласи устида тадқиқотлар олиб боради [192]. «Инсонга, - дейди ал-Форобий, - унинг олдига қўйган мақсадларини амалга оширишига ёрдам берадиган кучлари, қобилиятлари ва ўрганган ҳаракатлари инсон яхшилигидир. Инсонга унинг олдига қўйган мақсадларини амалга оширишига ҳалақит берувчи кучлари, қобилиятлари ва ўрганган ихтиёрий ҳаракатлари инсон ёмонлигидир».

Ибн Синонинг этик қарашлари унинг сиёсий-ижтимоий ва фалсафий ғояларидан келиб чиқади [14]. Бу эса буюк олим фикрларининг чукурлигини ва уларнинг тараққийпарвар эканлигини кўрсатиб беради. Ахлоқ масалалари Ибн Синонинг ижодида кўп ўрин эгаллайди. Унинг фикрича, одамларнинг хулқ-атвори ва ишларига қараб яхшилик ва ёмонликни билиш мумкин. У ўзининг “Аксам ал – улум ал – ақлийа” асарида ахлоққа қуйидагича таъриф беради: “бу фан инсон ўзининг хулқ-атвори қандай бўлишини билиши ҳақидаги фандир”. Ибн Синонинг ёзишича, дунёдаги мавжуд бўлган барча нарсалар, ўзининг табиатига кўра, такомиллашишига интилади. Айнан бу такомиллашишга интилиш моҳиятига кўра яхшиликдир. Предмет шаклида

берилган яхшилик, шу предметнинг такомиллашишига интилишни кўрсатади. Ўз-ўзидан яхшилик Ибн Синонинг фикрича, фаоллик категориясига киради. Унинг фикрича, ёмонлик предметнинг моҳиятида бўлиб, уни такомиллашиш имкониятидан бенасиб қилиб, ҳатто ривожланишни тўхтатиб туради. Олим айтадики, бундай ёмонликни четлаштириб, йўқотиб ташлаш керак.

Ибн Синонинг фикрича, ҳар бир предметда ҳар хил қобилиятлар мавжуд. Шунинг билан бирга у айтадики, қобилият тушунчасини имконият тушунчасидан фарқлаш лозим.

Ибн Синонинг нуқтаи назарича, яхшилик ва ёмонлик, лаззат ва алам атамалари асосий ахлоқий категориялар ҳисобланади. Асосий ахлоқий қадрият адолат ҳисобаланади. Ибн Синонинг қўзғатувчилар ҳақидаги фикрлари қизиқарлидир. У қўзғовчиларни учта турга ажаратади.

1. Инстинктлар билан пайдо бўладиган ҳиссий қўзғовчилар (жинсий ҳирс, берилиш, мазали овқатга истак, чиройли кийимга истак).

2. Ғазаб ва бошқа кучли маънавий ҳислар билан пайдо бўладиган қўзғовчилар (қўрқиш, айта олмаслик, алам, нафрат, ҳасад, рашк).

3. Онгли қўзғовчилар (жиддийлик, ўзини тута билш, адолатлилик, донишмандлик).

Онгли қўзғовчилар билан боғланган инсоннинг асосий ижобий сифатларига Ибн Сино қуйидагиларни, яъни ўзини тута билиш, донишмандлик ва ботирликни киритади. Бу учта ижобий сифат жамланганда адолатликни ташкил қилади. Агар инсонда шундай сифатлар мавжуд бўлса, унда у ўзининг инстинктларини жиловлаб, ўзида яхшилик бошланишини мустаҳкамлайди, шунинг билан ҳақиқий-маънавий лаззатланиш тус олади. Онг эса нарсаларни аоҳида кўради, - деб ёзади Ибн Сино. Қандай бўлса шундайлигича ёки ҳеч ҳам кўрмайди. Ҳиссиёт эса, қўпол ва ўзгарган ҳолда идрок қилади, онг эса ўзгармаган акс этишни идрок қилади. Онг яхшилик, тартиблилик ва бахт нимадан келиб чиқишини кўради. Бу ўринда аниқ кўриниб турибдики, Ибн Сино ахлоқнинг ва ахлоқий тарбиянинг асосий

муаммоларига рационал ёндашган. Тарбия ҳаммадан олдин инсонда предмет ва ҳодисаларга онгли ёндашувни шакллантириш керак, чунки айнан онг яхшилик, кўнгилчанлик, тартиблилик ва бутунлигича инсон бахтининг асосида ётади.

“Хайй ибн Якзан ҳақида қисса”да ижобий ва салбий ахлоқий сифатлар инсоннинг “оғайнилари” сифатида иштирок этади. Олимнинг фикрича, бизнинг ижобий “оғайниларимиз” га илмлилик, қатъий ирода, виждонлилик, меҳрибонлик, ишонч, адолатлилик, ботирлик ва жасурлик, салбийларига эса қизғанчиқлик, сотқинлик, ёлғон, алдаш ва бошқалар киради. Салбий “оғайнилар” жуда яшовчан; улар доимо ва ҳар жойда инсонни йўлидан адаштиради, уни ҳар хил ёқимсиз ҳолатга келтиради. Шунинг учун у салбий “оғайнилар”дан халос бўлишни тавсия қилади. Салбий ахлоқий иллатларнинг илдизини қирқиш учун Ибн Сино ўзингизнинг иродангизни ривожлантиришга маслаҳат беради. Агар инсон иродали бўлса, унинг характерида иллатлар бўлмаслиги мумкин.

Ибн Сино ҳиссиётга берилиб ахлоқсиз ҳаракатлар қилганларни танқид қилади. У доимо одамларни, асосан ёшларни ҳиссиётларнинг ҳар хил кўринишларига берилмасликка чақирди. Булар бойликка, спиртли ичимликка, жинсий бебошликка йўл қўймаслик кабилардир.

## 1.3.2. Ҳозирги замон психологлари таълимотида характернинг тадқиқ этилиши

Характер ва унинг хусусиятларини шакллантириш муаммоси – бизнинг психология фанининг ҳам жуда муҳим масалаларидан биридир. Айниқса, ёш авлодни шакллантиришда, уларга билим беришда характер хусусиятларини ҳисобга олиш муаммоси психологларни кўпдан қизиқтириб келган. Шунингдек, характернинг ривожланишидаги психологик механизмлар, уларнинг психологик асослари ҳақидаги тортишувлар психологларнинг эътиборидан четда қолмади. Улар характер шаклланишининг табиатини тушунишда диалектик материалистик нуқтаи назаридан ёндашадилар. Бу борада Э.Ғ. Ғозиев, М.Г.Давлетшин, В.А.Токарева, М.М.Маматов каби психологлар тадқиқот ишларини олиб борганлар [208, 209, 210, 186, 121]. В.А.Токарева ўзининг "Талаба шахсининг маънавий ривожланиши психологияси" номли монографиясида талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг психологик жиҳатларига кенг тўхталади [186, 187]. Унинг фикрича, маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириш долзарб муаммо бўлиб, келгусидаги шахс камолоти, унинг характер хусусиятларини таркиб топтиришдаги аҳамияти жуда каттадир. Ҳақиқатдан ҳам, инсон маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамол шахс бўлиб шаклланса, жамиятимиз тараққиётига катта ҳисса қўшади, ўз-ўзидан инсон характерининг ахлоқий-маънавий жиҳатдан етуклиги - бу характер хусусиятининг белгисидир, модомики шундай экан, олиманинг келтирган ҳар бир мисоллари инсон характери шаклланиши билан ёнма-ён боради. Муаллиф шундай фикр билдирадики, талабада маънавий ривожланишнинг жадаллиги ва йўналиши олий ўқув юртида ўқиш даврида ўзгариб боради. Бу ўринда В.А.Токарева талаба характерининг интеллектуал сифатлари ҳақидаги фикрларини маънавий сифатлар билан боғлаб тушунтиришга ҳаракат қилади. Шунингдек, психолог М.М.Маматов ўзининг "Инсон характери ва унинг шаклланиши" номли асарида миллий характер ва унинг хусусиятларини ҳар томонлама чуқур

таҳлил қилади [121]. У характер ҳақидаги чет эл ва собиқ иттифоқ психологларининг фикрларини таҳлил қилиб, шундай таъриф беради: “Характер деб шахсда ижтимоий муҳит ва таълим-тарбия таъсирида таркиб топиб, унинг хатти-ҳаракатлари ва хулқ-атворида намоён бўладиган барқарор индивидуал хусусиятларга айтилади”.

М.М.Маматов характернинг хислатлари пайдо бўлиши ҳақида гапириб, шундай дейди: “Характер хислатлари конкрет тарихий шароитда ижтимоий муносабатларининг тараққиёти билан боғлиқ ҳолда юзага келади ва ўзгариб боради. Ҳар бир давр ижтимоий тузум манфаатларига мос бўлган характер хислатларини яратади, яъни ҳар бир даврнинг “ўз қаҳрамонлари” бўлади [121]. Ҳақиқатан ҳам олимнинг бу фикри жуда ҳам аҳамиятлидир. Биз тарихдан биламизки, ҳар бир даврда шу тузумга мос билимли, ишбилармон, ботир, матонатли одамлари бўлган, аммо тузум ўзгариши билан уларнинг аҳамиятлилиги эътибордан четлашган, ҳаттоки жазоланган.

М.М.Маматов характернинг асосий хислатларини бир неча гуруҳга ажратиб ўрганишга ҳаракат қилади [121]. Унинг фикрича, характернинг муҳим хусусиятлари қуйидагилар:

1. Ирода билан боғлиқ бўлган характер хислатлари.

Бу хусусиятлар қатъиятлилик, барқарорлик, саботлилик, (матонатлилик), интизомлилик каби сифатларда яққол намоён бўлади.

Иродавий хусусиятлар характернинг муҳим хусусияти бўлиб, иродавий жараёнда у тўла намоён бўлади. Ҳаётда кўпинча “характери кучли”, “характери бўш” каби иборалар ишлатилади. Бунда киши характеридаги иродавий хислатлар назарда тутилади. Автор қатъият ва барқарорлик ҳақида гапириб, унинг юксак кўриниши муракаб вазиятларда ҳам тез ва ишбилармонлик билан асосли қарорлар қабул қилишда ва уни амалга оширишга киришишда намоён бўлишини таъкидлайди. Лекин ҳар қандай тез қарор қабул қилиш ёки хатти-ҳаракат қатъиятлилик белгиси эмас. Чунки қатъиятли кишилар орасида кайфиятга қараб тез, шошқолоқлик билан асоссиз

қарорга келувчилар ҳам учраши, уларнинг енгилтак, бетайин шахс эканлигини кўрсатади.

Характернинг барқарорлиги эса, унинг ички бирлигида, яъни мақсад билан фаолиятнинг муштараклигида, онг билан хатти-ҳаракатнинг бирлигида кўринади. М.М.Маматов характернинг маънавий хислатлари деганда кишининг ахлоқий эътиқодларини акс эттирадиган хислатларни тушунади. Унинг ёзишича, ахлоқли одам ўз хатти-ҳаракатларида, интилишлари ва юриш-туришида жамият ахлоқ қоидаларига амал қилган кишилардир. Ҳақиқатан биз яшаётган жамият қонунларига бўйсуниб, унинг равнақи учун жон куйдирадиган одамларни маънавиятли инсонлар деймиз.

М.М.Маматов характернинг интеллектуал (ақлий) хислатлари ҳақида ҳам чуқур мулоҳазали фикрларни баён қилади. У характернинг интеллектуал хислатлари деганда ташаббускорлик, уддабуронлик, принципиаллик, янгиликка қизиқувчанлик, кузатувчанлик каби хусусиятлар мажмуасини тушунади. Шунинг билан бирга у таъкидлайдики, бу хусусиятлар характернинг иродавий хислатларини тўла намоён бўлишига ёрдам беради. Унинг фикрича, кучли характерга эга бўлган кишилар кўпинча ақлий жиҳатдан ҳам етук бўладилар. Масалан, ташаббускорлик ҳамма жойда ҳам бажарилиши лозим бўлган вазифаларни ҳал этишда янгидан-янги самарали йўл ва воситаларни қидириб топишда кўринади. Ташаббускор ўқувчи бола масалани ечилишнинг битта усули билан қаноатланиб қолмасдан, балки янгидан–янги усулларни топишга ҳаракат қилади ва кўпинча бунга муваффақ бўлади. Бу ўринда характернинг интеллектуал сифатлари муҳим роль ўйнайди.

Юқорида келтирилган фикрлардан кўриниб турибдики, характер мураккаб тузилишга эга бўлиб, у шахс фаолиятининг ҳамма соҳаларида ҳам вужудга келиши мумкин.

### 1.3.3. Ҳозирги замон рус психологлари таълимотида характер

Ҳозирги замон психологларининг характер ҳақидаги фикрларини таҳлил қиладиган бўлсак, бу тўғрида рус олимлари ғояларига тўхталиб ўтамиз. Рус педагоглари А.О.Прохоров ва Т.Н.Васильевалар характер хусусиятларининг психик ҳолатлари билан алоқасини ўрганиб чиқишади [151]. Уларнинг фикрича, шахснинг характери ва шахснинг муносабатлари тизими педагогик фаолиятда пайдо бўладиган психик ҳолатларга таъсир қилар экан. Бу ерда педагог муносабатлари учун хос бўлган симптомокомплекслар ажратиб берилади. Шунингдек, муносабатлар тизими билан характер хусусиятларининг ўзаро таъсиридаги типик кўринишлар кўрсатиб берилади. Уларнинг кўрсатишича, муносабатлар тизимининг даражавий тавсифномаси психик ҳолатларнинг жадаллиги ва турғунлиги билан боғлиқдир. Шуниг билан бирга уларнинг характерга боғлиқлик даражаси ҳам кўрсатиб ўтилади. Муаллифларнинг таъкидлашича, характер фаолиятнинг қийин, зўриқишли ҳолатларида юқори даражада таъсир қилади.

А.О.Прохоров ва Т.Н.Васильевалар бу ишида, бир томондан, шахснинг турғун хусусиятлари, характери ҳамда улар асосида ётган муносабатлар тизимини таҳлил қилишади, иккинчи томондан, психик ҳолатларнинг ўзгарувчанлигини ўрганишади [151].

Педагогик фаолиятдаги психик ҳолатлар характер ва унинг асосида ётган шахснинг муносабатлар тизими таъсирида ривожланади. Характернинг ҳолатларга таъсири, зўриқиши фаолият мураккаблиги ошиши туфайли ўсиб боради.

Рус олими В.Р.Цилов "Характернинг пайдо бўлишига таъсир қилувчи шароитлар ҳақида" номли мақоласида характер хусусиятлари ва муносабатлар ўртасидаги алоқани кенг очиб беради [198]. У ўсмирларга ва уларнинг ота-оналарига психологик маслаҳатлар бериш жараёнида характер хусусиятлари билан уларда шаклланган муносабатлар ўртасида алоқалар борлигини таҳлил қилади.

Унинг фикрича, характер пайдо бўлиши жараёнидаги муносабатлар муаммосини психологик тадқиқ қилишга етарлича ўрин берилган, аммо шунинг билан бирга, адабиётларда аниқланган нарсани тўлиқ ёритишга, характернинг шаклланиши масалаларига бағишланган мавзуни ёритишга етарли эътибор қилинмаган.

Б.Н.Смирнов “Психологияда ирода муаммосига ҳар хил ёндашишлар” номли мақоласида характернинг иродавий хусусиятлари ҳақида, ирода ва шахснинг шаклланиши ҳақида кенг кўламли фикрлар билдиради [178]. У мақолада иродани онгли ва мақсадга йўналган психик ўз-ўзини бошқариш сифатида қараб чиқади.

О.А.Конопкин эмоционал-иродавий хусусиятларни инсоннинг ихтиёрий ўз-ўзини бошқариш сифатида қараб чиқади [101]. У бошқарув жараёнида эмоционал-иродавий хусусиятларни ҳар хил шакл ва вариантларга ажратади ҳамда таҳлил қилади. Шунингдек, эмоционал- иродавий хусусиятларни ташкил қилувчи асосий қисм эканлигини таъкидлайди.

Муаллифнинг фикрича, инсон фаолияти ва характерининг эмоционал-иродавий хусусиятлари ўзаро таъсири умумий муаммосини мазмунан ишлаб чиқишнинг истиқбол йўли шахс ихтиёрий фаоллигини онгли бошқаришда эмоционал-иродавий хусусиятлар иштироки ва функцияси ҳақидаги масалани таҳлил қилишдир. Шунингдек, у таъкидлайдики, бу ўринда ушбу соҳадаги стереотипларга алоҳида эътиборни қаратиш лозим. Улардан бири шуки, фаолиятдаги эмоционал-иродавий хусусиятларнинг роли салбий кечинмалар унинг тузилишини бузувчи таъсир сифатида қараб чиқилади.

В.Н.Шляпников ўзининг “Инсоннинг амалий машғуллиги модели чегарасида ирода тушунчаси” номли мақоласида ирода психологияси соҳасидаги таниқли назариётчи Ю.Кульнинг шундай фикрларини келтиради: “Психологлар ҳеч қачон инсон хулқ-атворининг мураккаб феноменларини “ирода”, “ирода кучи”, “ўз-ўзини назорат қилиш” ва “ўз-ўзини бошқариш” каби тушунчаларсиз тушунтира олишмайди” [199].

Бу фикрлардан шундай хулоса келиб чиқадики, характерни ҳам ирода тушунчасини ўрганиш орқали чуқуррок тадқиқ этиш мумкин холос.

XXI аср бошларида иродавий хусусиятларга қизиқиш кучайди. Бу тушунчалар қатор ишларда ўрганилди.

В.И.Морасанова "Индивидуал ўз-ўзини бошқариш ва инсон характери" номли мақоласида характер типологияси муаммосига алоҳида эътибор қаратади [130]. Унинг фикрича, характер типологияси ва хусусиятларини қўйиш муаммоси табиийроқ бўлиб, услубий-қатъий усулда шахс омили назарияларида ечилади. Бу ерда характер хусусиятлари ва типлари ҳар хил тартибдаги омиллар сифатида қараб чиқилади, шахс тузилишининг сифатий ҳар хил даражаларидек тасвирланади. Муаллиф характер типологиясини ўрганишда психикани тадқиқ қилишга субъектив ёндашиб, англанган ўз-ўзини бошқаришнинг ривожланиш хусусиятлари нуқтаи назаридан қараб чиқади. Бу ўринда ўз-ўзини бошқариш субъектив фаолликнинг психологик механизми сифатида ўрганилади.

У олиб борган тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, индивидуал ўз-ўзини бошқариш нафақат характер кўринишини назорат қилишга имконият яратганини, балки ўз-ўзини бошқариш характернинг шаклланиши ва шахс йўналишининг ривожланиши билан боғлиқлигини тасдиқлайди.

## I боб бўйича қисқача хулосалар

1. Аксарият рус ва собиқ Иттифоқ психологлари томонидан характер ва унинг хусусиятлари психологик категория тариқасида талқин қилиниб, умумпсихологик, педагогик-психологик, ижтимоий-психологик нуқтаи назардан ёндашганлар:

а) шахснинг хулқ-атворини оқилона баҳолашда характерни ҳисобга олмаслик мутлақо мумкин эмас, чунки унинг хусусиятлари нисбий заруръият эканлигини унутмаслик мақсадга мувофиқ;

б) инсон майллари ва хоҳишларининг кучли ёки заифлиги характерига боғлиқлиги, характер хусусиятларининг шаклланиши шахснинг эндопсихика назарияларига асосланиб ёндашилганлиги учун биологик, ижтимоий шартланган жабҳалари уйғунлиги илмий ифодасини топмагандир;

в) айрим психологларнинг мушоҳадалари мажмуаси характер моҳиятига, мазмунига тааллуқли назарияни ривожлантириб, инсон ҳаётий установкасида мустаҳкамланувчи, унинг негизига айланувчи ҳаракатни қидириш ва топишдан иборат эканлигини таъкидлайди;

г) шунингдек, характер иродавий ҳаракатлар билан уйғунлаштирилган ҳолда изоҳланади. Характер инсоннинг ижтимоий-тарихий ривожланиши, унинг фаолиятининг ижтимоий хусусияти билан узвий боғлиқлигида олиб қаралади;

д) генезисда инсон онгининг намоён бўлишини таҳлил қилиш воситаси орқали характер масаласига ёндашинилади. Ҳаётий омиллар характер шаклланишига таъсир қилишининг психологик механизмлари, унинг ривожланиши ва фаолиятда акс этиш жараёни текширилади ва ҳоказо.

2. Кўпгина узоқ хорижий мамалакатлар психологлари характер ва унинг хусусиятларига бағишланган қатор тадқиқотлар ўтказишга ҳамда бу борада юксак муваффақиятларга эришганларига қарамай, муайян омиллар уларнинг диққат марказидан четда қолгандай таассурот уйғотади:

а) кўпгина тадқиқотлар шахсни биологизаторлаштиришга интилганлиги туфайли характерни шахс тушунчаси билан айнан бир нарса, дея талқин қилишади;

б) бизнингча, содда инстинктлар, шартсиз ва шартли рефлекслар инсон хулқ-атворини шакллантиришнинг негизлари сифатида баҳоланади;

в) уларнинг таъкидлашича, характерни мақсадга мувофиқ шакллантиришга имконияти мавжуд эмасдир;

г) характер ва унинг хусусиятлари ижтимоий-тарихий тараққиёт жараёнида ўзгариши мумкинлиги инобатга олинмайди;

д) умуман олиб қаралганда, характернинг ижтимоий шартланган омиллари, уларнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари изланувчилар тадқиқот предметига киритилмайди, бунинг натижасида характер муаммосига эътибор пасаяди.

3. Шарқ уйғониш даврининг қомусий олимлари ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабҳалари бўйича кенг кўламли тадқиқот натижалари тантанаси билан қаноат ҳосил қилмасдан, балки улар характер ва унинг хусусиятлари муаммосини ҳамкорлик нуқтаи назаридан ўрганганлар. Улар устоз-шогирд, ўқитувчи-ўқувчи муносабатларини ўрганишда характер хусусиятлари ва унда қизиқиш ва интилишнинг ролига алоҳида аҳамият беришган.

4. XX асрнинг атоқли маърифатпарварлари ўқитувчининг шахсий фазилатлари, ахлоқи, одоби, билимдонлиги, тийраклиги, фаросатлилиги, ақл-заковати шахснинг камолоти негизи эканлигини таъкидлаб, характернинг интеллектуал ва иродавий хусусиятлари ҳамкорлик омили деб уқтириб ўтганлар.

5. Ҳозирги замон психологлари характер ва характерологик хусусиятлар умумпсихологик ва этнопсихологик нуқтаи назардан ўрганилган бўлиб, муомала, ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини бошқариш, фаолият изланиш объекти сифатида хизмат қилган. Шунингдек, ушбу муаммолар ижтимоий-

психологик, умр даврлари, педагогик-психологик жабҳаларга асосланиб тадқиқ этилган.

6. Характер хусусиятларининг назарий асослари ўзига хос негизга эга бўлиб, улар тадқиқотнинг мақсади, методлари ва тузилишига боғлиқ равишда экспериментал муҳит механизмини юзага келтиради. Инсоннинг ички ва ташқи омиллари, эҳтиёжлари, мақсад қўя олиш, қизиқишни бошқариш имконияти характернинг регуляция функциясини бажаришга ўсиб ўтиши билан тавсифланади.

# II БОБ. ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ, БОСҚИЧЛАРИ ВА ФЕНОМЕНОЛОГИЯСИ, МЕТОДОЛОГИЯСИ

Тадқиқотни юқори савияда ўтказиш кўп жиҳатдан унинг техник инструментариясини тўғри ташкил этишга боғлиқ. Шу сабабли психология тадқиқотларининг диагностика қисми, репрезентативлиги танланган метод ва методикаларни тўғри қўллашга ҳам алоқадордир. Бизнинг тадқиқотимизда педагогика коллежи ўқувчиларида характер хусусиятларини шакллантиришга бағишланганлиги боис, метод ва методикаларни унга мутаносиб тарзда танлаш биринчи навбатдаги вазифа сифатида баҳоланди. Юқоридаги мулоҳазаларга асосланган ҳолда биз бу борадаги ишларимизнинг ушбу бобида қуйидаги тартибда режалаштиришни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

## 2.1. Тадқиқот методларининг психологик тавсифи

Кузатиш ва тадқиқот натижаларини талқин этиш ҳамда уларни шарҳлашда фақат миқдорий ўлчамлар билан чекланиб қолмасдан, балки уларнинг устида сифат психологик таҳлилини ҳам амалга оширишни режалаштирдик.

Бу борада Б.Г.Ананьев томонидан амалга оширилган психологик методлар таснифига эътибор қаратдик. Унинг таснифига кўра, психология методлари тўрт гуруҳга ажратилади. Биринчи гуруҳга ташкилий, иккинчи гуруҳга эмпирик (амалий), учинчи гуруҳга миқдорий натижаларни статистик қайта ишлаш ёки ҳисоблаш, тўртинчи гуруҳга эмпирик материалларни шарҳлаш методлари киради.

Тадқиқотимизда педагогика коллежи ўқувчиларида иродавий ва интеллектуал хусусиятларини ўрганишнинг комплекс методикаси мавжуд бўлмаганлиги сабабли ҳам бир қатор шахснинг иродавий сифатлари ҳамда интеллектуал хусусиятларини шаклланганлик даражасини аниқлашга мўлжалланган методикаларини ўзаро уйғунлаштирган тарзда фойдаланишни лозим топдик.

Тадқиқотимизнинг биринчи методикаси Н.Н.Обозовнинг “Ирода кучини баҳолаш” тестидир. Бу методика шахсда иродавий сифатлар намоён бўлишининг умумий тавсифномасини ўрганишга мўлжалланган бўлиб, шахснинг иродавий хусусиятлари шаклланишини таҳлил қилиш имкониятига эга. Тадқиқотимизда қўлланилган иккинчи методика Е.П.Ильин ва Е.К.Фешенколар томонидан ишлаб чиқилган “Сабр-бардошлиликни ўзи баҳолаш” сўровномасидир. Бу методика шахснинг сабр-бардошлигини ўзи ташхис қилиш учун мўлжалланган бўлиб, иродавий хусусиятлар шаклланишини таҳлил қилиш имкониятини яратади. Тадқиқотимизда фойдаланилган учинчи методика “Қатъиятлилик”ни баҳолашга мўлжалланган сўровномасидир. Бу методика Е.П.Ильин ва Е.К.Фешенколар томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, “Қатъиятлилик ” ни ўзи ташхис қилишга мўлжаллангандир. Мазкур методика ҳам иродавий хусусиятларнинг шаклланишини таҳлил қилиш имкониятига эга. Тадқиқотимизнинг тўртинчи методикаси “Тиришқоқлик ”ни баҳолаш сўровномадан иборатдир . Бу методика ҳам Е.П.Ильин ва Е.К.Фешенколар томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, “Тиришқоқлик” сифатини ўзи ташхис қилишга мўлжаллангандир. Мазкур методика ҳам шахс характерининг иродавий хусусиятларини шаклланганлик даражасини ўрганишга имкон беради.

Тадқиқотимизга татбиқ этилган бешинчи методика А.Алексеев ва Л.Громовалар томонидан ишлаб чиқилган “Индивидуал тафаккур стили” тестидир. Бу методика ёрдамида характернинг интеллектуал хусусиятларини ўрганиш имкониятига эга бўлдик. Мазкур методика характернинг интеллектуал хусусиятларидан синтетиклик, ғоявийлик, прагматик, аналитик, реалистик, лабиллик хусусиятларини аниқлашга ёрдам берди. “Ирода кучини ўзи баҳолаш” тести принципига кўра, шахснинг иродавий хусусияти қуйидаги чегара доирасида баҳоланади: Агар шахс 12 баллгача топласа ирода кучи паст, 13 дан 21 баллгача ирода кучи ўртача, 22 дан 30 баллгача ирода кучи юксак даражада мезонни ўзида

мужассамлаштиради. Методиканинг тўлиқ матнни диссертациямизнинг иловасида келтириб ўтилган. Тадқиқот натижаларини самарадорлик даражасини янада ошириш мақсадида “Ирода кучини ўзи баҳолаш” тестини тўлдирувчи сифатида “Сабр-бардошлиликни ўзи баҳолаш” сўровномасидан фойдаландик, мазкур методика ҳам характернинг иродавий хусусиятларини баҳолаш учун хизмат қилади. Методика ёрдамида коллежнинг I-III босқич ўқувчиларида ироданинг сабр-бардошлилик хусусияти ўрганилди.

Методика калитига кўра, шахснинг иродавий хусусиятлари қуйидаги чегарада баҳоланади: 6 баллгача сабр-бардошлилик паст даражада, 7 дан 11 баллгача сабр-бардошлилик ўртача даражада, 12 баллдан – юқори, яьни сабр-бардошлилик юқори даражада эканлигини билдиради .

Тадқиқотимизнинг илмийлигини, ишончлилигини ва валидлигини ошириш мақсадида “Қатъиятлилик”ни баҳолаш учун сўровномадан фойдаландик. Бу методика ёрдамида коллежнинг I-III босқич ўқувчиларида “қатъиятлилик” сифатининг шаклланганлиги аниқланди. Методика калитига кўра, шахс характерининг иродавий хусусиятлари қуйидаги чегара доирасида баҳоланди: 6 баллгача – қатъиятлилик паст, 7-11 баллар қатъиятлилик ўртача, 12 баллдан юқори - яьни қатъиятлилик юқори даражада ривожланганлигини кўрсатади. Тадқиқотимизда характернинг иродавий хусусиятларини шаклланганлик даражасини аниқлаш методикаларини тўлдириш мақсадида “Тиришқоқлик”ни баҳолаш сўровномасидан фойдаландик. Бу сўровнома ёрдамида коллежнинг I-III босқич ўқувчиларида “тиришқоқлик” хусусиятини шаклланганлик даражасини аниқладик.

Методика калитига кўра, шахснинг иродавий хусусиятлари қуйидаги чегара доирасида баҳоланди: 6 баллгача тиришқоқлик паст, 7-11 баллар ўртача тиришқоқлик, 12 баллдан юқориси эса тиришқоқлик даражаси юқори эканлигини англатади .

Тадқиқотимизда коллеж ўқувчилари характерида интеллектуал хусусиятларини шаклланганлигини аниқлаш учун “Индивидуал тафаккур стили” тестидан фойдаландик. Бу методика коллежнинг I-III босқич ўқувчилари фикрлаш фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга ёрдам берди. Бу методика ёрдамида синтетик тафаккур, ғоявийлик, прагматик фикрлаш, аналитик тафаккур, реалистик тафаккур, лабиллик каби характернинг интеллектуал хусусиятларини аниқлашга имконият яратилди.

Юқорида келтирилган методикалар ёрдамида коллеж ўқувчиларида характернинг иродавий ва интеллектуал хусусиятларининг шаклланганлиги даражасини аниқлаган бўлсак, айнан мазкур методикалар “21 кунлик” мавзусидаги психокоррекцион дастур ёрдами билан коллеж субъектларида характернинг иродавий ва интеллектуал хусусиятларини шакллантиришнинг ўзига хослиги ҳам ўрганилди.

## 2.2. Тадқиқот босқичлари

Биз тадқиқотимизни бир неча босқичда амалга оширишни мақсадга мувофиқ деб топдик. Чунки педагогика коллежи ўқувчиларида характернинг иродавий ва интеллектуал хусусиятларини шакллантириш муаммоси XXI аср бошларига келиб , ўзига хос тус ола бошлаганлиги, уларнинг ўзаро муносабати, ҳамкорлиги, шахслараро муносабатлари ва қадриятлари тизимининг ўзгариб бораётганлиги масалаларини атрофлича ҳамда босқичма-босқич ўрганиш лозим эканлигини талаб этди. Тадқиқотимизнинг объекти сифатида педагогика коллежи таълим тизими ўқув муассасаларининг ўқувчиларини танладик. Психология фанида илк ўспиринлик ёши энг мураккаб давр саналиб, айни ушбу ёшда йўл қўйиладиган камчиликлар анчагина жиддий - руҳий йўқотишларга олиб келиши турмуш тажрибаларида, илмий изланишларимиз якунида ҳам ўз тасдиғини топди.

Тадқиқотмизнинг биринчи босқичида ўқувчиларда характернинг интеллектуал-иродавий хусусиятларини шаклланганлик даражасини ўрганиш учун методикаларнинг психодиагностика тадбирларини амалга оширамиз.

А) **Аниқловчи тадқиқот босқичи тавсифи**

Аниқловчи босқичда ўрта махсус педагогика ўқув муассасасининг ўқувчиларида характернинг иродавий, эмоционал, интеллектуал хусусиятларини шаклланиш жараёнида уларда учрайдиган ҳар хил психологик ҳолатлар, уларнинг ақлий фаолиятига таъсири, шахслараро муносабатларда тутган ўрни ва бошқа жиҳатларни психологик нуқтаи назардан таҳлил этишдан иборат.

Тадқиқот мавзусининг биринчи навбатдаги вазифаси - характернинг иродавий хусусиятларини тавсифлашда, уларнинг вазиятли ва шахслилик даврида хавотирланиши ҳолатини баҳолашга имкон берувчи методикалардан фойдаланишдир. Биз юқорида келтириб ўтган методикалар билан бир қаторда, тадқиқотнинг аниқловчи босқичида етакчи ўрин тутувчи айрим методикалар шарҳига ҳам тўхталиб ўтамиз.

Мазкур босқичда педагогика коллежи ўқувчиларида характер хусусиятларини шакллантиришнинг психологик қонуниятларини аниқлашга ёрдам берувчи, унинг мақсадини амалга оширишга кўмаклашувчи методикаларни ажратишга ҳаракат қилдик ва уларнинг психологик манбаларини ўрганиш орқали энг оптимал, омилкор типини танлаб олишга эришдик. Бу хусусида қисқача тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Педагогика коллежи ўқучиларида характернинг интеллектуал ва иродавий хусусиятларини шакллантиришнинг психологик қонуниятларини асослаш учун оптимал вариантда изланишни амалга ошириш лозимдир. Ушбу талабни ҳисобга олган ҳолда шахслараро муносабат, синалувчининг индивидуал-шахсий мавқеи, муносабати кўлами, такти, ўзаро муносабатлардаги шахслилик хусусиятлари ва психологик омилларини аниқлашга ёрдам берувчи психодиагностика методикаларини саралаб олдик. Биз танлаган

методикалар тадкиқотларда кенг кўламда фойдаланганлиги ва маҳаллий шароитга модификация қилинганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Бу методикалар Н.Н.Обозовнинг “Ирода кучини баҳолаш” тести, Е.П.Ильин ва Е.К.Фешенколар томонидан ишлаб чиқилган “Сарб-бардошликни ўзи баҳолаш”, “Қатъиятлилик”ни баҳолаш, “Тиришқоқлик”ни баҳолаш сўровномалари ва А.Алексеев ва Л.Громовалар томонидан ишлаб чиқилган “Индивидуал тафаккур стили” тестлари бўлиб, уларнинг модификацияларини Э.Ғозиев ва А.Расуловлар амалга оширганлар.

Биз бу методикаларни, асосан, коллеж ўқувчиларига татбиқ қилганлигимиз сабабли уларнинг саволларига ва тасдиқларига синалувчиларнинг ўзлари муносабат билдиришди. Бу методикаларнинг яна қулай жиҳатлари уларнинг таркибига кирувчи саволлар ва тасдиқларнинг тизимлашганлиги ва уларни бир неча омиллар асосида таҳлил этиш мумкинлиги билан тавсифланади.

Биринчи гуруҳ методикалари калитига кўра, шахснинг иродавий хусусиятлари қуйидагича баҳоланади: паст даражада, ўртача даражада ва юқори даражада.

Характернинг интеллектуал хусусиятларини баҳолашга мўлжалланган “Индивидуал тафаккур стили” тести ёрдамида синтетик фикрлаш стили орқали оригиналлик, зиддиятли ҳолатларга нисбатан комбинациялашган ғояларга таяниш, улар бошқаларнинг фикр мулоҳазаларидан фарқли ўлароқ ўзларининг алоҳида нуқтаи назарига эга эканлигини баҳолаш имконияти борлигини, ғоявий тафаккур қилиш стилида эса мақсадга эришишда, эҳтиёжларга қизиқишнинг юқорилиги, муаммоли вазиятлар шароитида бошқаларнинг фикрини ички зиддиятларсиз идрок этишни ва қабул қилишни, эмоция хусусиятига эга бўлган  ҳис-туйғулар ҳамда баҳолашнинг субъектив моментларида етакчилик қилган вазиятларини баҳолашни, прагматик стилини эгаллаган  ўқувчилар ўз ишларини таълим жараёнида тўплаган тажрибаларига таяниб иш тутишини, аналитик фикрлашни, реалистик тафаккур қилиш,

лабиллик хусусиятлари аниқланди. Ўқувчилар характерида улар шаклланганлигининг ўртача қиймат даражаси кўрсатиб берилди. Олинган натижаларни корреляция қилиш ёрдамида улар ўртасидаги муносабатлар очиб берилди.

**Б) Шакллантирувчи тадқиқот босқичи тавсифи**

Ҳозирги замон таълим жараёнида психологик шакллантирувчи экспериментлар амалиётда кенг қўлланилади. Шакллантирувчи экспериментда психологик тренингдан ҳам фойдаланилади. Ижтимоий - психологик тренинг ўқувчилар ўртасида мулоқот ёки муомалани муваффақиятли ўтказиш учун маълум билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришга қаратилган билим тизимидир.

Тренинг асосан шахсни мулоқотга ўргатишда унда irодавий ва интеллектуал хусусиятларини шакллантиришда бажариладиган ўйин ва машқлар узлуксизлигини ташкил этади. Тренинг машғулотларида психологиянинг умумий қонуниятларини аниқлашга доир ўтказилган тажрибалар орқали уларнинг психик ҳодисаларига тегишли назарий билим ва тушунчалар амалий жиҳатдан таҳлил қилинади. Шахснинг ўзаро муносабатга киришиши орқали ўз-ўзини англаш, камол топтириш, ҳақ-ҳуқуқи ва эркинлигини аниқроқ, тўғрироқ тасаввур қилиш имкониятини тушуниб боради. Улар бир-бирлари билан ўзаро мулоқотга киришиш жараёнида характер хусусиятлари шаклланиб боради.

Тренинг машғулотлари таълим босқичларида ва гуруҳларда ташкил қилинса, у ҳолда ўқувчиларнинг билим олишини яхшилайди, билиш жараёнларини мукаммаллаштиради. Уларда иродавий хусусиятлар шаклланишида ўқитувчи билан ўқувчиларнинг шахслараро муносабатлари такомилига олиб келади. Уни ўтказиш орқали шахсларнинг бир-бирини тушуниш, муомала маданиятини ошириш, ички муаммоларни ҳал этиш имконияти туғилади, бу эса иродавий хусусиятлар таркиб топишига асос яратади.

Психологик тренингнинг муваффақиятли ўтиши ўқитувчи билан ўқувчилар ҳамкорлигининг фаол ҳаракатларини талаб қилади. Натижада иштирокчилар ўзининг билими билан салбий ёки ижобий эмоцияларни қабул қилишга иродавий тайёргарлиги ва ўз навбатида психологик ҳимоя ҳамда характер хусусиятларини шакллантириб бориш зарурлигини тушунади. Шунингдек, машғулотларни мазмунли ўтказиш уларнинг интеллектуал хусусиятларини таркиб топтиради. Машғулот жараёнида ўқитувчи билим бериш билан бирга ўқувчиларда характернинг иродавий ва интеллектуал сифатларини шакллантирувчи субъект тариқасида иштирок этади. Биз тадқиқотимизда ишончлиликка ва илмий асосланганликка эришиш учун психологик тренингнинг баҳс-мунозара, муаммоли вазият методларидан кўпроқ фойдаландик. Яъни бу туркум методларнинг вазифалари ҳам уларнинг аҳамиятли мақсадидан келиб чиқади:

а) Мунозара қатнашчиларининг реал вазиятларини таҳлил қилишга, асосий, муҳим нарсаларни ақлий фикр юритиш орқали номуҳимидан ажратишга ва ўзини тутиб олган ҳолда муаммони англашга ўргатади;

б) муаммога тааллуқли ранг-баранг қирраларини ажратиш, уларнинг моҳиятини англашга имконият яратади;

в) ўзгалар фикрини эшита билиш ва шу асосда ақлий фикр юритишга ундайди;

г) муаммонинг турли-туман муқобил ечимларини сабр-тоқат билан ақлий фикр юритиш йўли билан топиш мумкинлигини ифодалайди.

Айниқса, иродавий зўр бериш, интеллектуал фикр юритишга доир мавзуларга тааллуқли муаммоларни ҳал қилишда мунозаранинг роли катта. Бундай шароитда баҳслашувчиларнинг етуклик даражалари, характерининг иродавий хусусиятлари муҳим аҳамиятга эга. Ахлоқий-маънавий масалаларда мунозарани ташкил этувчи шахсга алоҳида талаблар қўйилишини таъкидлаш керак.

Мунозара қатнашувчиларига ҳеч қандай тазйиқ ўтказмаслик, ҳар бир шахсни эркин ўзини тутган ҳолда ақлий фикр юритишига имкон бериш, фикрларнинг тамоман зиддиятлашиб кетишига йўл қўймаслик, баҳслашувдан келиб чиқадиган хулоса ва қарорни гуруҳнинг ўзига ҳавола қилиш зарур.

Юқорида келтирилган фикримизнинг далили сифатида педагогика коллежи ўқувчиларида характернинг интеллектуал ва иродавий хусусиятларини шакллантириш мақсадида қуйидаги тренинг машғулотларини ўтказишни лозим топдик:

Бу психотренинг курси иштирокчининг якка тартибда ёки гуруҳий шаклда ташкил этишига мўлжалланган бўлиб, унинг якка машғулотида ўзининг мақсадларига эришиш, мақсаднинг аҳамиятини баҳолаш, фаолият жараёнида дуч келадиган тўсиқларни бартараф этиш, ҳаётий позицияларнинг аҳамиятини ошириш учун муҳим ички имиджни шакллантириш, ижобий тажрибаларни ўзлаштириш, ҳар хил вазиятларда ўзини йўқотмаслик ва хотиржамликка эришиш кўникмаларини таркиб топтириш кўзда тутилган.

Дастурнинг мақсади-иштирокчилар шахсида ўзини ўзи бошқариш, мақсадга эришиш, вазиятларни таҳлил этиш ёрдамида иродавий ва интеллектуал хусусиятларини ривожлантиришдир. Дастурни гуруҳ қатнашчилари ва якка иштирокчининг фаолиятини бошқаришига қараб, уларга индивидуал кўрсатма бериш орқали уни амалга ошириш мумкин. Дастурни бажариш учун икки ҳафта вақт ажратилади. Дастурдан кутилаётган натижалар кутилма иштирокчининг мақсадга эришишида унда қатъиятликни ўстириш, вазиятларга нисбатан ўзида бардошлиликни кучайтириши ва уларни баҳолашда маъқул, омилкор йўлларни қидириш, излаш кўникмасини шакллантириш ўкув фаолиятидаги вазифаларнинг бирламчи ва иккиламчи аҳамиятини таҳлил эта олиш, ўзининг янги ички имиджини таркиб топтиришдан иборатдир.

Дастурдаги машғулотларни амалга ошириш шакллари: гуруҳий шаклдаги ўйинларни ташкил этиш, топшириқлар хусусиятига кўра , индивидуал

муаммоларни бажариш ва уларни иштирокчилар томонидан ўзлаштирганлик даражасини муҳокама этиш ҳамда баҳолашдир.

В) **Назорат тадқиқот босқичи тавсифи**

Тадқиқотнинг назорат босқичида аниқловчи ва шакллантирувчи босқичларида қўлланилган усул ва услубларнинг муҳимлигига асосланган ҳолда , ўқувчиларда характернинг интеллектуал ва иродавий хусусиятларини шакллантиришни ўрганувчи психокоррекциялашган босқич натижаларининг ҳаққонийлигини таъминловчи, уларни экспериментал ва назорат гуруҳлари ёрдамида қиёсий таҳлил қилувчи ҳолатлар назарда тутилди ва унинг миқдорий материаллари асосида нисбатан психологик-педагогик тавсиялар берилиши режалаштирилди.

## 2.3. Илмий тадқиқот феноменологияси

Ижтимоий-тарихий ҳамда психологик таҳлилларга кўра, ўқувчиларда характернинг интеллектуал ва иродавий хусусиятларини шакллантириш узоқ ижтимоий тараққиёт йўлини босиб ўтган кўп қиррали ва кенг қамровли тушунчадир. Кишилик жамиятининг тараққиёт йўлини, босқичларини инсонлар ҳаёти ва фаолиятини шахснинг характер хусусиятларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Эҳтимол, дастлабки даврларда характер ёки унинг хусусиятлари кўриниши, шаклланиши, ривожланиши, бошқача сўз билан айтганда, яшаш шароитлари таъсири ва инсонларнинг эҳтиёжларини қондириш билан узвий боғлиқдир.

Инсонларда билим ва тажрибанинг ортиб бориши, турмуш тарзининг ўзгариши, ўзаро муносабатларнинг такомиллашувига, ўз навбатида характер хусусиятлари ҳам ривожланиб, мукаммаллаша боришга олиб келган. Ижтимоий-тарихий тараққиёт давомида одамларни яшаш учун кураши, инсонни ўраб турган борлиқни ўрганиш, ишлаб чиқариш турларининг кенгайиши шахс характери хусусиятларини кўпқиррали шакллана боришига ва ривожланишига имкон яратади.

Ҳар қандай табиий(объектив), ижтимоий(субъектив) шароитда, жамиятнинг ҳамма соҳаларида инсон характерининг ижобий хусусиятлари фаолият турларини ижобий натижалар билан якунлангани одамларнинг кундалик турмушида қайтарилиб туриши ва такрорланиши таъсирида такомиллиашиб, ривожланиб, мустаҳкамланиб бораверади.

Илм-фаннинг тараққиёти, борлиқдаги барча жараёнлар ўзгариб туриши каби инсон характери хусусиятларининг ҳам эволюцион тарзда тубдан қайта қурилишига олиб келган. Ҳар қандай тузумдаги(формациядаги) ижтимоий-иқтисодий муносабатлар инсон характери хусусиятларининг янги қирраларини узлуксиз равишда очиб бораверади. Бу тўғрида биз нашр қилинган илмий мақолаларимизда маълумот баён қилганмиз. Ҳозирги даврда қайси бир соҳани таҳлил қилиб қарамайлик, унинг юксалишини инсонлар характерининг янги қирраларини шакллантирмасдан, асло тасаввур қилиб бўлмайди. Худди шу боис, инсон характер хусусиятларини шаклланиш, ривожланиш жараёнлари, қонуниятлари ҳамда психологик механизмларини ўрганиш билан психология фанининг жуда кўп тармоқлари шуғулланади ва ҳозирги даврда бу соҳа уларнинг энг муҳим тадқиқот объектига айланган. Чунончи, инсон характери хусусиятларини шакллантириш психологик муаммо сифатида XXI асрда ҳам ўз долзарблигини пасайтирганича йўқ. Шу нуқтаи назардан, биз мазкур тадқиқот ишимизнинг I бобида ўқувчилар характерининг иродавий ва интеллектуал хусусиятларини шакллантириш психологик муаммо сифатида тадрижий равишда ўрганилганлигини таҳлил қилган эдик.

Хорижий психология фанида характер масаласининг ўрганилишини шарҳлаган бўлсак, психологларнинг кўпинча икки йўналишда: характер терминини талқин қилувчи ва характерни инкор қилиб, шахс терминини талқин қилувчиларга дахлдор тадқиқотлар олиб борганлигини гувохи бўламиз.

Собиқ Иттифоқ психологиясида характернинг тадқиқ этилишини таҳлил қилганимизда, психологларнинг методологик муаммоларига алоҳида эътибор қаратганликларини, айниқса, унинг шаклланиши зарурияти, тарихи, ривожланиш қонуниятлари, хусусиятлари, оқибатлари, физиологик асослари ҳақида самарали изланишлар олиб борилганлигини кузатамиз. Фикримизнинг тасдиғи сифатида шуни айтиш мумкинки, характер муаммосини ўрганишнинг дастлабки даврларидаёқ(XX асрнинг 60-йилларида), бу соҳада 4 та докторлик диссертацияси ҳимоя қилинган (И.В.Страхов, Н.Д.Левитов, В.С.Филатов, А.Г.Ковалев). Шунингдек, собиқ иттифоқ психологиясида ишлаб чиқариш жамоаларидаги инсонлар характерининг хусусиятлари ҳамда таълим жараёнида ўқувчиларда характер сифатлари шаклланишининг илмий асосларини тадқиқ этиш соҳалари етакчи ўрин эгаллаган.

Мамлакатимиз психологиясида инсон характерининг интеллектуал ва иродавий хусусиятлари шаклланиши жамиятимиз тараққиётининг доимо устувор вазифаси сифатида қараб келинмоқда. Мантиқий нуқтаи назардан мазкур муаммонинг ҳал қилиниши масаласига қуйидагича тартибда ёндашиш мақсадга мувофиқ, деб хисоблаймиз:

1. Ўзбек халқ оғзаки ижоди, миллий ва диний қадриятларимиз акс этган ноёб манбалар, ўзбек халқ педагогикаси ва психологиясида инсон характери хусусиятларини шакллантириш ва унинг аҳамияти ёритилганлиги.

2. Буюк аждодларимиз таълимотида инсон шахси ва характерининг ижобий сифатларини ривожлантириш масаларининг ҳал этилганлиги.

3. Мамлакатимиз психологиясида характер ва унинг хусусиятларини шакллантириш муаммоси ўрганилганлиги даражаси ва бошқалар.

Мамлакатимизда инсон характерини шакллантириш ва ривожлантириш билан боғлиқ манбалар, уларда акс этган қимматли маслаҳатлар, насиҳатлар, ҳаётий таҳлиллар, хулосалар ва тавсиялар ҳозирги даврда ҳам уни илмий асосда таркиб топтириш, ривожлантириш кўзланган мақсад ва муддаога эришиш соҳасида муҳим аҳамият касб этади. Шунинг тасдиғи сифатида

Перзидентимиз айтганидек, буюк келажагимизнинг буюк инсонлари характерининг ижобий хусусиятларини фақат илмий асосда шакллантириш мумкин.

Бу соҳада мамлакатимиз психологи Э.Ғозиевнинг мазкур психологик категорияга ёндашуви муҳим ахамият касб этади ва оригинал хусусиятга эга. Уларнинг мулохазаларига қараганда, миллий характер умуминсоний (умумбашарий ) характернинг негизидан келиб чиқиб, акс эттиришда ўзига хос тарзда ажралиб туради. Умуминсоний характер кишиларнинг табиатга, нарсаларга, ўзга одамларга, ўз-ўзига нисбатан муносабатларида номоён бўлиб, ижтимоий шартланган фазилатлар, хислатлар таркибига киради. Уларнинг баён қилишича, характернинг шаклланиши микро, макро ва мизе мухит таъсирида амалга ошиши билан бир қаторда яна энг камида иккита омилга, мустахкам манбага, яъни шахснинг ўзини ўзи такомиллаштиришига, маънавий мохияти, воситалари ва руҳий қуролларидан унумли фойдаланишга боғлиқ равишда объектив ва субъектив тарзда кечади. Унинг таъкидлашича, характернинг шаклланиши кенг маънода олиб қаралганда, хаёт интиқомлари, табиат, жамият ва биологик омиллари осойишталиги, бир маромдалиги, динамиклиги, статиклиги кўрсаткичлари негизида амалга ошади.

Устоз талқинига асослаганда характерни таркиб топтириш жараёнининг муҳим омили тариқасида вазият (ситуация) етакчи роль ўйнайди ва регуляторлик функциясини бажаради, гохо қўшстимул, жуфтдетерминатор, қўшмеханизм сифатида узлуксиз равишда рухий ҳолатлар вужудга келиб туришини таъминлаш мумкин. Вазиятлар экстремал (фавқулодда), казусли(тасодифий), каузал(сабабий) каби кўринишларга эга бўлиб, унинг ҳар қайсиси ўзига хос хусусиятлари билан бир-биридан муайян даражада ажралиб туради.

1. Экстеремал вазиятлар ё табиий омиллар, ҳодисалар таъсири, натижаси ҳамда моҳиятидан келиб чиққан ҳолда офатлар, ларзалар, табиатнинг инжиқликлари, мўъжизалари, даҳшатли кучлари шаклида намоён бўлиши ,

кечиши ва ривожланишидан иборатдир. Уларга нисбатан алохида олинган шахснинг, муайян даражада уюшган гуруҳ(этник бирлик) нинг муносабати характерологик хусусиятларнинг шаклланишига, барқарорлашувига, мустаҳкамлашишига зарур объектив ва субъектив қулай шароитлар яратилишига имконият яратади. Характернинг ижобий хислатлари ёки унинг иллатлари (қусурлари), четга оғиш(патологик) ҳолатлари туғилиши жараёни, айнан турли хусусиятли вазиятлар маҳсули сифатида гавдаланади.

2. Казусли вазиятлар инсон ҳаёти ва фаолиятига муҳим аҳамият касб этиб, шахсда ишонч, қатъиятлилик, беқарорлик, мустақиллик, таъсирга берилувчанлик каби хислатлар ва иллатлар устуворлиги ҳамда барқарорлиги хақида маълумот олишга пухта замин ҳозирлайди. Бундай вазиятларни келтириб чиқарувчи асосий омиллардан бири-бу толерантликнинг вужудга келиши, кечиши билан боғлиқ нейрофизиологик ҳамда психофизиологик механизмлардан иборатдир. Уни келтириб чиқарувчи омиллар, асосан икки қутбга тааллуқли бўлиб, бири тасодифий, ёндош қўзғатувчилар таъсирида вужудга келиб толерантликка асосланади, иккинчиси эса ички қўзғатувчилар, реакциалар орқали ифодаланиб, кўпроқ субъектив омиллар маҳсули ҳисобланади, армоннинг ҳар хил шаклларини акс эттириш функциясини бажаради. Омадлилик худди руҳий ҳодисаларни вужудга келтиради, шахснинг фаолликка, узлуксиз хатти-ҳаракатлари ва қўшстимул вазифасини муваққат бажаришга киришиши мумкин.

3. Каузал вазиятнинг пайдо бўлиши субъектив кечинмалар, омиллар, манбалар негизи билан уйғунлашиб, хилма-хил эҳтиёжлар, мотивлар, эгоистик ёки альтруистик позициалар, туб маънодаги фидоийлик намунасининг ифодаланиши сабабий боғлиқлик детерминаторлар маҳсули устига қурилади. Ватанпарварлик туйғуси шахсни ижодий изланишлар сари етаклайди, барқарор ҳаракатлантирувчи кучларни вужудга келтиради, пухта меҳанизмлар узлуксизлигини таъминлашда иштирок этади. Шунингдек, қонуниятлар маънавий эскириши туфайли янгиларини очишга интилиш,

назариялар яратишга иштиёқлилик туғилиши ҳам жисмоний, ҳам хуқуқий шахс олдига истиқбол режаларини қўяди ва уларни амалиётда қарор топтириш учун фаоллик, саъй-ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқишни ундан талаб қилади.

Юқоридаги янги ёндашувни тадқиқотимизнинг методологик асоси таркибига киритиш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқот натижаси шуни кўрсатадики, ўқувчиларда характер хусусиятларини шакллантириш мақсади, босқичлари, таркибий қисмлари, шакллари, усуллари, психофизиологик механизмлари, кутилаётган натижалар (кутилма) турли-туманлигига қарамасдан, ҳар қандай ҳолатда ҳам миллий-маданий, миллий-психологик омиллар, ёш хусусиятлари, шу соҳа ривожи ва ҳудудий хусусиятлар таъсирига узвий боғлиқлиги аниқланди ва шунга биноан, уларни таркиб топтиришни уйғун ҳолатда ташкил этиш тақозо этилади.

Биз диссертациянинг I бобида бу муаммоларга етарлича эътибор берилмаганлигини ва таълим-тарбия жараёнида шу каби муаммолар долзарблигича қолаётганлигининг гувоҳи бўлдик.

Жамият тараққиётини белгиловчи омил ҳисобланган ижодкор, фаол, ишбилармон, тадбиркор, мустақил фикрловчи шахсда характернинг ижобий хусусиятларини шакллантириш, уни вояга етказиш таълим тизимининг устувор вазифаси ва ҳаётий зарурати бўлиб қолаверади. Бунда ўқитувчи билан ўқувчилар характерининг психологик хусусиятларини ўрганиш, ижобий сифатларини таркиб топтириш ҳозирги давр ўрта маҳсус таълим тизимининг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Мавзуни ўрганишнинг зарурлиги қуйидаги кўринишларда намоён бўлади:

- янги типдаги таълим муассасаларида ўқитувчи билан ўқувчилар ўзаро муносабатларида ўзига хос хусусиятлар мавжудлиги;

- коллеж ўқитувчиси билан ўқувчиларнинг характери шаклланиши узлуксиз таълим тизимининг алоҳида бир босқичи эканлиги ва бу босқичда шахслараро муносабатнинг ўзига хос қонуниятлари борлиги;

- ахборот оламининг узлуксиз ўсиб бориши билан ўқувчилар характери хусусиятлари шаклланишига ўзгартиришлар киритиш зарурлиги;

- педагог шахсига касбий лаёқатлилик бўйича қўйиладиган талабларнинг кескин ўзгараётганлиги;

- ўқитувчилар дунёқараши билан ўқувчилар дунёқараши ўртасидаги анънавий тафовутларнинг янада ортиб бораётганлиги туфайли уларнинг характер хусусиятлари шаклланишида муаммолар вужудга келганлиги;

- бозор иқтисодиёти шароитида таълим-тарбия жараёнида характернинг инстеллектуал ва иродавий хусусиятларини шакллантиришнинг зарурлиги.

Шундай қилиб, илмий тадқиқот феноменологиясини юқоридагича йўсинда ёритганимизда, педагогика коллежи ўқувчилари характерида интеллектуал ва иродавий хусусиятларни шакллантиришнинг психологик механизмларини тадқиқ қилиш кўпёқлама ёндашувни ва уларга миллий-маданий, миллий-психологик, ҳудудий ва ёш хусусиятлари таъсирини ўрганиш зарурлигини тақозо этмоқда.

## II боб бўйича қисқача хулосалар

1. Характер муаммоси умумий психологиянинг бир йўналиш сифатида тадқиқ этилганлиги ва бу уни ёш давр босқичлари ва феноменлари тадқиқот предмети сифатида ўрганишга зарурат борлигини билдиради.

2. Ўқувчилар характерида интеллектуал ва иродавий хусусиятларни шакллантиришни тадқиқ этишнинг бугунги кундаги ҳолатини аниқлашда изланиш методикаларини танлаш ҳамда улар ёрдамида бир неча босқичли, (аниқловчи, шакллантирувчи, назорат) тажриба ишларини ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

3. Ўқувчилар характерида иродавий интеллектуал хусусиятларни шакллантиришни тадқиқ қилиш уларни коммуникативлик қобилиятини,

вазиятли ёндашув ва шахслилик жабҳасидан, шахслараро муносабатдаги ўқитувчилар позициясидан туриб баҳолашга асосланади.

4. Тадқиқотда аниқловчи босқич муаммонинг психологик ташхис этиш хусусиятига асосланган ҳолда танланган методикалар ёрдамида ўқувчилар характер хусусиятларининг психологик ўзига хос жиҳатларини аниқлашга имкон беради.

5. Шакллантирувчи босқичда ўқувчилар характерида интеллектуал ва иродавий хусусиятларни шакллантириш юзасидан психологик тренинг машғулотларни ташкил этиш ва уларнинг натижаларини шарҳлашга шарт-шароит туғилади.

6. Назорат босқичида ўқувчилар характерида иродавий ва интеллектуал хусусиятларини шакллантиришни ташкил этишда энг маъқул келувчи фаолият тизимини танлаш имконияти юзага келади ва унинг ёрдамида ҳамкорликнинг самарали усули тақдим этилади.

7. Характер хусусиятларини психологик жиҳатдан таҳлил этиш тадқиқот феноменологиясини белгилашга имконият яратади, ундан фойдаланишнинг қулай шарт-шароитлари билан таъминлайди.

# III БОБ. ХАРАКТЕРНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ВА ИРОДАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИНИ ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ЎРГАНИЛИШИ

## 3.1. Дастлабки тадқиқот натижаларининг сифат ва миқдор жиҳатдан таҳлили

Таълим жараёнида педагогика коллежи ўқувчиларида характернинг ўзига хос хусусиятларини шакллантириш ҳозирги давр нуқтаи назаридан ҳар бир шахснинг камолот босқичи учун эътибор талаб этадиган муаммо саналади. Мазкур жараённинг қайси босқичида юқори самара бериши мумкин, деган савол то бугунги кунгача психологларни ўзига жалб этади.

Ўқувчиларда характернинг узлуксиз равишда шаклланишини шахсий позициядан келиб чиққан ҳолда бир қатор муносабатлар тизими орқали баҳолашга тўғри келади. Бунда биринчидан, қайсидир ўринларда характер хусусиятларининг ривожланиши муайян кўриниш олиши, иккинчидан, шахснинг хусусияти тарзида ўрин эгаллаши лозим, деган мулоҳаза орқали ушбу ҳолатни уйғунлаштириш мумкин. Аммо педагогик жараёнда ўқувчилар характерининг хусусиятларини кўп жиҳатдан белгиловчи ўқитувчи ва унга мутаносиб равишда ўз хатти-ҳаракатини, хулқ-атворини аниқловчи синалувчининг маълум вазиятларда ўзини ўзи бошқаришини тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ.

Биз мазкур ҳолатни педагогик жараёнда коллеж ўқувчиларининг характерида интеллектуал ва иродавий хусусиятларни шакллантиришнинг самарали жиҳатларини тадқиқ этишни лозим топдик. Ушбу муаммо юзасидан айрим психологик сифат таҳлилларидан намуналар келтириб ўтамиз.

Узлуксиз таълим жараёнининг барча босқичларида характер хусусиятларининг шаклланиши тўғрисида сўз юритилганда бир қатор омилларга эътибор қаратиш лозим. Аммо бизнинг тадқиқот объектимиз педагогика коллежи ўқувчилари бўлганлиги сабабли уларни ўрганишнинг икки аҳамиятли жиҳатини ҳисобга олишга тўғри келади. Биринчидан, улар умумтаълим мактабларида таҳсил олаётган тенгдошлари сингари ўқувчилик

мақомига эга бўлса, иккинчидан, уларнинг олдида коллежни тугатиш орқали педагогик соҳада бошланғич синфларга муаллимлик қилиш мақомини олувчи ҳамда таълим жараёнида иштирок этишда ўзининг шахсий фазилатлари билан бир қаторда касбий хислатларини шакллантиришни тақозо этувчи субъект фаолиятининг гавдаланиши турибди. Педагогика коллежи ўқувчиларида характернинг иродавий ва интеллектуал хусусиятларини шакллантиришни муаммо сифатида ўрганишимизнинг мазмун-моҳиятида ҳам худди шу масала кўндаланг туради. Чунки, педагогика коллежининг шарт-шароитида у ўзида дастлабки педагогик касбий кўникма ва малакаларни шакллантириш имкониятига эга бўлмас экан, унда шахсий намуна сифатида таълим жараёнида ўз ўрнини топиш юзасидан ўзи ҳам жамият томонидан шубҳа остида қолади. Биз шунга ўхшаш ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда ўқувчиларда характернинг иродавий ва интеллектуал хусусиятларини ўрганишга бағишланган дастлабки аниқловчи тадқиқот натижаларининг таҳлилига мурожаат этиб кўрамиз.

Тадқиқотимизда педагогика коллежи ўқувчиларининг иродавий ва интеллектуал хусусиятларини ўрганишнинг яхлит методикалари мажмуаси мавжуд бўлмаганлиги сабабли ҳам бир қатор шахснинг иродавий сифатлари ҳамда интеллектуал хусусиятларини шаклланганлик даражасини аниқлаш методикаларини ўзаро уйғунлаштирган тарзда фойдаланишни лозим топдик. Бунда Н.Н. Обозовнинг “Ирода кучини баҳолаш”, “Сабр-бардошлилик”, “Қатъиятлилик” ва “Тиришқоқлик” сифатларини ўқувчиларда ўрганишга мўлжалланган сўровномалардан (Е.П. Ильин ва Е.К. Фешенко), шунинг билан бирга интеллектуал хусусиятларни тадқиқ этишга мўлжалланган А.Алексеев ва Л.Громоваларнинг “Индивидуал тафаккур стили” тести, бошқа шунга ўхшаш бир қатор методикалардан фойдаланишни назарда тутдик.

Биз ўз тадқиқотимизда характернинг иродавий ва интеллектуал хусусиятлари шаклланишининг механизмларига бағишланган босқичи билан бир қаторда, уларнинг таркиб топиши жараёнига таъсир кўрсатувчи турли

хусусиятли шарт-шароитлар, объектив ва субъектив таъсирлар оқибатида юзага келувчи хавотирланишга дахлдор эмоционал ҳолатлар билан ҳамоҳангликда ўрганишни режалаштирганмиз. Улар юзасидан тажриба давомида тўпланган эмпирик натижалар бўйича миқдор таҳлилларига тўхталиб ўтаамиз.

Педагогика коллежи ўқувчиларида характернинг иродавий хусусиятларини шаклланганлик кўрсаткичларини умумий ҳолатда ва алоҳида босқичлар бўйича кўриб чиқамиз. Уларда характернинг иродавий хусусиятлари шаклланишида уларда таркиб топган умумий иродалилик ҳамда алоҳида сабр-тоқатлилик, қатъиятлилик ва тиришқоқлик каби хусусиятларни тадқиқ этишга муваффақ бўлдик.

Педагогика коллежи ўқувчилари характерида иродавий хусусиятларининг шаклланганлик даражасини ўрганишда мазкур ўқув муассасаларида таълим олувчиларнинг кундалик турмушида ва таълим жараёнида юзага келадиган муаммоларни ҳал этишда умумий ирода кучини сафарбар эта олиши ҳамда билимларни ўзлаштиришда уларнинг ўзини ўзи бошқара билиши, сабр-тоқатлиликни намойиш қилиши, қатъиятликка таяниши ва тиришқоқлик хислатларининг камол топганлиги асосида таҳлил этиш назарда тутилди.

Методикаларнинг мезонларига кўра, ўқувчиларнинг таълим босқичлари бўйича умумий иродавийлик кучи ҳолатини таҳлил этганимизда - биринчи босқич таҳсил олувчиларида иродавийлик кучи-11.74, иккинчи босқичда эса 14.34, учинчи босқич суъектларида 13, 94 кўрсаткич, уларда хусусиятларни шакллантириш ушбу шахснинг камолоти ёши билан эмас, балки уларнинг индивидуал-психологик хусусиятларига ҳам боғлиқ эканлигини акс эттирмоқда. Бундан кўриниб турибдики, ўқувчиларда характернинг иродавий хусусиятлари шаклланишида умумий иродавийлик қандай аҳамият касб этиши уларда зарурий фазилатлар таркиб топиши учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкинми? деган савол туғилади. Тадқиқотимиз натижаларининг

иродавийлик  кўрсаткичи қанча юқори бўлса, бу характер хусусиятларининг шаклланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади, деган қатъий қарорга келишимиз мумкин.

Аммо ўқув босқичлари бўйича коллеж ўқувчиларининг тажрибада тўпланган натижаларида фарқлар кузатилса-да, лекин методика кўрсаткичларини баҳолаш мезонларига қараганда, улардаги умумий иродавийлик кучи 1-босқич тингловчилари учун кучсиз, 2-3-босқичларда эса ўртача даражада, деган хулоса чиқаришга имкон бермоқда.

Ўқувчиларнинг умумий иродавийлик кучи билан бир қаторда характернинг бошқа иродавий хусусиятларини текширишнинг натижаларига мурожаат этиш айни муддаодир.

Ўқувчиларнинг сабр-тоқатлилик, қатъиятлилик ва тиришқоқлик хусусиятлари ўрганилганда, таълим босқичининг ҳар учаласида  сабр-тоқатлилик ўртача даражани (1-босқич-8.80, 2 –босқич-9.80, 3-босқичда эса 10.51) намоён этмоқда. Натижалардан кўриниб турибдики, ўқувчиларнинг турмушдаги қийинчиликлари, таълим жараёнида билимларни ўзлаштириш билан боғлиқ муаммолар олдида ҳар доим ҳам юқори чидамлиликни намоён эта олмас эканлар. Аслида сабр-тоқатлилик қанчалик юқори даражада бўлса, ўз ўрнида қўйилган мақсадларга эришишдаги қатъиятлиликни намойиш қилиш ва кўзланган режаларни бажаришда тиришқоқлик ҳам шу даражада ўсиб бориши таъминланар эди. Ҳаттоки, ушбу илгари сурилган фикримизнинг тасдиғи ўқувчиларнинг қатъиятлилик ва тиришқоқлик хусусиятлари бўйича олинган натижаларида ҳам кўзга ташланди. Улардаги қатъиятлилик:1-босқичда кучсиз-6.82, 2 босқич-9.20 ва  3- босқич– 10.62 ўқувчиларида ўртача кўрсаткични намоён қилган.

3.1.1-жадвал

**Педагогика коллежи ўқувчиларида характернинг иродавий хусусиятларини ўрганиш натижалари**

| № | | 1- босқич | | | 2- босқич | | | 3- босқич | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | M | σ | t | M | σ | t | M | σ |
| 1 | Иродалилик | 11,74 | 4,41 | 2.87** | 14,34 | 5,72 | 0.56 | 13,94 | 4,16 |
| 2 | Сабр-тоқатлилик | 8,80 | 2,99 | 1.69 | 9,80 | 4,3 | -1.49 | 10,51 | 3,02 |
| 3 | Қатъиятлилик | 6,82 | 2,35 | -4.08*** | 9,20 | 3,01 | -2.72* | 10,62 | 1,89 |
| 4 | Тиришқоқлик | 9,51 | 3,83 | -3.31** | 10,85 | 2,68 | 4.08*** | 11,51 | 2,04 |

*p<0,05; **p<0.01

Натижалар орасида ишончлилик фарқлари кузатилса-да, лекин уларнинг бундай кўриниш олишига 1-босқич ўқувчиларининг янги таълим муассасига мослашиш жараёни кетаётганлиги, яъни бошқа шароит, ўрта мактаб таълимига қўйиладиган талабларга қараганда мураккаброқ талаблар, шахснинг ўзи мустақил ишлаши учун заруратнинг борлиги ва бошқалар. Қолган икки босқич контингентларида педагогика коллежи таълим тизимига мослашиб улгуриши “Зейгарник” самараси (феномени) сингари уларнинг ўзларини шахс сифатида намоён этишида фаоллаштиришга биноан психологик мувозанатлашувни келтириб чиқаришнинг натижасидир.

Характер шахснинг яққол ижтимоий шароитларда муҳит билан ўзаро таъсирлашуви оқибатида, ўзининг ҳаёт ва фаолиятини ташкил этувчи фазилатларни эгаллаши тарзида назарда тутадиган бўлсак, юқоридаги ўқувчиларда характер хусусиятларининг шаклланганлик даражаси, уларнинг шахс сифатида таркиб топиши ва дастлабки педагогик касбий фазилатларни камол топтириши учун етарли деб бўлмайди. Балки натижаларни изоҳлашда ички қандайдир қонуният бормикан, деган маънода эмпирик материалларнинг корреляциясини ўрганиш масаласи бизни ўзига жалб этди. Бу борада

корреляция натижаларининг ҳар бир ўқув босқичи бўйича алоҳида таҳлил қилиш жараёнига тўхталамиз.

Биринчи босқич ўқувчиларида умумий иродавийлик кучи ва характерда ирода хусусиятларини шаклланганлик кўрсаткичини ифодаловчи корреляция муносабатларида ижобий боғланишлар ва бир-бирининг тақозо этувчи ҳолатлар сабабини акс ээтирувчи омиллар кузатилмади. Қолаверса, атиги биргина ҳолат, яъни “сабр-тоқатлилик” билан “қатъиятлилик” орасида тескари муносабат –r=-0.542 ва ишончлилик даражаси p<0.01 кузатилди. Бу билан шуни айтишимиз мумкинки, биринчи босқич ўқувчиларида сабр-тоқатлиликнинг етишмаслиги уларнинг қатъиятли бўлишининг сусайишига сабаб бўлиб қолмоқда. Уларда сабр-тоқатлиликнинг ўсиши характернинг бошқа иродавий хусусиятлари шаклланишида ижобий таъсир кўрсатади, деган хулосани келтириб чиқаради.

3.1.2-жадвал

**1- босқич ўқувчилари характерининг иродавий хусусиятлари орасидаги корреляция**

| | Иродалилик | Сабр-тоқатлилик | Қатъиятлилик | Тиришқоқлик |
|---|---|---|---|---|
| Иродалилик | 1 | -0,06 | 0,257 | 0,047 |
| Сабр-тоқатлилик | | 1 | -0,542** | -0,147 |
| Қатъиятлилик | | | 1 | 0,036 |
| Тиришқоқлик | | | | 1 |

**** p<0,01**

2-босқич ўқувчиларининг натижаларига назар солинганда, 1-босқичдаги анъанага содиқлик ва фарқли ҳолатни ҳам гувоҳи бўлдик. Булар уларда умумий иродавийлик қатъиятлиликни қувватловчи бўлиб хизмат қилса-да (r=0.386 ва ишончлилик даражаси p<0.01), аммо биринчи босқич субъектлари сингари уларда ҳам “сабр-тоқатлилик” билан “қатъиятлилик” орасида мутаносиблик акс этмаган -r=-0.470 ва ишончлилик даражаси p<0.01 қийматга тенгдир.

3.1.3-жадвал

**2 -босқич ўқувчилари характерининг иродавий хусусиятлари орасидаги корреляция**

| | Иродалилик | Сабр-тоқатлилик | Қатъиятлилик | Тиришқоқлик |
|---|---|---|---|---|
| Иродалилик | **1** | **-0,084** | **0,386*** | **0,082** |
| Сабр-тоқатлилик | | **1** | **-0,470**** | **0,080** |
| Қатъиятлилик | | | **1** | **0,145** |
| Тиришқоқлик | | | | **1** |

** p<0,01.
* p<0,05.

Учинчи босқич ўқувчиларини эришган натижаларининг таҳлилида ҳам юқоридаги ҳолатларга мос манзара кузатилмоқда. Уларда ҳам умумий ирода кучи “қатъиятлилик” билан мос тарзда ижобий боғланишга эга бўлган бир шароитда – r=0.519 ва ишончлилик даражаси p<0.01, уларда ҳам “сабр-тоқатлилик” билан “қатъиятлилик” ўртасида номутаносиб боғланиш борлиги аниқланди -r=-0.340 ва ишончлилик даражаси p<0,05 миқдорга эга.

3.1.4-жадвал

**3- босқич ўқувчилари характерининг иродавий хусусиятлари орасидаги корреляция**

| | Иродалилик | Сабр-тоқатлилик | Қатъиятлилик | Тиришқоқлик |
|---|---|---|---|---|
| Иродалилик | **1** | **-0,205** | **0,519**** | **0,072** |
| Сабр-тоқатлилик | | **1** | **-0,340*** | **0,065** |
| Қатъиятлилик | | | **1** | **0,308** |
| Тиришқоқлик | | | | **1** |

** p<0,01; * p<0,05.

Энди синалувчи ўқувчиларнинг умумий ҳолатига ҳам мурожаат этиб кўрайлик. Уларнинг умумий корреляция муносабати бўйича натижаларида одатий анъана сақланган, дейишимиз ҳам мумкин, чунки характернинг

иродавий хусусиятлари шакланишидаги тарқоқликда “сабр-тоқатлилик”нинг етишмаслиги сабаб бўлиб қолмоқда. Босқич ўқувчиларининг индивидуал натижаларида сабр-тоқатлилик билан қатъиятлилик узвий боғланиш ҳосил қила олмаган эди. Умумий ҳолатда эса умумий ирода кучининг ўзи ҳам улардаги “сабр-тоқатлилик” билан қатъий ижобий боғланишга эга эмас- r=-0.417 ва ишончлилик даражаси p<0.01 ташкил этади. Шунингдек, умумий натижаларда ўқувчилардаги умумий ирода кучини “қатъиятлилик”ни ҳам қабул қила олмаган – r=-0.245 ва ишончлилик даражаси p<0,05 ифодасига эга.

3.1.5-жадвал

**Барча босқич ўқувчиларининг натижалари орасидаги умумий корреляция кўрсаткичлари**

| | Иродалилик | Сабр-тоқатлилик | Қатъиятлилик | Тиришқоқлик |
|---|---|---|---|---|
| Иродалилик | **1** | **-0,417**** | **-0,245*** | **-0,114** |
| Сабр-тоқатлилик | | **1** | **0,070** | **0,136** |
| Қатъиятлилик | | | **1** | **0,366**** |
| Тиришқоқлик | | | | **1** |

** p<0,01, * p<0,05.

Аммо ўқувчиларда юзага келган эмоционал кўтаринкилик, ютуқлардан қувониш ва келажак режаларининг олдидаги масъулиятни ҳис этиш ўқувчиларда қатъиятликнинг намоён бўлиши ва ўз олдиларига қўйган мақсадларига эришишда интилишлари мумкинлигини қайд этишда – r=0.366 ва ишончлилик даражаси p<0.01 миқдорини акс эттиради.

Биз тадқиқотимиз натижаларининг умумий кўриниши ва хусусиятларнинг корреляцион таҳлилига таяниб, ўқувчилар характерида иродавий хусусиятларнинг шаклланишида ўзаро уйғунлашув мавжуд эмаслиги, айрим ҳолларда улар ўртасида муносабатлар кузатилиши ва ушбу тарқоқликда сабр-тоқатлилик хусусиятлар орасини боғловчи вазифасини бажара олмаётганлигидан гувоҳлик беради. Балки ўқувчиларнинг иродавий хусусиятлари бундай кўриниш олишига бошқа бир сабаблар таъсир этиши

ҳам мумкин. Шуни ҳисобга олган ҳолда ҳар хил вазиятларга нисбатан эмоционал ҳолатлардан бири бўлмиш хавотирланишни ўрганишни лозим топдик.

Биз педагогика коллежи ўқувчиларида характернинг иродавий хусусиятларини тадқиқ этиш билан бир қаторда уларнинг интеллектуал хусусиятларини ҳам ўрганиш бўйича экспериментал изланишимизнинг хусусида мулоҳаза юритишимизга тўғри келади. Бунинг учун улар тафаккурининг оригиналлиги, лабиллиги, муаммоларни таҳлил этувчанлик, янгича ёндашиш, оригиналлик билан мураккабликларга нисбатан комбинацияларни ҳосил қилдик. Уларнинг ҳар хил фикрларни умумлаштиришга ҳам мойилликларини, муаммолар ечимига нисбатан амалий фаолияти, муаммога нисбатан тизимли ва атрофлича мулоҳаза билдиришга ўрганганлиги, мазкур муаммога нисбатан алоқадорлиги масаласини тадқиқ этишга эътибор қаратдик. Бунинг учун биз "Тафаккурнинг индивидуал стиллари" (услублари) (А.Алексеева ва Л.Громовалар методикасига таяндик; 5-илова).

Экспериментнинг аниқловчи босқичида ўқувчиларнинг тафаккур стилларини таълим шароитида қандай кўринишда шаклланаётганлигини баҳолашга эришдик. Натижаларнинг миқдорий таҳлилида уларнинг таълим босқичлари, умумий кўрсаткичлари ҳамда иродавий ва интеллектуал хусусиятларни ўзаро алоқадорликда ўрганишга ҳаракат қилдик. Энди натижаларнинг таҳлилига мурожаат этайлик. Эмпирик миқдорларимиз шу нарсани кўрсатмоқдаки, методиканинг хусусиятига кўра, тафаккур стилларининг ҳар бир ақлий даражасига хос бир нечта кўрсаткичларни ўзида акс эттиради.

Масалан, синтетик тафаккур стили орқали оригиналлик, зиддиятли ҳолатларга нисбатан комбинациялашган ғояларга таяниш, улар бошқаларнинг фикр-мулоҳазаларидан фарқли ўлароқ ўзларининг алоҳида нуқтаи назарига эга эканлигини баҳолаш имконини беради. Ғоявий тафаккур стилида эса

мақсадга эришишда, эҳтиёжларга қизиқиш юқорилиги, муаммоли вазиятлар шароитида бошқаларнинг фикрини ички зиддиятларсиз идрок этишни ва қабул қилишни, у эмоция характеридаги ҳис-туйғу ҳамда баҳолашнинг субъектив моментларида етакчилик қилган вазиятларни баҳолашни тавсифлайди. Прагматик тафаккур стилига эга бўлган ўқувчилар ўз ишларини таълим жараёнида тўплаган тажрибаларига таяниб иш тутиши билан тафовутланиб туради. Шунингдек, прагматик тафаккур стили-ўқувчини бевосита тажрибасига асосланиб, материаллар ва ахборотларни яққол натижалар олиши учун фойдаланишга асосланган фикрлаш усули. Улар талабларни яхши ҳис этишади, хулқ-атвор тактикасини осон танлайдилар Вазиятларни ўзларининг ҳисобига ўзгартиришга, шароитларга мослашувчан ва қайишқоқликка эгаликни англатади.

Агар ўқувчидан аналитик тафаккур стили бўлса, у муаммога тизимли ва атрофлича ҳамда мезонлар асосида кўриб чиқишга, фикрлаш усулига, мантиқийликка, ўз услубига эга ва муаммони хотиржам ҳал этишга мойил бўлади. У муаммони ечишдан олдин, керакли маълумотларни тўплайди ва батафсил режалаштиради.

Реалистик тафаккур стили етакчилик қилган ўқувчи муаммоларга фактларга таяниб ёндашадиган фикрлаш усулига эга саналиб, айнан масалага омилкор ёндашуви ва унинг гувоҳи бўлишга мойиллигидан далолат беради. Реалистик тафаккур эгалари муаммога аниқликни билан ёндашишни маъқул кўришади.

Тажрибамизда ўқувчиларнинг интеллектуал хусусиятларини ўрганиш бўйича натижалар таҳлилига эътибор қаратамиз. Улар ақлий жиҳатларининг умумий натижаларида ўзаро муносабатларини аниқлашга (уларнинг корреляция коэффициентларини аниқлашга) эришдик.

Ўқувчилар характерида таркиб топиши кутилаётган интеллектуал хусусиятларни шаклланганлик даражасини тадқиқ этиш бир қатор илмий тахминларни илгари суришимизга сабаб бўлди.

3.1.6-жадвал

**Ўқувчилар интеллектуал хусусиятларини ўрганишнинг умумий натижалари**

| **Умумий** | **1** | **2** | **3** | **4** | **5** | **6** |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **Синтетик** | **1** | **-0,652**** | **-0,205** | **-0,187** | **0,121** | **0,139** |
| **Ғоявий** | | **1** | **0,391**** | **0,574**** | **0,020** | **-0,191** |
| **Прагматик** | | | **1** | **0,328**** | **0,431**** | **-0,111** |
| **Аналитик** | | | | **1** | **-0,150** | **-0,286*** |
| **Реалистик** | | | | | **1** | **0,156** |
| **Лабиллик** | | | | | | **1** |

* $p<0,05$; ** $p<0,01$.

Ўқувчиларда ақлий хусусиятларнинг шаклланганлигини баҳолашда қуйидаги аҳамиятга эга бўлган корреляция коэффициентлари аниқланди: “синтетик” хусусиятлар “ғоявий”- $r=-0,652$, $p<0.01$; бундан кўринадики, уларнинг таълим жараёнида ўқув предметларини ўрганишдаги аниқ муносабатларини шакллантиришга эътибор қаратилганлиги улар учун эмоционал, утопик ва субъектив моментларнинг аҳамиятидан кўра, умумлаштириш натижаларини бир-бирига боғлай олиш, уларда таққослаш операциясининг ўсиши муҳимроқ аҳамият касб этганлигини кўрсатди. Аммо ўз ўрнида педагогнинг тимсолида хусусиятларни шаклланиш жараёнида ўқувчилар субъектив моментларни ҳисобга олишга ва эмоционал омиллар аҳамиятини эса баҳолашга тўғри келади.

Ўқувчилар шахсида мужассамлашиши кузатилаётган “назарий мулоҳазалаш” ўз ўрнида фан тараққиётида илгари сурилган мулоҳазаларни исботлашнинг гувоҳи бўлди: “ғоявийлик” уларнинг “амалиётчилик” хусусиятларини ўз-ўзидан тақозо этмоқда: - “прагматик”- $r=0,391$, $p<0.01$; аналитик -”$r=0,574$, $p<0.01$ фикрлаш қобилияти мужассамлашганлигидан далолат бермоқда. Корреляция коэффициентларидаги бундай ижобий ҳолатлар ўқувчиларнинг педагог сифатида шаклланишида назарий мулоҳазалаш билан амалий тажрибаларга ва яққол натижалар олишнинг осон

йўлларига таянишни, ҳар бир қилинадиган иш нимагадир қўл келиши лозим тамойилига амал қилишларини кўрсатади. Бироқ татбиқ этилган методика шкалаларининг хусусиятига кўра, прагматик мулоҳаза юритишга мойил ўқувчилар хулқида юзакичилик, бетартиблик кузатилиши мумкинлигини изоҳлайди. Шунингдек, уларнинг фикрлашида айрим воқеа-ҳодисалар тасодифий ҳолатларга боғлиқ, деган тамойилга таянади. Тадқиқотдан олинган бундай натижаларга биноан педагог мутахассис сифатида бу тарзда фикрлаш мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблаймиз.

Уларнинг прагматик фикрлаши, ўз навбатида -“аналитик”- $r=0{,}328$, $p<0.01$; ва “реалистик”- $r=0{,}431$, $p<0.01$ фикрлаш стили билан уйғунлаштира олинган. Бундай психологик воқеликни ижобий ҳолат, деб баҳолаш мумкин. Ўқувчиларда амалий фикрлашнинг ўсиши билан уларда мантиқий фикрлаш, кўрилаётган масалага тизимли ва атрофлича ёндашиш, услубий талқин, муаммони ҳал этиш манёврларининг шаклланиши; фактларга таяниш, воқеа-ҳодисаларга ўзи шахсан гувоҳ бўлиш истагини билдириши мумкинлигини кўрсатади. Тадқиқот натижаларини таҳлил этиш жараёнида афсусланиш билан эътибор қаратишга тўғри келадиган кўрсаткич мавжуд, яъни ўқувчиларда “аналитик” фикрлаш стили тафаккурнинг лабиллиги билан тескари корреляцияни ҳосил қилган- $r=-0.286$, $p<0{,}05$; агар уларда тафаккур лабиллигида сустлик бўлса, ўз навбатида аналитик хусусиятнинг ҳам пасайишига таъсир кўрсатиши табиий ҳолдир. Чунки, тафаккур қилишдаги лабилликнинг заифлиги таълим жараёнида билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш учун қийинчилик туғдиради. Демак, коллеж ўқувчиларининг характерида таҳлилчанлик хусусияти шаклланишида лабилликнинг етишмаслиги муҳим омиллардан бири бўлиб қолмоқда, дейишимиз мумкин.

Энди натижаларнинг таълим босқичлари бўйича таҳлилига эътибор қаратайлик.

3.1.7-жадвал

**1- босқич ўқувчиларида характернинг интеллектуал хусусиятларини шаклланганлик даражаси кўрсаткичлари**

| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **Синтетик** | **1** | **-0,682**** | **-0,586**** | **-0,306** | **-0,019** | **0,266** |
| **Ғоявий** | | **1** | **0,488*** | **0,505*** | **-0,095** | **-0,094** |
| **Прагматик** | | | **1** | **0,276** | **0,297** | **0,081** |
| **Аналитик** | | | | **1** | **-0,248** | **-0,088** |
| **Реалистик** | | | | | **1** | **0,246** |
| **Лабиллик** | | | | | | **1** |

** р<0,01; * р<0,05.

1-босқич ўқувчиларининг характерида ақлий хусусиятларини шаклланганлик кўрсаткичининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, уларда вазиятларни баҳолаш билан ўқиш жараёнида ўзлаштирилаётган билимларни умумлаштиришда, билимлар, воқеа-ҳодисалар орасидаги умумий боғланишлар ҳосил қилиш даражасидаги интеллектуал хусусиятлар етишмаётганлигидан далолат бермоқда- r=-0,682, p<0.01 (синтетик стил билан ғоявий стил). Шунингдек, улардаги ғоявий фикрлашга мойилликнинг ортиб бориши, ўз навбатида атроф-муҳит тўғрисида, вазиятларни баҳолаш бўйича уларда осон эришилиши кўзда тутилган ахборотларни ўзлаштиришга, тезроқ натижаларни қўлга киритишга ихтиёр этишнинг шаклланишига олиб келмоқда. Бундан кўриниб турибдики, таълим жараёнида ўқувчилар томонидан билимларни ўзлаштирилиши кўпроқ уларнинг келажак, истиқбол аҳамиятидан кўра, айни дамда эгалланган реал натижа, яъни машғулотларда олинган баҳонинг қиймати муҳимроқ тус олиши аҳамиятли экан. Бундан шу нарса равшанлашадики, таълим жараёнида ўқитувчи ўқувчиларда интеллектуал хусусиятларнинг шаклланишида прагматик нуқтаи назардан мулоҳаза юритиш сифатларининг таркиб топишидан кўра, реал ва яққол амалий хусусиятга эга бўлган фикр юритишини аниқлик, оригиналлик, мустаҳкамлик хусусиятларини тақозо этади.

Яна шуни эътиборга олишни тажриба тақозо этмоқдаки, ўқувчиларда муаммоларга нисбатан “ғоявий” стилда ёндашишнинг ўсиши охир-оқибатда

“таҳлилчанлик”нинг ривожланишига сабаб бўлар экан- r=0,505, p<0,05. Аслида эса уларнинг фикрлашида таҳлилчанлик хусусиятининг шаклланиши ижобий ҳол, аммо у аниқ далили-ашёларга таянишга, унинг ечимини кўрсата билишга мойиллик бўлмаса-да, у демагогликка, ҳозиржавобликка, сўзамоликка айланиб қолмаса, деган хавотирланишни уйғотади. Ўйлаймизки, таҳлилчанликнинг яққол шахс характерининг сифатига айланиши эса унинг реалистик, синтетик, муаммоларни ҳал этишда вазиятларни ҳар томонлама кўра олиши билан уйғунлик ҳосил қилиши лозим эди. Лекин бундай уйғунлик эса тажрибамиз давомида кузатилмади.

Иккинчи босқич ўқувчиларида ҳам биринчи босқичдаги таълимдошлари сингари фикрлашнинг синтетик хусусият касб этиши ғоявийлик билан уйғунлаша олмаганлиги r=-0,696, p<0.01-, уларнинг таълим жараёнида

3.1.8-жадвал

**2- босқич ўқувчиларида характернинг интеллектуал хусусиятларини шаклланганлик даражаси кўрсаткичлари**

| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **Синтетик** | **1** | **-0,696**** | **-0,138** | **-0,084** | **0,072** | **0,166** |
| **Ғоявий** | | **1** | **0,226** | **0,448*** | **0,009** | **-0,181** |
| **Прагматик** | | | **1** | **0,199** | **0,466*** | **-0,365** |
| **Аналитик** | | | | **1** | **-0,198** | **-0,533*** |
| **Реалистик** | | | | | **1** | **-0,055** |
| **Лабиллик** | | | | | | **1** |

** p<0,01; * p<0,05.

билимларни ўзлаштиришда тафаккурнинг муҳим операциялари шахс хусусиятлари шаклида таркиб топишдан орқада қолаётганлигини ифодаламоқда. Балки бу ҳолат ўқувчиларнинг таълим жараёнидан кўра, ундан холи бўлган ҳар хил ҳаётий масалалар устида бошқотираётганлигининг оқибатидир. Ҳатто мулоҳазамизнинг узвий давоми сифатида аналитик фикрлаш стили билан фикрлашдаги лабиллик ҳам боғланиш ҳосил қила олмаган- r=-0,533, p<0,05. Натижанинг бундай кўриниш олиши уларнинг касбий фаолиятига алоҳида эътибор қаратиш орқалигина уларда интеллектуал

сифатларнинг шахс характери хусусияти тарзида камол топишига йўналтириш лозим бўлади. Чунки, ахборот, техника ва маданий муҳитдаги кескин тараққиётнинг ўқитиш билан узвийлигини таъминлашда муайян қийинчиликларга дуч келаётганлиги ўқувчиларнинг аналитик фикрлаши таълим жараёнида ўзлаштириши лозим бўлган қонун-қоида, билим сирларидан кўра, турмуш тарзига доир масалаларни ҳал этишга қаратилиши билан боғлашга тўғри келади.

Иккинчи босқич ўқувчиларида ақлий хатти-ҳаракатларини намоён этишда ғоявий фикрларга мойиллик уларнинг прагматик стилда мулоҳазалашга олиб келиб қўядигандек- $r=0,448$, $p<0,05$, аммо уларнинг бундай фикрлаш стили реаллик билан боғланишга олиб келаётганлиги таажжубга солади- $r=0,466$, $p<0,05$. Балки уларнинг фиклашидаги бу тарздаги муносабатлари айрим ҳаётий кузатишларнинг натижаси бўлиши ҳам шубҳадан холи эмас. Тадқиқотда педагогика коллежи ўқувчилари характерида интеллектуал хусусиятларни шаклланганлик кўрсаткичи таълим жараёнида предметларни ўзлаштириши билан уйғунлигини кўриш қийинчилик туғдирмоқда. Балки уларда ҳаётий масалаларга эътиборни қаратиш ва ижтимоий тажриба тўплаш касбий фаолиятга ўсиб ўтишлари учун муҳимлигини ҳис этаётганлигидадир. Агар уларнинг характер хусусиятлари шаклланишида интеллектуал сифатлар ижтимоий тажриба маҳсули тарзида хизмат қилса, бу ҳолатни қўллаб-қувватлаш керак ва ўз навбатида ўқувчиларнинг таълим жараёнидан узилиб қолишига имконият қолдирмаслик лозимдир.

Учинчи босқич ўқувчиларининг интеллектуал хусусиятларини таҳлил қилишда ҳам юқоридаги икки босқичдагидан тубдан фарқ қиладиган ҳолатни кузатишимиз қийин бўлди. Уларда ҳам “синтетик” фикрлаш стили “ғоявийлик” билан тескари боғланиш ҳосил қилган- $r=-0,695$, $p<0.01$. Бу ҳолатни изоҳлашда юқоридаги икки ҳолатни таҳлил этишдаги сабаблар билан бир хил деб чекланишимизга тўғри келади. Айнан бир хил муҳитда таҳсил

олаётган ўқувчилардаги умумий анъана сифатида гавдаланмоқда, деб қатъий таъкидлаш мумкин.

3.1.9 - жадвал

**3 - босқич ўқувчиларида характернинг интеллектуал хусусиятларини шаклланганлик даражаси кўрсаткичлари**

| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **Синтетик** | **1** | **-0,695**** | **0,085** | **-0,311** | **0,275** | **0,122** |
| **Ғоявий** | | **1** | **0,423** | **0,680**** | **0,138** | **-0,213** |
| **Прагматик** | | | **1** | **0,515*** | **0,495*** | **-0,059** |
| **Аналитик** | | | | **1** | **-0,015** | **-0,202** |
| **Реалистик** | | | | | **1** | **0,265** |
| **Лабиллик** | | | | | | **1** |

** $p<0,01$; * $p<0,05$.

Ўқувчиларнинг аналитик тафаккур стилига эгалари ғоявий тафаккур оифалари билан ижобий корреляция ҳосил қила олган ($r=0,680$, $p<0.01$). Бу эса уларнинг таҳлил этиш кўникмасига эга бўлиши учун маълум назарий асос, нуқтаи назарни илмий жиҳатдан шакллантириш муҳимлигини англаган. дейиш мумкин. Шунингдек, учинчи босқич контингентларида прагматик фикрлаш “аналитик” ($r=0,515$, $p<0,05$) ва “реалистик” ($r=0,495$, $p<0,05$) фикрлаш билан ҳам ижобий боғланиш ҳосил қилганлиги кузатилди. Бу эса уларнинг шахсий бевосита тажрибаси асосида материаллар, ахборотлар ва яққол натижалар олиши ва фойдаланишда таҳлилчанлик, масаланинг аниқ таркибий тузилмаси негизида ва мавжудлигича кўра билиш муҳимлигини, бу эса муаммони осон ҳис этиши, хулқ-атвор тактикасини осон танлаш кўникмасини шакллантирганликдан далолат беради. Бундан кўринадик, ўқувчиларнинг тафаккурлашларида бошқа стиллар орасида муносабат етарлича боғланиш ҳосил қила олмаган.

Ўқувчиларнинг ўзини шахсан бошқара олмаслиги билан уларнинг қатъий ўзига хос назарий мулоҳаза юритиш кўникмаларининг шахсий

фазилатлар тарзида шаклланишига имконият бермаяпти. Бу сўзсиз уларнинг иродавий хусусиятлари билан интеллектуал сифатлари орасида яққол ижобий боғланишга олиб келинмаганлигидан далолат беради. Таҳсил олувчилар характерининг иродавий ва интеллектуал хусусиятлари орасидаги ўзаро боғланишларни ифодаловчи иккинчи ҳол, яъни сабр-тоқатлилик билан лабиллик орасида ҳам тескари корреляцион муносабат кузатилди. Буни ижобий деб қарашга ҳақли эмасмиз r=-0,276, p<0,05. Бу ўринда шуни айтиб ўтиш керакки, агарда ўқувчиларда сабр-тоқатлиликнинг ўсиши билан уларнинг таълим жараёнида ақлий ҳаракатлар лабиллигига эришиши шунчалик юқори даражада бўлиши лозим эди. Аксинча, тадқиқотларимизда улардаги сабр-тоқатлилик бошқа иродавий хусусиятлар билан ички боғланиш бўйича ҳам ижобий муносабатларни акс эттирмаган эди. Бу ҳолат интеллектуал хусусиятлар билан алоқасида ҳам кузатилмоқда. Натижаларнинг бундай кўриниш олиши, таълим жараёнида ўқувчилар билан ўзлаштиришда юз бераётган камчиликларнинг бир омили сифатида уларда сабр-тоқатлиликнинг заифлиги, билимларни ўзлаштиришда ўзларини бошқаришда чидамлиликнинг камлиги, бесабрликнинг доминантлиги ҳеч кимни таажжубга солмаса керак. Оқибатда ўқувчилар ўзларида бўлғуси педагогик касбий фаолият учун энг зарурий шахсий фазилатларни камол топтиришда ҳам бефарқликка берилмоқдалар, дейиш мумкин. Тадқиқотмизнинг натижалари шундан далолат бермоқдаки, бугунги кунда илк ўспирин ёшдагилар характерининг иродавий ва интеллектуал хусусиятлари орасида уйғунликни, ўзаро алоқадорликни таъминлаш зарурати бор. Бу эса уларни таълим олишида, дастлабки педагогик билим, кўникма ва малакаларни эгаллашга имкон берувчи психологик-коррекцион тадбирларни олиб бориш ва уларнинг натижаларини кўздан кечиришни ҳамда муаммога сабаб бўлувчи ҳолатларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар тақдим этиш кераклигидан далолат бермоқда.

Биз томонимиздан амалга оширилиши кўзда тутилган психокоррекцион дастурни ишлаб чиқиш (яратиш) бошқа муаммоларга қараганда фарқ қилувчи ҳолатларни инобатга олишни, аниқ мезонлар асосида ишни ташкил этишни тақозо этади.

Биз дастлабки аниқловчи диагностик босқич натижалари асосида шуни айтиб ўтишимизга тўғри келадики, ўқувчилар характерида иродавий ва интеллектуал хусусиятларининг шаклланиши, уларнинг ўзаро мужассамлашувида, тарқоқликларнинг борлиги фаолиятни тўғри ташкил этишга ўргатишдаги тизимсизлик, ўз имкониятларини реализация қилишда мотивацияда аниқликнинг етишмаслиги, мақсад қўйишдаги чалкашликлар ва унга эришишда изчилликнинг йўқлиги, муаммолар устида ишлаш жараёнида қатъиятлиликнинг заифлиги намоён бўлди. Бунга ўхшаш нуқсонларни бартараф этиш учун навбатдаги параграфларда психокоррекция ишларининг натижаларига тўхталиб ўтамиз.

## 3.2. Шакллантирувчи эксперимент натижаларининг таҳлили

Шакллантирувчи экспериментни ташкил этиш дастурини тайёрлашнинг асосий мезонларини белгилаб олишлик, бизнинг ишончли ва аниқ натижалар олишга имкон берувчи асосий ҳолат саналади

Биз дастлабки аниқловчи диагностик босқич натижалари асосида шуни айтиб ўтишимизга тўғри келадики, ўқувчилар характеридаги иродавий ва интеллектуал хусусиятларнинг камол топиши, уларнинг ўзаро мужассамлашувида тарқоқлик борлиги, фаолиятни тўғри ташкил этишда тизимнинг йўқлиги, ўз имкониятларини реализация қилиш мотивацияда аниқликнинг етишмаслиги, мақсад қўйишдаги чалкашликлар ва унга эришишда изчилликнинг йўқлиги каби муаммолар устида ишлашни талаб этди.

Шундан келиб чиққан ҳолда ўқувчиларда иродавий хусусиятларни шакллантиришга ёрдам берувчи **“21 кунлик” мавзуга оид дастур** ишлаб

чиқилди (6-иловада). Унинг ёрдамида ўқувчиларнинг уч ҳафта оралиғида ўз хатти-ҳаракатларини бир маромда ишлашга имкон берувчи фаолият тизимини шакллантириш учун тавсия этдик ва машғулотлар олиб бордик.

Дастурда кўзда тутилган асосий мақсад экспериментнинг аниқловчи диагностик босқичида ўқувчилар характерида иродавий хусусиятларни шакллантириш учун тавсия этилган қуйидаги мезонлар ҳисобга олинди:

1. Тажриба-синов жараёнида иштирок этувчи ўқувчилар характерининг иродавий ва интеллектуал хусусиятларини етарлича шаклланмаган тоифадагилар ажратиб олинди.

2. Психокоррекцион дастур икки босқичдан иборат бўлиб, биринчисида иродавий хусусиятларни, иккинчисида эса интеллектуал сифатларни шакллантиришга қаратилди.

3. Ишлаб чиқилган психокоррекцион дастур уларга дастлаб гуруҳий тарзда тушунтирилиб, сўнгра индивидуал назорат шаклига айлантирилди.

4. Иродавий ва интеллектуал хусусиятларининг психокоррекцион дастур кўрсаткичлари билан аниқловчи диагностик босқич натижалари ўзаро қиёсий талқин этиш кўзда тутилди ва амалга оширилди.

Шакллантирувчи тажриба-синовимиз натижалари билан қуйидаги жадваллар орқали танишиш имкониятига эга бўламиз.

Шу ўринда бир нарсани эътироф этиб ўтиш лозим. Чунончи, ўқувчилар характеридаги иродавий хусусиятларни психологик коррекциялашга йўналтирилган дастуримиз натижаларининг таҳлили, бизни айрим янги илмий тахминларни илгари суришга имконият туғдирди.

Психокоррекцион дастурни татбиқ этиш якунида ўқувчиларнинг аниқловчи диагностик босқич натижалари билан шакллантирувчи босқичдан кейинги методикаларни қўллашдан олинган кўрсаткичларни ўзаро таққослаш жараёни амалга оширилди.

Шакллантирувчи эксперимент натижалари шундан далолат бермоқдаки, ўқувчиларнинг иродавий хусусиятларини шакллантириш учун тақдим этилган

психокоррекцион дастурни татбиқ этиш жараёнида иштирокчилар фаолиятини тартибга солиш ва мавжуд имкониятларини руёбга чиқариш, мотивларини намоён қилиш иштиёқи мавжудлигидир.

Аниқловчи диагностик ва шакллантирувчи тадқиқот босқичлари орасида ўқувчиларнинг натижаларида ўзига хос тафовутлар кузатилди. Қиёсий таҳлил таълимнинг ҳар бир босқичлари бўйича эътиборга олинди. Дастлабки тадқиқот босқичида ўқувчилар характерида иродавий хусусиятларининг шаклланганлиги даражасини индивидуал ўзига хослик, сустлик гавдаланганлигини таҳлил этиб ўтган эдик. Шакллантирувчи эксперимент натижалари эса иродавий хусусиятларда ижобий томонга ўзгаришида динамиклик хусусияти намоён бўлганлигини кўрсатмоқда.

Ўқувчиларнинг таълим жараёни учун ҳам, кундалик фаолиятини ташкил этишида ҳам иродавий хусусиятларини шахс фазилатлари даражасига ўстириш, унинг келажагини белгилашда ўзига хос ютуқларга олиб келади.

Психокоррекцион дастур туфайли ўқувчиларнинг “ўзини тута билиши”, сабр-тоқатлилик, қатъиятлилик ва тиришқоқлик хусусиятларини намоён этишларида ўзгаришларга эришган (3.2.1-жадвал).

Шакллантирувчи эксперимент натижалари ўқувчиларнинг иродавий хусусиятларида аниқловчи босқичига нисбатан ўзгаришлар юзага келтирганини қуйидаги миқдорий кўрсаткичлар билан изоҳлаймиз.

“Ўзини тута билиш”: 1-босқич ўқувчиларида 21,6 балл (11,74 балл-аниқловчи диагностик босқич натижаси) ни, орадаги ишончлилик кўрсаткичи –$p<0.01$ га тенгдир. Шунингдек, сабр-тоқатлилик- 13.46 балл (8.80 балл-аниқловчи диагностик босқич натижаси)ни ташкил этиб, улар орасидаги ишончлилик кўрсаткичи –$p<0.001$ га баровар (3.2.1-жадвал). Иккинчи ва учинчи босқич ўқувчиларида ҳам шакллантирувчи эксперимент натижалари “ўзини тута билиш ва бошқариш”, “сабр-тоқатлилик”, “қатъиятлилик”, “тиришқоқлик” хусусиятлари бўйича ижобий ўзгаришларни акс эттирди (3.2.1-жадвалга қаралсин). Масалан, 2–босқич ўқувчиларида “қатъиятлилик”

кўрсаткичи аниқловчи диагностик босқичда 9.20 баллга, шакллантирувчи босқичда эса 12,61 баллга эга бўлганлиги, улар орасидаги ишончлилик фарқ эса p<0.01га тенг эканлиги муҳим кўрсаткичдир.

3.2.1-жадвал.

**Шакллантирувчи эксперимент натижалари**

| Таълим босқичла | Эксперимент босқичлари | | Ўзини тута билиш ва бошқариш | Сабр-тоқатлилик | Қатъият-лилик | Тириш-қоқлик |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1- босқич | Аниқловчи | M | 11.74 | 8.80 | 6,82 | 9,51 |
| | | σ | 4.41 | 2.99 | 2,35 | 3,83 |
| | Шакллан-тирувчи | M | 21.6 | 13.46 | 12,21 | 13,03 |
| | | σ | 4.38 | 1.03 | 1,15 | 1,25 |
| | T | | 3.83** | 2.61* | 3,98*** | 3,10** |
| 2- босқич | Аниқловчи | M | 14.34 | 9.80 | 9.20 | 10.85 |
| | | σ | 5.72 | 4.3 | 3.01** | 2.68 |
| | Шакллanти-рувчи | M | 22.45 | 11.69 | 12.61 | 12.53 |
| | | σ | 2.43 | 0.85 | 1.12 | 2.72 |
| | T | | 5.05*** | 2.61* | 2.92** | 0.61 |
| 3- босқич | Аниқловчи | M | 13.94 | 10.51 | 10.62 | 11.51 |
| | | σ | 4.16 | 3.02 | 1.89 | 2.04 |
| | Шакллanти-рувчи | M | 27.30 | 13.32 | 12.84 | 13.53 |
| | | σ | 3.52 | 0.94 | 1.14 | 1.05 |
| | T | | 5.02*** | 3.56** | 3.05** | 2.73* |

***p<0,05; **p<0.01; ***p<0.001**

Шакллантирувчи босқичнинг якунларига кўра, фақат 2–босқич субъектларида “тиришқоқлик” хусусиятида аниқловчи босқич натижалари бўйича яққол тафовут кузатилмади, яъни кўрсаткичлар 10,85 балл (аниқловчи) ва 12,53 балл (шакллантирувчи) тенг. Ташқаридан кузатилганда, қийматлар ўртасида фарқ бўлса-да, аммо статистик жиҳатдан улар орасида ишончлилик кўрсаткичига эга бўлган фарқ кузатилмади. Акс ҳолда шакллантирувчи босқич натижалари барча таълим босқичлари бўйича статистик жиҳатдан ишончли натижаларни тақдим эта олди. Натижалар бундай тус олгандан сўнг ўқувчиларнинг барча босқичлар бўйича умумий

натижалари орасидаги корреляция боғланишларни аниқлашга ҳаракат қилдик ва қуйидаги 3.2.2-жадвалда келтирилган кўрсаткичларни қўлга киритдик.

3.2.2-жадвал

**Ўқувчиларнинг психокоррекцион дастурдан кейинги кўрсаткичлари орасидаги корреляция муносабатлари**

| | Ўзини тута билиш ва бошқариш | Сабр-тоқатлилик | Қатъиятлилик | Тиришқоқлик |
|---|---|---|---|---|
| **Ўзини тута билиш ва бошқариш** | 1 | **0,358*** | **0,504**** | **0,295*** |
| **Сабр-тоқатлилик** | | **1** | **0,447**** | **0,081** |
| **Қатъиятлилик** | | | **1** | **0,376*** |
| **Тиришқоқлик** | | | | **1** |

***p<0,05; **p<0.01;**

Корреляция таҳлилининг натижалари бизда психокоррекцион дастурни амалга оширилиши ўқувчилар характерида иродавий хусусиятларни шакллантиришга туртки берганлигини тавсифлашга асос бўлиб хизмат қилди.

Аниқловчи эксперимент натижаларини таҳлил этганда биз шуни таъкидлаган эдикки, аввало, педагогика коллежи ўқувчилари бўлғуси педагоглар саналадилар, қолаверса, улар бўлғусида бошланғич синфларнинг муаллимлари ҳисобланадилар. Уларнинг касбий шаклланиши учун характернинг ижобий хусусиятлари юксак даражада ривожланганлиги ҳам педагог, ҳам таълим-тарбия жараёни учун муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам психокоррекцион дастур якунидаги қўлга киритилган кўрсаткичлар ўқувчиларнинг касбий шаклланишида шахсий фазилатларига алоҳида эътибор қаратиш кераклигига, янада кучли урғу беришга олиб келди. Олинган натижаларга назар солганда, ўқувчилар характерининг иродавий

хусусиятлари орасидаги ички узвийлик психологик тадбирлар ёрдамида тўғри йўналишга солиш мумкинлигига гувоҳ бўлиши мумкин.

Ўқувчиларнинг иродавий хусусиятлари орасидаги корреляция боғланишларини илк бора таҳлил этганда ўзини тута билиш, бошқа айрим иродавий хусусиятлар - “сабр-тоқатлилик” (r=0,417, p<0.01) билан; “қатъиятлилик” эса «тиришқоқлик» билан (r=0,366, p<0.01) ижобий боғланишга эга бўлган эди. Бошқа хусусиятлар орасида ўзаро ишончли ва ижобий ички алоқа шаклламаган, деган хулоса чиқарган эдик. Шакллантирувчи босқич натижаларига кўра, ўқувчилар характерининг иродавий хусусиятлари орасида ички алоқадорликни вужудга келтиришга эришган эдик (3.2.2-жадвал). Ўқувчилар характерида иродавий хусусиятларнинг деярли ҳар бири ўзаро корреляцион боғлиқ эканлигини қуйидаги миқдорий кўрсаткичлар орқали шарҳлаб ўтиш мумкин.

Ўқувчилардаги “ўзини тута билиш ва бошқариш” “сабр тоқатлилик” билан (r=0,358, p<0,05), “қатъиятлилик” билан (r=0,504, p<0.01), “тиришқоқлик” билан (r=0,295, p<0,05) ижобий боғланиш ҳосил қилган. Бу воқеликнинг кўрсатишича, таълим субъектларининг ҳар хил вазиятларда, шароитларда ўзининг эмоцияларини бошқаришга, муаммоларга ваҳима билан эмас, балки ўзига ишонч билан ёндашишга; мақсадни амалга оширишда собитқадам бўлишга таянч хизматини бажаради.

“Сабр-тоқатлилик” хусусияти “қатъиятлилик” (r=0,447, p<0.01) билан ижобий муносабатни юзага келтирган. Агар ушбу икки тушунчани мазмунан бир-бирига таққослаганда ҳам бири иккинчисини сўзсиз эксплицид тарзда тақозо этади. Тадқиқотимизнинг дастлабки босқичида, шахс тўғрисидаги ҳаётий кузатишларда ҳам сабр-тоқатли ўқувчи қатъиятли инсон бўлиши мумкин, деган хулосаларни учратиш табиий ҳолатдир. Аксинча, ушбу ҳаётий тажрибада айтилиши мумкин бўлган илмий тахмин тажриба натижаларида асло кузатилмаган эди. Демак, бу икки хил хусусиятларнинг бир-бири билан уйғунлашуви эса шахснинг мақсадларига эришишида ва камолоти учун

алоҳида маъно касб этади. Чунки, қийинчиликларни енгишда шахсда қатъиятлиликнинг заифлиги, мақсадга эришишда қатъиятликнинг бўлмаслиги субъектнинг турмушдаги ожизлиги саналади. Шакллантирувчи тадбирлар якунида ўқувчилар характерида ушбу икки жиҳат орасида ички уйғунликни вужудга келтирганлик ҳодисасининг ижобий ҳол, деб баҳолаймиз. Улар психологик тадбирдан ва унинг якунидаги диагностик кўрсаткичлардан бехабар бўлсалар-да, бироқ ўзининг шахсий фаолиятини бошқаришда эгаллаган укув, малака, тажрибаларни тўлақонли ҳаётий шиорларга айлантириш масаласи психологик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Чунки, ўқувчилик даврида барча машғулотларга қунт билан тайёрланиш, мураккаб топшириқларни ечишда ўзида ишонч хислатини шакллантириш, келажакда ўқитувчи сифатида фаолият кўрсатишида ва касбий камолотида юқори натижаларга эришишида сабр-тоқатлилик ҳамда қатъиятлилик нақадар муҳим эканлигини яна бир бора англаб етади.

Аммо ўқувчилар характеридаги иродавий хусусиятларни аниқловчи ва шакллантирувчи босқичида ҳам “сабр-тоқатлилик” “тиришқоқлик” билан ички боғлиқликни намоён қилмади. Бу ҳолатни ўқувчилар ўзларида сабр-тоқатлилик орқали ҳар хил эмоционал зўриқиш, стресс, депрессия ва муаммоли шароитларга нисбатан “толерантликни” шакллантириш билан чекланишлари, уларда тиришқоқлик билан ўзаро шахс хусусиятларининг уйғунлашувига тўсиқ бўлиб қолмаётганмикин, деган тахмин билан қаноат ҳосил қилишга мажбурмиз. Балким, ушбу хусусиятлар орасидаги ўзаро алоқадорликнинг ўзини алоҳида кичик илмий тадқиқот мавзуси ўрнида ўрганиш зарур, деган фаразни илгари сурамиз.

Тадқиқот натижаларида холисоналикни яна бир вазиятда эса ўзаро алоқадорлик, яъни иродавий хусусиятлар орасидаги корреляция муносабатлари орқали тасдиқланди: “қатъиятлилик” хусусияти “тиришқоқлик” билан ҳар икки босқичда ҳам тўғри ижобий корреляция коэффициентини намоён қилди, аниқловчи диагностик босқичда (r=0,366,

p<0.01) ҳамда шакллантирувчи босқичда (r=0,376, p<0.01) кўзга ташланади. Бу тадқиқот натижаларидаги статистик холисликни яна бир бора исбот қилинди, деб қатъий баҳолаш мумкин.

Психокоррекцион босқичнинг ўқувчилар характерида иродавий хусусиятларни шакллантиришга қаратилган дастурида қўлга киритилган ижобий натижаларни уларнинг бизга кўмак сифатида хизмат қиладиган айрим психологик жиҳатлар орқали изоҳлаш ўринлидир:

1. Ўқувчиларда ўзларидаги салбий хусусиятлардан халос бўлишга нисбатан эҳтиёжнинг мавжудлиги.

2. Иродавий хусусиятларни шакллантириш доимо инсонларни ўзига жалб қилиб келаётганлиги ва бу масала ўқувчиларнинг узлуксиз равишда диққат марказидаги муаммолардан бири эканлиги масаласи турганлиги.

3. Психокррекцион дастур ўқувчиларнинг кундалик фаолияти билан уйғунлашганлиги, уларда ўзини бошқариш имкониятини яратганлиги.

4. Психокоррекцион дастурни татбиқ этиш жараёнида ўқувчилар шахсини тан олиш, уларни рағбатлантиришга эътиборнинг қаратилганлиги.

5. Ўқувчилар билан психокоррекцион дастур устида ишлаш жараёнида шахснинг интилиш даражаси қонуниятлари инобатга олинганлиги ва бошқалар.

Юқорида таъкидланган эдики, психокоррекцион дастурнинг иккинчи босқичи ўқувчилар характерининг интеллектуал хусусиятларини шакллантиришга мўлжалланган эди. Интеллектуал хусусиятларни психокоррекциялашга, шакллантиришга қаратилган дастуримизда ўқувчи фикрлашининг, муаммолар устида ишлашининг, улар юзасидан мулоҳаза юритишининг бир қатор қирралари: муаммо ечимини топиш жараёнида фикрнинг оригиналлиги, таҳлил этувчанлик, шахсий ғояси, индивидуал нуқтаи назарига эга бўлиши, унинг изчиллиги ва амалий ёндашуви (-илова). Ушбу психокоррекцион дастурга асосланган ҳолда ташкил этилган тренинг машғулотларидан сўнг ўқувчиларнинг интеллектуал хусусиятларида юзага

келган ўзгаришларни диагностика қилишга эътибор қаратилди. Қуйида диагностика натижаларининг шарҳига тўхталиб ўтилади.

Иккинчи босқич ўқувчилари натижаларини таҳлил этишда характернинг интеллектуал хусусиятларини шакллантирувчи босқич кўрсаткичлари орасидаги корреляцион муносабатларни уларнинг умумий ва таълим босқичлари бўйича қиёслашни танладик.

Аниқловчи ва шакллантирувчи эксперимент натижалари бўйича қиёсий таҳлил, иродавий хусусиятларни шакллантиришда учрайдиган нуқсонларни бартараф этиш сингари характернинг интеллектуал сифатларини ўстиришда ҳам бирмунча ижобий кўрсаткичларга эришилди. Аниқловчи босқичдаги ўқувчиларнинг интеллектуал хусусиятлари орасидаги корреляция коэффициентлари уларнинг “ғоявийлик” хусусиятида ижобий муносабатларни акс эттирган бўлса, дастурни татбиқ этиш натижада уларнинг бир қатор хусусиятлари орасида ишончли корреляцион боғланишларни кузатишга эришдик.

Ўқувчиларнинг дастлабки натижалари асосида ўзлари илгари сураётган қарашлари ва муносабатларида масаланинг якуни юзасидан синтезини таъминлай олмаслиги ($r=-0{,}625$, $p<0.01$); муаммони амалий жиҳатдан таҳлил этишга ҳаракат қилинса-да, лекин уни умумлаштиришга эриша олмаслик

($r=-0{,}205$), муаммони анализ ва синтез қилишда мутаносибликнинг йўқлиги ($r=-0{,}187$), муаммонинг реал, бирламчи жиҳатлари билан иккиламчи томонларини қориштириб юбориш, таълим жараёнида тафаккур лабиллигининг сустлиги ($r=0{,}139$) кузатилган эди.

Шакллантирувчи экспериментда амалга оширган ишларимизнинг якуни эса натижаларимизда ижобий ўзгаришларга эришишга олиб келди. Ўқувчилар тафаккуридаги “синтезлаш” жараёни “ғоявийлик” билан –$r=0{,}357$, $p<0{,}05$, “прагматиклик” билан- $r=0{,}422$, $p<0.01$, “аналитик” билан- $r=0{,}311$, $p<0{,}05$, “реалистик” билан –$r=0{,}269$, $p<0{,}05$ ва лабиллик билан эса $r=0{,}350$, $p<0{,}05$ кўринишдаги ижобий корреляцион боғланишларни шакллантиришга

эришилди (3.2.1-жадвал ва 1-илова). Бундан шу нарса кўринадики, ўқувчиларнинг интеллектуал хусусиятлари орасидаги муносабатнинг дастлабки ижобий ички мувофиқлиги ва уйғунлашувини таъминлаш уларнинг таълим жараёнига нисбатан шахсий позицияларининг ўзгаришига сабаб бўлиши шак-шубҳасиз. Бу психологик ҳолат таъсирчанлиги коллежнинг педагоглари томонидан изчил равишда йўлга қўйишларига бевосита боғлиқдир.

Психокоррекцион дастурни тажрибага татбиқ этилганидан кейин олинган натижалар илк кўрсаткичларга (аниқловчи босқич) қараганда, ижобий кўриниш олганлиги барча босқич ўқувчиларини умумлашган ҳамда алоҳида миқдорий қийматларида акс этиши кузатилди. Шунингдек, уларга

3.2.3-жадвал

**Шакллантирувчи экспериментда ўқувчиларнинг интеллектуал хусусиятлари бўйича корреляцион боғланиш кўрсаткичлари**

| | **Синтетик** | **Ғоявий** | **Прагматик** | **Аналитик** | **Реалистик** | **Лабиллик** |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **Синтетик** | 1 | 0,357* | 0,422** | 0,311* | 0,269* | 0,350* |
| **Ғоявий** | | 1 | 0,360* | 0,351* | 0,420** | 0,127 |
| **Прагматик** | | | 1 | 0,379** | 0,248 | 0,161 |
| **Аналитик** | | | | 1 | 0,320* | 0,392** |
| **Реалистик** | | | | | 1 | 0,358* |
| **Лабиллик** | | | | | | 1 |

**** $p<0,01$; * $p<0,05$.**

таълим босқичлари бўйича индивидуал ёндашувни амалга оширишда айрим хусусий масалаларга ойдинлик киритишни тақозо этди. Биринчи босқич субъектларида интеллектнинг “синтетиклик” хусусияти “прагматиклик”, “реалистик”, “лабиллик” билан ижобий муносабатларни намоён қила олмади. Бундан шу нарса кўринадики, ўқувчиларнинг умумтаълим фанлари билан бир қаторда касбий фаолиятига кириб

боришидаги ёки янги таълим муассасаси билан боғлиқ ижтимоий муҳитнинг ўзгариши ҳамда мослашув жараёнининг қийин кечиши масаланинг бундай кўриниш олишга сабаб бўлиб қолаётгандек тарзда воқеликни акс эттирди. Бу ҳолат уларни ўрта умумтаълим мактабидан ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига ўтиш жараёнидаги узвийликни таъминлашда таҳсил олувчиларнинг ижтимоий мослашуви масаласини психологик жиҳатдан ўрганиш лозим, деган мулоҳазани келтириб чиқармоқда. Масаланинг бу жиҳатлари алоҳида тадқиқот предмети бўлишига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ, деб ҳисоблаймиз.

Ўқувчиларнинг интеллектуал хусусиятларини таққослаганда, улар таълим жараёнида “ғоявийлик” билан “лабиллик”ни (r=0,127); “прагматиклик” билан “лабиллик”ни (r=0,161) боғлай олмаётганликлари кузатилди. Бу эса, бизнинг коллеждаги таълим жараёнини ташкил этиш билан ўқувчиларнинг ўзини ўзи шахс сифатида камол топтиришда мутаносиблик кўзга ташланмаган, деган хулосага олиб келмоқда. Демак, таълим жараёнида ўқувчиларнинг ўзлаштиришида уларнинг индивидуал хусусиятлари билан ижтимоий муносабатлари ўртасида мутаносибликни таъминлаш муаммоси ҳам кўндалак бўлиб қолмоқда. Бундан шу нарса кўринадики, таълим жараёнида ўқувчиларнинг интеллектуал ўсишини таъминлаш учун қисқа муддатли психокоррекцион дастурни ўзи билан чекланиб бўлмас экан, чунки бунинг учун коллеж психологи ва педагоглари “консилиуми” хулосалари асосида уларни белгиланган меъёрдан ўқув фаолиятида ортда қолишларининг индивидуал режаларини тузиш ҳам шарт эканлигидан далолат бермоқда.

Шакллантирувчи экспериментдан кейинги ўқувчиларнинг интеллектуал хусусиятларини баҳолаш сифатлар орасида изчил боғланишга эришган ҳолатлар ҳам етарли даражада. Биз юқорида ўқувчилар характерининг интеллектуал хусусиятларини умумий шакллантирилган ҳолатини таҳлил этган бўлсак, уларнинг алоҳида таълим босқичлари бўйича ўсиш

динамикасига ҳам эътибор қаратиш лозим, деган хулосага ҳам келдик (3.2.4-, 3.2.5-, 3.2.6-жадваллар).

Биз бир нарсани эътироф этишимиз керакки, кўпинча ўқувчиларга таълим жараёнида йўналиш беришда ўқитувчиларнинг фаолсизлиги ёки ўқувчилар психологиясига хос жиҳатларни таҳлил этиш маҳоратининг етишмаганлиги туфайли ақлий ривожланишда сустликларни келтириб чиқармоқда. Чунки, бизнинг психологик тренинг дастурларимиз, ўқувчиларнинг ўз устида ишлашига, уларнинг фикрлашида рўёбга чиқмаган айрим жабҳаларни юзага чиқишига сабаб бўлди.

Ўқувчиларнинг барча босқичлар бўйича натижаларида ижобий ўзгаришларни кузатиш имконига эга бўлдик. Биринчи босқич ўқувчиларида синтетик тафаккурлаш стили ўз ўрнида “ғоявий” фикрлаш ($r=0,515$, $p<0,05$), прагматик ($r=0,374$, $p<0,05$) билан ўзаро алоқадорликни таъминлашга

3.2.4-жадвал

**1- босқич ўқувчилари шакллантирувчи экспериментда интеллектуал хусусиятлари бўйича корреляцион боғланиш кўрсаткичлари**

| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **Синтетик** | **1** | **0,420**** | **-0,035** | **0,374*** | **0,109** | **-0,033** |
| **Ғоявий** | | **1** | **0,284** | **0,289*** | **0,248*** | **0,356*** |
| **Прагматик** | | | **1** | **0,016** | **0,086** | **-0,009** |
| **Аналитик** | | | | **1** | **0,380*** | **0,448**** |
| **Реалистик** | | | | | **1** | **0,425**** |
| **Лабиллик** | | | | | | **1** |

*** p<0,05.**

эришган. Бу ўқувчиларда ўзида нуқтаи назарни шакллантириш билан бир қаторда, уни амалий жиҳатдан бевосита тажрибаси асосида, материаллар ва ахборотларга таяниб иш тутиши муҳимлигини англанганликни билдиради.

Уларнинг “ғоявий” фикрлашга мойиллари эса аналитиклик ($r=0,289$, $p<0,05$), реалистик ($r=0,248$, $p<0,05$) ҳамда тафаккур лабиллигига ($r=0,356$, $p<0,05$) ҳам эришиш муҳимлигини кўрсатмоқда. Ғоявийлик ўқувчи

тафаккурлашининг бир бўғини бўлиб, у таълим жараёнида ақлий актларнинг бошқа шаклларини ҳам ўзида шакллантира олиши оқибатда амалий таҳлилчанлик, тажрибаларга таяниш, далил ва исботлар асосида, воқеликка аниқлик билан ёндашув муҳимлигини тушунишга олиб келди, десак бўлади. Биз томонимиздан шаблонсиз, мақсадли ва муаммога амалий ёндашув усулларини шакллантиришга қаратилган психотренинг машқлари сабабсиз танланмаганлигини кўрсатмоқда. Аммо биринчи босқич ўқувчиларида прагматик тафаккурлаш стили бошқалари билан боғланиш ҳосил қилмаганлиги таълим жараёнига энди қадам қўйганлиги ва янги муҳитда мослашиш уларнинг амалий кўникмаларини шакллантирган ҳолда мулоҳазалашлари учун вақт талаб этишидан далолат бераётгандир.

Уларнинг аналитик ва реалистик тафаккурлаш стиллари эса бир-бири билан ($r=0,380$, $p<0,05$) ҳамда интеллектнинг лабиллиги билан ижобий боғланишни ($r=0,448$, $p<0.01$, $r=0,425$, $p<0.01$) шакллантира олган. Албатта, интеллектда таҳлилчанлик ўз навбатида воқеликка фактларга таяниб иш тутиш, айнан муаммога ижобий ёндашуви ва унинг гувоҳи бўлиши муҳимлигини тушунтиришга имкон берганга ўхшайди. Реалистик тафаккур эгалари муаммога аниқлик билан ёндашишни маъқул кўришади ва бу борада дастлабки босқич ўқувчилари ўзларида ишончли кўникмаларни шакллантиришга шайликларидан далолат беради.

Иккинчи босқич ўқувчиларида эса биринчи босқичдагидан фарқли ўлароқ синтетик “ғоявий” тафаккурлаш ($r=0,773$, $p<0.01$), “прагматик” ($r=0,709$, $p<0.01$), “аналитик” билан ($r=0,789$, $p<0.01$) юқори ижобий корреляцион муносабатларни ҳосил қилган. Бу эса, уларни тафаккур қилиш ўқув жараёнидаги муаммолар ва ҳаётий муаммоларда ақлий актларни турли вазиятларга тушганда ечимни қандай топишдир. Фикрнинг оригиналлигига эришиш муҳимлигини тушунганлик оқибатидир. Аммо уларнинг реалистик тафаккурлаш стилини шакллантиришда пасайишга ($r=-0,380$, $p<0,05$) йўл қўйганликлари психологик тренинг машғулотларида айрим машқларни

тушунишда нуқсонларга йўл қўйилганлиги оқибати, дейишимизга асос бўлади.

Шунингдек, уларда тафаккурлаш стилларининг барча жабҳалари ўртасида деярли ижобий муносабатлар шаклланганлиги тадқиқотда ишлаб чиқилган психологик шакллантириш машғулотларининг ютуғидан биридир. Уларда ғоявий тафаккурлаш (r=0,449, p<0,05, (r=0,559, p<0,05, (r=0,640, p<0,05), прагматикликда (r=0,892, p<0.01, r=0,402, p<0,05),

3.2.5-жадвал

**2 -босқич ўқувчилари шакллантирувчи экспериментда интеллектуал хусусиятлари бўйича корреляцион боғланиш кўрсаткичлари**

| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **Синтетик** | **1** | **0,773**** | **0.709**** | **0,789**** | **-0,535*** | **-0,022** |
| **Ғоявий** | | **1** | **0,449*** | **0,559*** | **0,640*** | **-0,163** |
| **Прагматик** | | | **1** | **0,892**** | **0,402**** | **0081** |
| **Аналитик** | | | | **1** | **0,414**** | **0,464**** |
| **Реалистик** | | | | | **1** | **0,396*** |
| **Лабиллик** | | | | | | **1** |

**** p<0,01., * p<0,05.**

аналитикликда (r=0,414, p<0,05, r=0,464, p<0.01), реалистикликда эса (r=0,396, p<0,05) юқори боғланишни шакллантирилганлигини қувонч билан қабул қилиш лозим. Демак, ўқувчиларнинг ақлий ҳаракатларини ривожлантириш борасидаги уринишлар натижасиз қолмаслиги ва уларнинг шахсий сифатлари айланиб боришини таъминлашга хизмат қилишни унутмаслигимиз лозим. Икки босқич ўқувчилари сингари учинчи босқичда ҳам ўзига хос натижалар қўлга киритилганлигини гувоҳи бўламиз.

Деярли учинчи босқич ўқувчилари натижаларининг барчаси орасида ҳам юқори, ҳам ижобий ички боғлиқликни таъминлашга эришилган, десак хато бўлмайди. Бу ўқувчиларнинг таълим босқичида ўсиши, уларнинг шахс сифатида шаклланиши, ҳаётий тажрибаларининг ортганлиги ва ўзларини

таълим ҳамда турмушнинг кейинги босқичларига тайёрлаш установкаларининг мавжудлиги туфайли ҳам ақлий актларида ижобий ўзгаришларга эришганлар, дея оламиз (3.2.6-жадвал).

Шуни айтиб ўтишимиз керакки, ўқувчилар характерида интеллектуал хусусиятларни шакллантириш жараёнидаги нуқсонларни бартараф этишга қаратилган психокоррекцион дастуримиз якунлари, ўз навбатида, уларнинг ижтимиоийлашуви масалаларига ҳам эътибор қаратишга, уни тўлақонли ҳал этишга хизмат қилиши мумкин, деган тахминни келтириб чиқарди. Биз ўз тадқиқотимизда ўқувчиларнинг ижтимоий шаклланиши билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратмадик. Чунки мазкур воқелик тадқиқотимизнинг

3.2.6-жадвал

**3-босқич ўқувчиларининг шакллантирувчи экспериментда интеллектуал хусусиятлари бўйича корреляцион боғланиш кўрсаткичлари**

| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **Синтетик** | **1** | **0,393*** | **0,793**** | **0,507**** | **0,465*** | **0,339*** |
| **Ғоявий** | | **1** | **0,578**** | **0,470*** | **0,189** | **0,433*** |
| **Прагматик** | | | **1** | **0,477*** | **0,385*** | **0,482*** |
| **Аналитик** | | | | **1** | **0,391*** | **0,425*** |
| **Реалистик** | | | | | **1** | **0,082** |
| **Лабиллик** | | | | | | **1** |

**** p<0,01., * p<0,05.**

мақсад ва вазифаларига киритилмаган эди. Келажакда ўқувчилар характерида иродавий ва интеллектуал хусусиятларининг шаклланиши муаммосини нафақат педагогик-психологик жиҳатдан, балки ижтимоий-психологик жиҳатдан ўрганиш мақсадга мувофиқ, деган хулоса чиқариш билан чекланамиз, холос. Тажриба-синов натижаларидан шу нарса аён бўлдики, уларнинг иродавий ва интеллектуал хусусиятларини ривожлантириш мақсадида ташкил этилган психокоррекцион “ҳаракат дастури” ўқувчиларнинг ўзларини мустақил бошқариш учун шахсий фаолиятида ижобий ўзгаришлар олиб киришга сабаб бўлди. Бу ўринда характернинг ҳар

иккала тоифасига тааллуқли хусусиятлари натижалари орасидаги корреляцион боғлиқлик ижобий тўғри боғланишлар бўйича ҳосил қилганлигини аниқлашга эришдик.

Биз тадқиқотимизнинг шакллантирувчи босқичи машғулотларидан келиб чиққан ҳолда текширилувчиларимизнинг характерида иродавий ва интеллектуал хусусиятлари орасидаги муносабатларни ўрганишга ҳаракат қилдик. Характер хусусиятларининг шаклланиши жараёнида интеллектуал ва иродавий хусусиятларнинг ўзаро алоқадорликда ҳукм суриши, кечиши, бир-бирини тўлдириши ва бойитиши муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда шакллантирувчи тажриба-синовда олинган натижаларнинг ўзаро корреляцион боғланишларига эътибор қаратган ҳолда айрим илмий маълумотларни қўлга киритишга муваффақ бўлдик.

Ўқувчиларнинг иродавий хусусиятларидаги сифат ўзгаришлар уларнинг интеллектуал хусусиятларида ижобий жиҳатлар, хислатлар вужудга келишига таъсир кўрсатмасдан қолмас экан, албатта. Ўқувчиларда “умумий ирода кучи”нинг ўсиши уларда ўз нуқтаи назарини ҳимоя

3.2.7-жавдал

**Педагогика коллежи ўқувчиларида характернинг иродавий ва интеллектуал хусусиятлари орасидаги корреляцион боғланишлар**

| | **Ғоявий** | **Прагматик** | **Аналитик** | **Реалистик** | **Лабиллик** |
|---|---|---|---|---|---|
| **Иродалилик** | 0,322* | -0,001 | 0,268* | 0,264* | 0,477** |
| **Сабр-тоқатлилик** | 0,047 | 0,078 | 0,236* | 0,258* | 0,092 |
| **Қатъиятлилик** | 0,111 | 0,463** | 0,309* | 0,030 | 0,054 |
| **Тиришқоқлик** | 0,291* | 0,384* | 0,240* | 0,230* | 0,219* |

** $p<0,01$, * $p<0,05$.

қилишни, эътиқодга содиқликни –r=0.322, p<0,05, вазиятларни таҳлил этувчанликни –r=0.322, p<0,05, воқеликка реалистик нуқтаи назардан қарашга мойилликни, холисоналикни –r=0.264, p<0,05 ва фикрлашида лабилликнинг ривожланишига сабаб бўлар экан – r=0.477, p<0.01.

Ўз навбатида сабр-тоқатлилик эса аналитик хусусиятлар, ҳар бир амалга оширилиши лозим бўлган вазиятларга нисбатан таҳлилчан муносабатни шакллантиришни – $r=0.236$, $p<0,05$, воқеа-ҳодисалар ва уларнинг ечимларига ҳаққонийлик нуқтаи назаридан баҳолашнинг такомиллашувига олиб келганлигига асосий омил бўлиши мумкин.

Шунингдек, ўқувчилардаги “қатъиятлилик” уларни фикрлаш жараёнига хос прагматик – $r=0.446$, $p<0.01$, аналитик мулоҳаза юритиш ($r=0.309$, $p<0,05$) ўсишини таъминлаш имконига эга бўлар экан.

Ўқувчиларда “тиришқоқлик”нинг ўсиши уларнинг тафаккурида ўз фикрига эга бўлишлик ($r=0.291$, $p<0,05$), муаммоларга нисбатан амалий ва далиллар асосида ёндашувни ($r=0.384$, $p<0,05$), вазиятларга нисбатан таҳлил қилиш ($r=0.240$, $p<0,05$), воқеа-ҳодисалар ва атрофдагиларга нисбатан холислик қандай бўлса, худди шундай тасаввур қилишни, билимларни ўзлаштиришда ўзини намоён эта олишга ($r=0.219$, $p<0,05$) замин яратар экан. Бундан шу нарса кўринадики, ўқувчилар характерида иродавий сифатларнинг ўсиши уларнинг ақлий ривожланишида ижобий ўзгаришларга олиб келишининг асосий омили функциясининг бажариши далилланди.

Юқоридаги эмпирик маълумотлар таҳлилининг кўрсатишича, шакллантирирувчи эксперимент босқичининг ўзида мужассамланувчи психокоррекция дастурини амалиётга татбиқ қилиш педагогика коллежи ўқувчилари характеридаги иродавий ва интеллектуал хусусиятларига тааллуқли заиф томонларни бартараф этишга, айримларини барқарорлаштиришга имкон туғдирди.

## III боб бўйича қисқача хулосалар

1. Педагогика коллежи ўқувчиларида характернинг иродавий (иродалилик, сабр-тоқатлилик, қатъиятлилик, тиришқоқлик) хусусиятларини ўрганишнинг натижалари орасида ишончлилик фарқлари мавжуд бўлса-да, лекин уларнинг бундай кўриншининг асосий сабаби 1-босқич субьектларининг янги таьлим муассасасига мослашиш (адаптация) жараёни давом этаётганлиги, шахсга мустақил ишлаш учун зарурат туғилиши ва бошқалар.

2. 1- ва 2-босқич қонтингентларида педагогика коллежининг таьлим тизимига мослашиб улгурганлиги Зейгарник феномени улар томонидан эгалланганлиги ўқувчилар ўзларини шахс сифатида намоён этиши фаоллашувини келтириб чиқаришнинг натижасидир.

3. 1-босқич ўқувчиларида умумий иродавийлик кучи ва иродавий хусусиятларининг шаклланганлиги кўрсаткичини корреляция муносабатларида ижобий боғланишлар, бир-бирини тақозо этувчи омиллар кузатилмади. Лекин бир марта “сабр-тоқатлилик” билан “қатьиятлилик” ўртасида тескари муносабат r= 0,542 ва ишончлилик даражаси P<0,01 кузатилди, холос.

4. 2-босқич ўқувчилари натижаларини таҳлил қилсак, унда 1-босқичга ўхшаш ва фарқли ҳолатлар мавжуддир. Уларда умумий иродавийлик қатьиятлиликни кувватловчи бўлиб хизмат қилса-да (r= 0,386 ва ишончлилик даражаси P< 0,01), бироқ 1-босқич субьектларига ўхшаш “сабр-тоқатлилик” билан “қатьиятлилик” орасида мутаносиблик акс этмаган: r=0,470 ва ишончлилик P<0,01 қийматга баравар.

5. 3-босқич ўқувчиларида умумий ирода кучи “қатьиятлилик” билан мос ижобий боғланишга эга бўлган бир шароитда r=0,519 ва ишончлилик P<0,01

“сабр-тоқатлилик” билан “қатъиятлилик” ўртасида номутаносиб боғланиш борлиги аниқланди, жумладан: r=0,340 ва P<0,05.

6.Ўқувчиларда интеллектуал (синтетик, ғоявий, прагматик, аналитик, реалистик, лабиллик ) хусусиятлар шаклланганлигини баҳолашда қуйидаги қорреляция коэффицентлари аниқланди: “синтетик хусусиятлар “ғоявий”: r = -0,652, P<0,01; “ғоявийлик” уларнинг “амалиётчилик” хусусиятларини тақозо этмоқда: “прагматик” – r=0,391, P<0,01; “аналитик” - r=0,574, P<0,01; прагматик фикрлаш ”аналитик” – r=0,328, P<0,01 ва“реалистик” – r =0,431, P<0,01; “аналитик” тафаккур “лабиллиги” билан тескари корреляцияга эга r = – 0,286, P< 0,05.

7. Шакллантирувчи экспериментларда амалга оширилган тадбирлар натижасида ижобий ўзгаришлар вужудга келди. Жумладан, ўқувчилар тафаккуридаги “синтезлаш ” жараёни “ғоявийлик” билан – r =0,357, P<0,05; “прагматиклик” билан - r =0,422, P<0,01; “аналитик” билан – r = 0,311, P< 0,05; “ғоявийлик” билан – r =0,357, P<0,05; ва “реалистик” билан - r = 0,269, P<0,05 ва “лабиллик” билан эса r = 0,350, P< 0,05 кўринишидаги ижобий корреляцион боғланишлар намоён бўлади. Улар характернинг интеллектуал хусусиятлари орасидаги дастлабки ижобий ички мувофиқлиги ва уйғунлашувини таьминлаш таьлим субьектларининг ўқишга нисбатан шахсий позициялари ўзгаришига олиб келди.

8. Ўқувчилар характерининг иродавий хусусиятларидаги сифат ўзгаришлар уларнинг интеллектуал сифатларида ижобий жиҳатлар вужудга келишига катта таьсир кўрсатар экан. Уларда “умумий ирода кучи”нинг ўсиши, субьектларда шахсий нуқтаи назарини ҳимоя қилишни, эьтиқодга содиқликни – r = 0,322, P< 0,05, вазиятларни таҳлил этувчанликни – r = 0,322, P< 0,05, воқеликка реалистик қарашга мойилликни, холисоналикни – r = 0,264, P<0,05 ва фикрлашда мойилликнинг ривожланишига сабаб бўлар экан. (r = 0,477, P<0,01). Шунингдек, ўқувчилардаги “қатьиятлилик” уларни фикрлаш жараёнига хос “прагматик” – r = 0,446, P<0,05, “аналитик” мулоҳаза юритиш (r = 0,309, P<0,05) ўсишини таьминлашга хизмат қилиши тажриба-синовда далилланди.

# ХУЛОСАЛАР

Ўрта махсус таълим тизимида ўқувчиларнинг миллий-маданий характери хусусиятларини ҳисобга олмасдан туриб, миллий таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш, мустақил, ижодий фикрловчи, маънавияти мукаммал шахсни шакллантириш мумкин эмас. Мазкур мавзуга бағишланган тадқиқотимизнинг натижасида таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг характерида интеллектуал-иродавий хусусиятларни шакллантиришнинг психологик асослари, механизмлари, омиллари, қонуниятлари тўғрисидаги фаразларимиз тасдиқланди.

Диссертацион тадқиқот натижалари қуйидагича умумлашган хулосалар чиқаришга имкон яратди.

1. Педагогика коллежи ўқувчилари характерида интеллектуал-иродавий хусусиятларни шакллантирувчи, самарадорлигини таъминловчи, уларда характернинг таркиб топишига салбий таъсир қилувчи педагогик-психологик, ҳиссий-эмоционал, психофизиологик ва худудий омилларни ҳисобга олиш ҳам назарий, ҳам амалий хусусиятга эга бўлган материалларни типларга ажратишга имкон туғдирди.

2. Тадқиқотда тўпланган маълумотлар таҳлилининг кўрсатишича, узоқ тарихга эга бўлган ўзбек халқининг ижтимоий-маданий муҳити, турмуш тарзи, маданияти, таълим-тарбияси, миллий онги ва ўз-ўзини англаши, қадрияти, миллий характери ўзига хослигини ўрганиш таълим-тарбия жараёнида педагогика коллежи ўқувчилари характерида интеллектуал-иродавий хусусиятларни шакллантиришнинг психологик механизмларини аниқлашга негиз ҳозирлади.

3. Замонавий таълим ва тарбиянинг инсон камолотидаги ўрни, ўқув жараёнини ташкил этиш ва бошқариш қонуниятлари, ўқитувчи намунаси, унинг психологик таъсир ўтказишига қўйиладиган талаблар

акс этган муқаддас манбалар, халқ оғзаки ижоди, мутафаккирлар ва маърифатпарварлар таълимоти педагогика коллежи ўқувчиларида характер хусусиятларини шакллантиришда самарали материал, объектив ва субъектив омилларнинг яққол манбаи сифатида хизмат қилди.

4. Педагогика коллежи ўқувчилари характерида интеллектуал-иродавий хусусиятларни шакллантиришнинг ҳозирги ҳолатини аниқлаш учун тадқиқот методикалари танланганлиги ва бир неча босқичда амалга оширилганлиги натижасида: дастлабки босқичда муаммонинг психологик моҳиятини таҳлил қилишга, ташхис этишга шаклланганлик даражасини аниқлашга имкон берди, уларнинг ўзига хослиги, фарқлари психологик тавсифланди. Унинг иккинчи босқичида ўқувчиларда характер хусусиятларини шакллантиришни оптималлаштириш воситалари самарадорлиги намоён бўлди, тренинг машғулотлари таъсирчанлиги далилланди; охирги босқичда ўқувчиларда характернинг интеллектуал-иродавий хусусиятларини шакллантиришнинг ўзига хослиги, ёш даврлари хусусиятлари юзасидан қонуниятлар, механизмлар кашф қилинди ва тавсифланди.

5. Тадқиқотимиз натижаларининг кўрсатишича, шахс камолотини белгиловчи мезонларга кўра, ўқувчи характерининг интеллектуал-иродавий хусусиятлари ривожланиши ёш хусусиятига, хулқ-атвор шаклларига, жамоадаги психологик муҳитга, қадриятга йўналганлик бирлигига боғлиқ тарзда шаклланишда тафовутларни вужудга келтиради.

6. Ўқувчиларнинг ўзини шахсан бошқара олмаслиги билан уларнинг қатъий ўзига хос назарий мулоҳаза юритиш кўникмаларининг шахсий фазилатлар тарзида шаклланишига имконият бермайди. Бу сўзсиз

уларнинг иродавий хусусиятлари билан интеллектуал сифатлари орасида яққол ижобий боғланишга олиб келинмаганлигидан далолат беради.

7. Ўқувчилар характеридаги иродавий хусусиятларни аниқловчи ва шакллантирувчи босқичида ҳам “сабр-тоқатлилик” “тиришқоқлик” билан ички боғлиқликни намоён қилмади. Бу ҳолатни ўқувчилар ўзларида сабр-тоқатлилик орқали ҳар хил эмоционал зўриқиш, стресс, депрессия ва муаммоли шароитларга нисбатан “толерантликни” шакллантириш билан чекланишлари, уларда тиришқоқлик билан ўзаро шахс хусусиятларининг уйғунлашувига тўсиқ бўлади.

8. Биринчи босқич субъектларида интеллектнинг “синтетиклик” хусусияти “прагматиклик”, “реалистик”, “лабиллик” билан ижобий муносабатларни намоён қила олмади. Бундан шу нарса кўринадики, ўқувчиларнинг умумтаълим фанлари билан бир қаторда касбий фаолиятига кириб боришидаги ёки янги таълим муассасаси билан боғлиқ ижтимоий муҳитнинг ўзгариши ҳамда мослашув жараёнининг қийин кечиши масаланинг бундай кўриниш олишга сабаб бўлиб қолаётгандек тарзда воқеликни акс эттирди.

9. Аниқловчи ва шакллантирувчи эксперимент натижалари бўйича қиёсий таҳлил, иродавий хусусиятларни шакллантиришда учрайдиган нуқсонларни бартараф этиш сингари характернинг интеллектуал сифатларини ўстиришда ҳам бирмунча ижобий кўрсаткичларга эришилди. Аниқловчи босқичдаги ўқувчиларнинг интеллектуал хусусиятлари орасидаги корреляция коэффициентлари уларнинг “ғоявийлик” хусусиятида ижобий муносабатларни акс эттирган бўлса, дастурни татбиқ этиш натижада уларнинг бир қатор хусусиятлари орасида ишончли корреляцион боғланишларни кузатишга эришилди

10. Ўқувчилар характерида интеллектуал хусусиятларни шакллантириш жараёнидаги нуқсонларни бартараф этишга қаратилган психокоррекцион дастур якунлари, ўз навбатида, уларнинг ижтимоийлашуви масалаларига ҳам эътибор қаратишга, уни тўлақонли ҳал этишга хизмат қилиши мумкин, деган тахминни келтириб чиқарди. Келажакда ўқувчилар характерида иродавий ва интеллектуал хусусиятларининг шаклланиши муаммосини нафақат педагогик-психологик жиҳатдан, балки ижтимоий-психологик жиҳатдан ўрганиш мақсадга мувофиқ.

## Тавсиялар

Ўқитувчи ўқувчи шахсининг шаклланишида ташкилотчи ва бошқарувчисидир. Худди шу боис, у доимо ушбу функцияни инобатга олган ҳолда шахслараро муносабатларда иштирок этиши, уни назорат қилиши ва бошқариши лозим. Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда ўқувчиларнинг характерида интеллектуал-иродавий хусусиятларни шакллантиришни оптималлаштириш бўйича қуйидаги тавсиялар бериш мумкин.

1. Педагогика коллежи ўқувчилари характерида интеллектуал-иродавий хусусиятларни шакллантиришда қийинчиликлар учраши табиий. Бу ҳолатни бартараф этувчи асосий субъектлардан бири ўқитувчи шахсидир. Ўқитувчи аввало, муомала психологиясининг қонуниятларини, ўқувчилар психологиясига доир билимларни ўзлаштириши, тажриба орттириши орқалигина уларда ижобий характер хусусиятларини шакллантиради, холос. Ўқитувчининг шахсий ва касбий камолоти муаммоси унинг диққат марказида туради. У назарий билимларни малака ошириш босқичларида, мустақил ўз устида ишлашида эгаллаши мақсадга мувофиқ.

2. Ўқитувчилар билан ўқувчиларнинг шахслараро ишончли муносабат, хайрихоҳлик, самимийлик, ҳурмат шаклланишида психологик таъсир кўрсатиш самараларини, ютуқ ва камчиликларини ажрата олиши лозим. Ўқитувчининг ўқувчиларда ижобий характер хусусиятларини шакллантиришда тушунмовчиликлар, баъзи ҳолатларда муаллимнинг салбий таъсир кўрсатиши, шогирдига бегоналардек муносабатда бўлиши, ёмон кайфияти билим олувчиларнинг индивидуал-психологик хусусиятлари билан боғлиқ руҳий тўсиқларга дуч келишини олдиндан ҳисобга олиши зарур. Ўқитувчи ўқувчида характер хусусиятларини шакллантиришга тўсиқ бўлувчи руҳий-эмоционал ҳолатлар устида бош қотириши ва ўз устида ишлаши жоиз.

3. Ўқувчилар характерида ижобий хусусиятлар шаклланишида атрофдаги кишилар билан симпатия, антипатия ва эмпатия муҳим аҳамиятга эга. Ўқитувчиларнинг педагогик тактидаги моҳирлик, муомаладаги назокатлилик муносабатлар шароитида манфаатлардаги фидоийлик унга нисбатан симпатия шаклланишига туртки сифатида хизмат қилади. Аксинча, ўқувчиларнинг муаммоларини тушуна олмаслик, унинг туйғулари билан ҳисоблашмаслик, психикасидаги ҳолатларни адекват идрок эта олмаслик антипатия манбаига айланади. Уларда характер хусусиятларини шакллантиришда муомала ва муносабатнинг эмоционал жиҳатларини алоҳида эътиборга олиш мақсадга мувофиқ.

4. Ўқувчиларда характернинг интеллектуал-иродавий хусусиятларини шакллантиришни оптималлаштириш усулларидан бири - педагогика коллежи ўқувчиларида тренинг машғулотларини ўтказиш зарур эканлигини инобатга олган ҳолда барча педагогик коллежларда психологлар билан ҳамкорликда махсус психологик тренингни ўтказиш ва психокоррекциялаш технологияси билан таништириш шарт.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ


1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2003. - 38 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни, 1997 йил 29 августда қабул қилинган. //“Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиёти пойдевори” – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни, 1997. – 20-29 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. – Тошкент: 1997.
4. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан. №5 от 5 января 1998г. “О разработке и введении государственных образовательных стандартов для системы непрерывного образования”.
5. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 1993. - 74 б.
6. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган нутқи, - Тошкент: “Шарқ”, 1997. – 3-20, 48 б.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1997. - 35 б.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 1998. - 35 б.
9. Каримов. И.А. Баркамол авлод орзуси. – Тошкент: “Шарқ”, 1998. – 182 б.
10. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Тошкент: “Ўзбекистон”,1998. -12-15 б.
11. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз.- Тошкент: “Ўзбекистон”, 2001. – 432 б.
12. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2008. -50-63 б.

13. Абдуллаева Ш.А. Ўспиринларнинг тарбияланганлик даражасини диагностика қилиш ва хулқидаги нуқсонларни коррекциялашнинг педагогик асослари: Педагогика фанлари доктори даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -ЎЗПФИТИ, 2005. -15-20 б.
14. Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. 5 жилдлик сайланма. 4-жилди. – Тошкент: “Халқ мероси”, 1993. -300-304 б.
15. Абу Муҳсин Боқир ибн Муҳаммад Али. Баҳоуддин Балогардон. Форсийдан таржима. Сўзбоши ва луғат муаллифи Маҳмуджон Маҳдум Ҳасанжон Маҳдум ўғли. -Т.: “Ёзувчи”, 1998. -78-б.
16. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: “Абдулла Қодирий”, 1993. -224-б.
17. Абул Мухсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Баҳоуддин Балогардон. -Т.: “Ёзувчи”, 1993. -75-95-б.
18. Абраменько В.И. Психология характера школьников подросткового возраста. Киев: 1974. -47-51 с.
19. Абульханова-Славская К.А. Личностный аспект проблемы общения. -В кн: Проблемы общения в психологии.- Москва: 1981. -218-240 с.
20. Абульханова-Славская К.А. Деятельность и психология личности. М.: Наука, 1982. – 33-58 с.
21. Авесто. //Санъат. – Тошкент, 1992. - № 3. – Б.12–15.
22. Алишер Навоий. Маҳбуб-ул-қулуб. Асарлар. 15-жилдлик, 13-жилд. -Т.: “Адабиёт ва санъат нашриёти”, 1966. - 160-б.
23. Амонашвили Ш.А. Обучение, оценка, отметка // Сер. Педагогика и психология, № 10, М.: Знание, 1980. – С.80-96.
24. Ананьев Б.Г. Избранные психологические труды. В 2-х томах. М.: 1980. -10-110 с.
25. Ананьев Б.Г. Проблемы формирования характера. Л.: 1949. - 20-98 с.
26. Ананьев Б.Г. Человек как предмет познания. Л.: ЛГУ, 1969. - 33-80 с.
27. Андреева И.Н. Предпосылки развития эмоционального интеллекта. //

Вопросы психологии. 2007, - № 5. – С.57-66.

28. Андреева И.Н. Эмоциональный интеллект: исследования феномена. // Психологический журнал, - М.: 2006. № 3. –С.78-87.
29. Андрушенко Т.Ю. Психологические условия формирования самооценки в младшем школьном возрасте // Автореф. дис. канд. пед. наук. - М.: 1978. – 28-32 с.
30. Анисимов С.Ф. Мораль и поведение. М.: 1978. - 20-48 с.
31. Антонов Д.В. Формы нравственных переживаний // Вопросы психологии. –М.: 1958. №2. – С.48-52.
32. Анцыферова Л.И. Некоторые теоретические проблемы психологии личности // Вопросы психологии. – М.: 1978. №1. – С.35-40.
33. Анцыферова Л.И. К психологии формирования и развития личности. Москва: 1981. - 38-78 с.
34. Анцыферова Л.И. К психологии личности как развивающейся системы // Психология формирования и развития личности. М.: 1981. – 3-19 с.
35. Аристотель. Поэтика. СПб.: 1908. - 3-19 с.
36. Асеев В.Г. Мотивация поведения и формирования личности – М.: Мысль, 1976. – 15-70 с.
37. Асмолов А.Г. Личность как предмет психологического исследования. М.: Педагогика, 1984. - 13-89 с.
38. Батурин Н.А., Курчанский Н.А. Универсальная методика для изучения уровня и структуры интеллекта. // Вопросы психологии. 2005. № 5. – С.131-140.
39. Белопольская Н.Л. Проблемы психологического консультирования детей с отклонениями в развитии/В кн. Психодиагностика и коррекция детей с нарушениями и отклонениями развития., - СПб.: 2002.
40. Белопольская Н.Л. Возрастные особенности оценки и самооценки некоторых личностных качеств в I классе // Теоретические прикладные проблемы психологии познания людьми друг друга. Краснодар: 1975.

-168-169 с.

41. Беруний. Минералогия. –Ленинград: 1963. -21 с.
42. Блонский П.П. Личность ребенка и воспитание// Психология и дети. -М.: 1917. № 1. – С.15
43. Бобнева М.И. Социальные нормы и регуляция поведения. -М.: 1978. -13 с.
44. Бодалев А.А., Шорохевич Е.В. Психологические проблемы формирования нового человека // Психологический журнал. 1983, № 6. – С. 20-30.
45. Бодалев А.А. Психология личности. МГУ.: 1988. – 23 с.
46. Божович Л.И., Славина Л.И. Психическое развитие школьника и его воспитание // Сер. Педагогика и психология. -М.: 1979. № 12, -С. 42-56
47. Божович Л.И. Этапы формирования личности в онтогенезе // Вопросы психологии. 1978. № 4.
48. Божович Л.И. Изучение личности школьника и проблемы воспитания // Психологическая наука в СССР. М.: 1960.
49. Божович Л.И. Личность и её формирование в детском возрасте. -М.: Просвещение, 1968. - 64 с.
50. Боришевский М.И. Развитие саморегуляции поведения школьников.// Автореф. дис. канд. пед. наук. -М.: 1992. – 25 с.
51. Бороздина Л.В., Видинска Л. Притязания и самооценка// Вестник МГУ - Сер. 14 - Психология, 1986. № 3. - С.15-23.
52. Бороздина Л.В., Рудова С.В., Соломина Л.В. Самооценка и возраст// Категории, принципы и методы психологии. Психологические процессы // Тезисы научных сообщений современных психологов VI Всесоюзного съезда общества психологов СССР. -М.: 1983. - С. 427-428.
53. Будасси С.А. Самооценка личности// Практические задания по психологии. -М.: 1972. - 30-37 с.
54. Валлон А. Психическое развитие ребенка -М.: Просвещение, 1967. –78 с.
55. Василюк Ф.Е. Психология переживания. -М.: МГУ, 1984. – 200 с.
56. Вдовина Н.Р. Динамика нравственного развития личности студента. //

Человек и общество. Высшая школа. Л., 1973. – С.98.

57. Вилюнас В.К. Психология эмоциональных явлений. -М.: Изд. МГУ, 1976. – 143 с.
58. Вопросы психологии нравственного развития школьников. -М.: Высшая школа, 1962. –123 с.
59. Выготский Л.С. Собрание сочинений. Т. 5. Основы дефектологии// под ред. Т.А. Власовой. – М.: Педагогика, 1983. – 368 с.
60. Выготский Л.С. Развитие высших психических функций – М.: 1960. – 598 с.
61. Выготский Л.С. Избранные психологические исследования. М.: Изд-во АПН РСФСР, 1960. – 519 с.
62. Выготский Л.С. Собрание сочинений. Т. 2. – М.: Педагогика, 1984. – 489 с.
63. Гальперин П.Я. Психология мышления и учение о поэтапном формировании умственных действий // Сб. Исследования мышления в советской психологии. – М.: Наука, 1966. – 120 с.
64. Гамезо М.В., Петрова Е.А., Орлова Л.М. Возрастная и педагогическая психология. Учебное пособие для студентов всех специальностей педагогических вузов. – М.: Педагогическое общество России, 2003.
65. Гаппиров Б.Т. Динамика развития нравственного самосознания личности студента в процессе обучения. -Т.: 1993.
66. Гиппенрейтер Ю.Б. История психологии. -М.: Мысль, 1985.
67. Голубева А.Н. Психологические особенности проявления настойчивости у детей дошкольного возраста// Автореф. дис. канд. психол. наук. М.: 1955. - 26 с.
68. Гоноболин Ф.Н. Воля, характер, деятельность. Минск: «Норсовета», 1966.
69. Горбачева В.А. К вопросу формирования оценки и самооценки у детей // Известия АПН РСФСР. Вып. 18, 1948.
70. Гришин В.В., Лушин П.В. Методики психодиагностики в учебно-воспитательном процессе. Москва: 1990.

71. Гуревич К.М. Развитие волевых действий у детей младшего школьного возраста // Автореф. дис. канд. психол. наук. М.: 1940. - 25 с.
72. Гускова А.В. Роль «Модели психического» при решении мыслительных задач. // Вопросы психологии. 2008. № 1. С-26-35.
73. Давоний, Ахлоқи Жалолий. Форс тилида, ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди, инв.7703,119-б.
74. Додонов В.И. Эмоция как ценность. М.: Политиздат, 1978. - 272 с.
75. Журнал. Вестник МГУ. Серия 14. Психология. №4, 1983.
76. Завражин С.А., Жукова Н.В. Исследования отношения к жизни и смерти у подростков с нарушением интеллекта. // Вопросы психологии. 2006. №2 С-58-68.
77. Занжоний Муҳаммад Нажмий. Ибн Сино ва тадбири манзил. Теҳрон: 1939, ЎзФА Шарқшунослик институти, Китоб фонди, инв. № 11763.
78. Запорожец А.В. Условия и движущие причины психического развития ребенка // Хрестоматия по возрастной психологии – М.: ИПП, 1996. 23 с.
79. Захарова А.В. Генезис самооценки // Автореф. дис. канд. психол. наук, М.: 1989. - 24 с.
80. Зейгарник Б.В. Теории личности в зарубежной психологии. Москва: МГУ, 1982. - 128 с.
81. Зосимовский А.В. Возрастные особенности нравственного развития детей. М.: 1973. 34 с.
82. Ибн Сино. Тиб қонунлари, 1-китоб, Т.: 1954. 20-б.
83. Иванников В.А. Психологические механизмы волевой регуляции. – М.: 1998.
84. Игнатьев Е.И. Психология младшего школьника. М.:Изд. АПН РСФСР, 1960. - 60-97 с.
85. Изард Э.С. Эмоции человека. М.: МГУ, 1980. - 439 с.
86. Ильин Е.П. Психология воли. СПб.: Питер, 2000.
87. Имемадзе Н.З. Тревожность как фактор учения в дошкольном возрасте//

Психологические исследования, Тбилиси: 1966. – 8 с.

88. Искендеров Ж.С. Характернинг интеллектуал жабҳаларини ўрганиш имкониятлари. “Халқ таълими” журнали. Тошкент: 2007. №5. - Б.91-94.

88. Искендеров Ж.С. Новые грани характера. // Вестник Каракалпакского отделения Академии наук Республики Узбекистан. –Нукус: 2007. -№4, С. 130-131.

89. Искендеров Ж.С. Узоқ хориж психологлари ишларида характернинг ўрганилиши. // Илм сарчашмалари. –Тошкент: 2008. -№4, -Б. 98-101.

90. Искендеров Ж.С. Собиқ иттифоқ психологлари ишларида характернинг тадқиқоти. // Илм сарчашмалари. –Тошкент: 2009. -№1, -Б. 47 – 50.

91. Искендеров Ж.С. Аждодларимиз таълимотида характер муаммосининг ўрганилиши. // Ижтимоий-фалсафий фанлар: назария ва амалиёт (илмий-услубий мақолалар тўплами). –Тошкент: 2008. -Б. 98-101.

92. Искендеров Ж.С. Узлуксиз таълим тизимида характернинг иродавий сифатларининг шаклланишини ўрганиш. // Психология XXI аср бошларида (Республика илмий-амалий анжумани материаллари). –Тошкент: 2008. –Б.227-230.

93. Искендеров Ж.С. Иродавий хусусиятлар шаклланишида оиланинг роли. // Оиланинг долзарб муаммолари: устувор вазифалар ва ривожланиш истиқболлари (Республика илмий-амалий анжумани материаллари). –Тошкент: 2008. –Б.148-149.

94. Искендеров Ж.С. Маънавий - тарихий мерос ва миллий характер тараққиёти. // Ёшлар ва ижтимоий тараққиёт. I қисм (Республика ёш олимларининг илмий – амалий конференцияси материаллари тўплами). Тошкент: 2008. – Б. 116-119.

95. Искендеров Ж.С. Ўқувчиларда характер хусусиятларини шакллантиришда психологик тренинг машғулотларининг аҳамияти. // Ўзбекистонда амалий психологиянинг бугунги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари. 1-том. (Илмий анжуман материаллари). Тошкент: 2008. – Б. 128- 130.

96.Ительсон Л.Б. Математические и кибернетические методы педагогики. Москва: 1964.

97. Калина О.Г., Холмогорова А.Б. Влияние образа отца на эмоциональное благополучие и полоролевую идментичность подростков. // Вопросы психологии. 2007. №1, -С-15-27.

98. Капланова М. Психологические особенности личности учителя узбекской школы. Тошкент: 1993 г.

99. Кирай-Деваи М. Формирование функций идеального "Я" в школьном возрасте // Психологические исследования познавательных процессов личности. М.: 1983. - 51-56 с.

100. Ковалев А.Г. Психология личности. Изд. 3. М.: Просвещение, 1969. – 391 с.

101. Ковалев А.Г. Психология личности. Москва: Просвещение. 1975.

102. Ковалев А.Г. Воспитание ума, воли и чувств у детей. Минск: 1994.

103. Ковалев А.Г. Характер и закономерности его формирования. Москва: 1954.

104. Ковалев А.Г., Мясищчев В.Н. Психические особенности человека. Т-II.Характер. Л.: 1960.

105. Комилов Н. Тасаввуф.2-нчи китоб. Тавҳид асрори. Т.: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат ҳамда “Ўзбекистон нашриётлари”. 1999, 4-б.

106. Кон И.С. Категория “я” в психологии // Психологический журнал. 1987. № 3. С. 42.

107. Кон И.С. В поисках себя. Личность и ее самосознание. М.: 1984. – 335 с.

108. Конопкин О.А. Участие эмоций в осознанной регуляций целенаправленной активности человека. // Вопросы психологии. 2006. №3. С.38-49.
109. Костюк Г.С. Принцип развития в психологии// Хрестоматия по возрастной психологии. М.: ИПП. 1996. – 17 с.
110. Костюк Г.С. Некоторые вопросы взаимосвязи воспитания и развития личности// Вопросы психологии. 1956. № 5. – С. 35.
111. Кочубей Б.И., Новиков Е.В. Эмоциональная устойчивость школьника. М.: 1988. - 80-88 с.
112. Краснобаев И.М. Формирование нравственных убеждений у студентов и школьников. Москва: 1960.
113. Крутецкий В.А. Основы педагогической психологии. М.: 1972. – 192 с.
114. Левитов Н.Д. Психическое состояние беспокойства, тревоги // Вопросы психологии. 1969. №1.
115. Левитов Н.Д. Отчего возникает недостатки в характере школьников и как их исправить. Москва: 1961 г.
116. Левитов Н.Д. Вопросы психологии характера. Москва: 1956. 15-95 с.
117. Лейтес Н.С. Об умственной одаренности. Москва: Изд-во АПН РСФСР. 1960.
118. Лейтес Н.С. Умственные способности и возраст. М.: «Педагогика», 1971.
119. Леонтьев А.Н. Проблемы развития психики. М.: Мысль. 1972.- 583 с.
120. Леонтьев А.Н. Деятельность. Сознание. Личность. М.: Политиздат. 1977. – 304 с.
121. Леонтьев А.Н. Индивид и личность // Хрестоматия по возрастной психологии. М.: ИПП, 1966. – с. 71.
122. Леонтьев А.Н. К теории развития психики ребенка // Хрестоматия по возрастной психологии. М.: ИПП, 1996. – с. 5.
123. Леонтьев А.Н. Потребности, мотивы и сознание// Симпозиум XVIII международного психологического конгресса. М.: 1966. – 35 с.

124. Липкина А.И., Рыбак А.А. Критичность и самооценка в учебной деятельности. М.: Просвещение, 1968. - 142 с.
125. Липкина А.И. О нравственной жизни школьника. М.: Знание, 1978. - 120 с.
126. Липкина А.Н. Самооценка школьника. Москва: 1975.
127. Мажидов Н.М. Психологические аспекты профориентационной работы на профессию учитель. Ташкент: 1991.
128. Маматов М.М. Инсон характери ва унинг шаклланиши. Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 1977.
129. Мельников В.М., Ямпольский Л.Г. Введение в экспериментальную психологию личности. М.: 1985. - 319 с.
130. Мерлин В. С. Личность как предмет психологического исследования – Пермь. 1988. – 137 с.
131. Мерлин В.С. Очерки психологии личности – Пермь: 1959. – 130 с.
132. Методики психодиагностики в учебно-воспитательном процессе /Сост. В.В. Гришин, П.В. Лушин. – М.: ИКА «Москва», 1990.
133. Моргулец Л. Методы социальной психологической диагностики личности. Л.: 1990.
134. Моргун В.Ф., Ткачева Н.Ю. Проблема периодизации развития личности в психологии. М.: Педагогика, 1981. – 91 с.
135. Морозов М.Ф. Возникновение и развитие учебных интересов у детей младшего школьного возраста // Известия АПН РСФСР, выпуск 73. 1955.
136. Морозов С.М. Методы психологического исследования личности учащегося. – Киев: УМК ВО, 1992.
137. Моросанова В.И. Индивидуальный стиль саморегуляции в произвольной активности человека. М.: Наука, 1998. №3, -59-68 с.
138. Моросанова В.И. Стилевая саморегуляция поведения человека // Вопросы психологии. 2000, №2, - С.118-127.
139. Моросанова В.И. Индивидуальная саморегуляция и характер человека.

2007, №3, с-59-68.

140. Мустафин А.М. Биологические активные точки и интеллектуальная активность. // Вопросы психологии. 1997. № 1.
141. Мухина В.С. Детская психология // Под ред. А.А. Венгера, 2 изд., М.: Просвещение, 1985. – 272 с.
142. Мясищев В.М. Структура личности и отношение человека к действительности// Доклад для совещания по вопросам психологии личности. М.: 1956. – 42 с.
143. Мясоед П.А. Оценка интеллектуального развития младщих школьников учителем. // Вопросы психологии, 2001. С-89-102.
144. Наследов А.Д.Математические методы психологического исследования. Анализ и интерпретация данных. Учебное пособие. 2 изд., испр.и дополн., -СПБ.: Речь, 2006.
145. Неймарк М.С. Психологический анализ эмоциональных реакций школьников на трудности в работе // В сб. Вопросы психологии личности школьника. М.: Изд. АПН РСФСР, 1961. – 277 с.
146. Немов Р.С. Психология // Кн.1. Общие основы психологии. М.: Просвещение, ВЛАДОС, 1995. - 576 с.
147. Немов Р.С. Психология. Т.2. Учебник для студентов высших педагогических учебных заведений. - М.: Гуманитарный издательский центр ВЛАДОС, 2001. кн.3. Психодиагностика.
148. Немов Р.С. Практическая психология. Москва: Высшая школа. 1998.
149. Норакидзе В.Г. Методы исследования характера личности. Тбилиси: 1989.
150. Нравственное развитие личности школьника. Под.ред. Судакова В.И. и Крутецкого В.А.
151. Нуманов У. Становление устойчивых характеристик самооценки в младшем школьном возрасте. // Автореф. дис. канд. психол. Наук. М.:1987. -27 с.

152. Пиаже Ж. Избранные психологические труды. Психология интеллекта. Генезис числа у ребенка. Логика и психология. М.: 1969. - 61-221 с.
153. Платонов К.К. Проблемы способностей. Москва: 1972.
154. Платонов К.К. Структура и развитие личности. Москва: 1986.
155. Практикум по общей психологии. Учеб. пособие для студентов пед. ин-тов/ Под ред. А.И. Щербакова. – М.: Просвещение, 1990.
156. Практикум по общей, экспериментальной и прикладной психологии / В.Д. Балин, В.К. Гайда, В. К. Гербачевский и др. Под общей ред. А.А. Крылова, С.А. Маничева. – СПб.: Питер, 2007.
157. Практические занятия по психологии/сост. Н.Б. Берхин, С.Ф. Спичак/ Под ред. А.В. Петровского - М.: Просвещение, 1972.
158. Проблемы психологии личности – отв. ред. Шорохова Е. и др. М.: 1982. – 245 с.
159. Прохоров А.О., Васильева Т.Н. Связь черт характера и психических состояний педагогов. // Вопросы психологии. 2001. №3, С-57-69.
160. Психодиагностические методы в комплексном лонгютюдном исследовании студенчества. Под редакцией Грабеца и Двормиского. Л.: 1976.
161. Психологическая наука и образование // Вопросы психологии. 2002.
162. Психологические проблемы социальной регуляции поведения. М.: 1976.
163. Психологический словарь. М.: 1983.
164. Психологический словарь. М.: Политиздат, 1990.
165. Психологическое исследование интеллектуальной деятельности. (Сборник статьей). Под.ред. О.К.Тихомирова. Москва: изд. МГУ, 1979.
166. Психология личности. Тексты // под ред. Ю. Гиппенрейтер, А.А. Пузырея, М.: МГУ, 1982. – 287 с.
167. Психология развивающейся личности. Под ред. А.В. Петровского, НИИ общей и пед. психологии, АПН СССР. М.: Педагогика, 1987. – 240 с
168. Психология формирования и развития личности. Под ред.

Л.И. Анциферовой – М.: Наука, 1981. – 365 с.

169. Психология эмоций// Тексты. М.: 1984. - 103-107 с. (У.Макдауголл).
170. Рахимов С.Р. Психолого-педагогические взгяды Абу Али Ибн Сины. Ташкент: «Ўқитувчи», 1979.
171. Реан А.А., Баранов А.А. Факторы стресса устойчивости учителей // Вопросы психологии. 1997, №1.
172. Рейковский Я. Экспериментальная психология эмоций. М.: 1979. - 133-178 с.
173. Романова Е.С. и Потёмкина О.В. Графические методы психологической диагностики. Москва: 1991.
174. Рубинштейн С.Л. Проблемы общей психологии. М.: 1976 – 415 с.
175. Рубинштейн С. Л. Основы общей психологии – СПб: Питер, 2000.
176. Рубинштейн С. Л. Основы общей психологии – М.: 1946.
177. Саванько Е.И. Оценка и самооценка как мотивы поведения школьников разного возраста // Вопросы психологии, № 4, 1969. - С. 23.
178. Саванько Е.И. Возрастные особенности соотношения ориентации школьников на самооценку и оценку другими людьми// В кн. Изучение мотивации поведения детей и подростков// Под ред. Л.И. Божович. М.: 1977. – 19 с.
179. Салаева Н. Хоразм оилаларининг этнопсихологик хусусиятлари. Автореферат. номзодлик диссер. Тошкент: 2002. – 13-15 б.
180. Самарин Ю.А. К вопросу о соотношении темперамента и характера. В книге. Вопросы психологии. Москва: 1960.
181. Сапогова Е.Е. Психология развития человека: Учебное пособие. – М.: Аспект Пресс, 2001.
182. Сафин В.Ф. Устойчивость самооценки, механизм ее сохранения // Вопросы психологии, № 3, 1975. - С. 62-72.
183. Сидоренко Е.В. Методы математической обработки в психологии// Социально-психологический центр, 1996. - 351 с.

184. Собиева Г.А. Формирование самосознания и самооценки у советских школьников. Автореф. дис. канд. психол. наук - М.: 1953. - 26 с.
185. Смирнов Б.Н. О разных подходах к проблеме воли в психологии. // Вопросы психологии. 2004. №3, С-64-70.
186. Столин В.В. Самосознание личности. М.: 1983. – 284 с.
187. Столин В.В. Познание себя и отношение к себе в структуре самосознания личности. Автреф. дис. докт. психол. наук. – М.: 1985. – 37 с.
188. Страхов И.В. Психология характера. Саратов.: 1970.
189. Теплов Б.М. Избранные труды в двух томах. – Москва: «Педагогика», 1985. Т-II. -12-110 с.
190. Теплов Б.М. Проблемы индивидуальных различий. Москва: 1961.
191. Токарева В.А. О социально-психологических проблемах формирования нравственных качеств личности // социально-психологические проблемы формирования личности. Тошкент: 1986.
192. Токарева В.А.. Психология нравственного развития личности студента (монография), Тошкент: Фан, 1989.
193. Тўхлиев Б. Юсуф Ҳос Хожиб. Қутадғу билиг (Саодатга йўлловчи билим). Т.: Юлдузча, 1990. –Б. 6.
194. Ушинский К.Д. Человек как предмет воспитания (опыт педагогической антропологии). Соч. Т.Д. Москва: 1950.
195. Фельдштейн Д.И. Психология развития личности в онтогенезе. М.: 1989. – 72 с.
196. Формирование личности: Проблема комплексного подхода в процессе воспитания школьников // Под ред. Г.Н. Орилонова. М.: 1983. 256с.
197. Форобий. Китоб Аро аҳл ал-маданийа ал-Фозил. Албир Насрий Нодир таҳрири остида. Байрут: 1959. – Б.112-113, (араб тилида).
198. Фридман А.М., Кулагина И.Ю. Ўқитувчининг психологик маслаҳат китоби. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1991.
199. Фромм Э. Характер и социальный процесс // Психология личности.

Тексты. М.: 1982.

200. Хекхаузен Х. Мотивация и деятельность. Т.2. М.: Педагогика, 1986.– 62 с.
201. Хидиров Э.А. Психологические аспекты подготовки будущих учителей русского языка и литературы в узбекской школе. Ташкент: 1994.
202. Холодная М.А. Когнитивные стили как проявление своеобразия индивидуального интеллекта. – Киев: УМК ВО, 1990.
203. Цилов В.Р. Об условиях влияющих на становление характера. // Вопросы психологии. 2001. №5, С-128-135.
204. Чумаков М.В. Исследование личностных проявлений «безвольного» человека методом семантического сходства // Ярославские психологические вести. – Вып. 8. М.; Ярославль: Изд-во РПО, 2002. С.72-75.
205. Чумаков М.В. Выделение волевых черт личности на основе семантического сходства // Ярославские психологические вести. – Вып. 10. М.; Ярославль: Изд-во РПО, 2003. С.60-65.
206. Шляпников В.Н. Понятие воли в рамках модели практической занятости человека. 2006. №6, С.147-154.
207. Шмелев А.Г. Психодиагностика личностных черт. СПб.: Речь, 2002.
208. Шорохова Г.В. Психологический аспект проблемы личности // Теоретические проблемы психологии личности. -М.: 1974. -3-33 с.
209. Шуванов И.Б. Психологические особенности индивидуального стиля деятельности учителя.- Ташкент: 1993.
210. Экспериментальная педагогическая психология и психодиагностика. М.: Просвещение. ВЛАДОС. 1995. – 512 с.
211. Экспериментальная психология// Под ред. П. Фресса, Ж. Пиаже. Вып. V. Мотивация. Эмоции. Личность. М.: Прогресс, 1975. - 284 с.
212. Эльконин Д.Б. К проблеме периодизации психического развития в детском возрасте// Вопросы психологии. 1971, № 4. – С. 22.
213. Эльконин Д.Б. Психология игры. М.: 1978. -298с.

214. Ярошевский М.Г. История психологии. Москва: 1976.
215. Ғозиев Э.Ғ. Комил инсоннинг психологик тавсифи. Тошкент: “Университет”, 2006.
216. Ғозиев Э.Ғ. Психология муаммолари. Т.: “Университет”, 1999. -134 б.
217. Ғозиев Э.Ғ., Холмуҳамедов М., Иброҳимов Х. Психология методологияси. Т.: 2002, -51 б.
218. Ғозиев Э.Ғ. Психология. Т.: “Ўқитувчи”, 2003. 66-73 б.
219. Ғозиев Э.Ғ. Психология тарихи саҳифалари. Тошкент: «Фан”, 2006.
220. Ғозиев Э.Ғ. Таълим жараёнида ўқувчилар тафаккурининг ўсиши. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1980.
221. Ғозиев Э.Ғ. Умумий психология, Т.: 2002, 1-китоб. -93 б.
222. Ғозиев Э.Ғ. Управление эмоциональным состоянием. Ташкент: “Университет”, 2007.